

Дурбек САЙФУЛЛАЕВ

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА  
РИВОЖЛАНИШ  
ТАРИХИ  
(1991-2016)**

Дурбек Сайфуллаев

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА  
РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ  
(1991-2016)**



Тошкент-2018

УЎК 327: 325.8 (575.1)

КБК 66.4(5Ў)

С 23

Сайфуллаев, Дурбек.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи [Матн]: / Д.Сайфуллаев. – Тошкент: Muhammad nashriyoti, 2018. – 176 б.

ISBN 978-9943-5266-1-7

*Мазкур монография 1991–2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси дипломатиясининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, халқаро муносабатлардаги ўрни ва роли фанлараро ёндашув асосида кенг ва атрофлича ёритилган. Монографияда ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар эволюциясининг назарий асослари, миллий дипломатиянинг глобал ва ҳудудий жараёнлардаги иштироки, соҳадаги муаммолар, уларга нисбатан янгича ёндашувлар кўрсатиб ўтилган.*

*Ўқув қўлланма Ўзбекистон тарихи, жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар йўналишларида таҳсил олаётган талабалар ва магистрантлар, бу борада фаолият олиб бораётган мутахассислар ва, умуман, мазкур масала билан қизиқувчиларга мўлжалланган.*

*Масъул муҳаррир:*

**С.А.Жўраев**

сиёсий фанлар доктори, профессор

*Тақризчилар:*

**М.А.Рахимов**

тарих фанлари доктори профессор

**Н.А.Касимова**

сиёсий фанлар доктори, профессор

**С.М.Мирқосимов**

Фавқулодда ва мухтор элчи

*Тошкент давлат шарқшунослик институти Илмий Кенгашининг  
2016 йил 2 июлдаги 11-сонли мажлиси баённомаси билан  
нашрга тавсия этилган*

ISBN 978-9943-5266-1-7

© «Muhammad nashriyoti»,  
Тошкент, 2018.

## СЎЗБОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йилнинг 12 январида Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолияти таҳлилига бағишланган йиғилишида соҳадаги муҳим масалалардан бири сифатида мустақиллик даврида ўзбек дипломатиясининг шаклланиш жараёнлари ҳақида алоҳида китоб тайёрлаб чиқарилиши кераклиги, бу соҳа ходимлари, аввало, ёш дипломатлар учун муҳим қўлланма бўлишини билдирган эди.

Дарҳақиқат, мамлакат дипломатияси ўтган 26 йили мобайнида халқаро миқёсида муайян нуфузга эга бўлди, тарихий тажриба тўплади. Мазкур тажрибани ўрганиш, таҳлил этиш, ютуқ ва муваффақиятлар омилларини аниқлаш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, 1990 йилларнинг иккинчи ярмига келиб тарих фанлари тадқиқот майдонига Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганиш билан боғлиқ муаммолар кира бошлади. Ушбу даврни тадқиқ этишнинг долзарб муаммолардан бири мамлакат халқаро муносабатларининг тикланиши ва ривожланиши, шу жумладан, миллий дипломатиянинг шаклланиши ва ривожланиши масалаларидир. Шу билан бирга, дипломатия тарихи, Ўзбекистон замонавий дипломатияси ривожининг айрим жиҳатлари ўрганилган бир қатор ишлар тайёрланди. Бироқ охири чорак аср давомида мураккаб халқаро геосиёсий вазиятда ўзбек дипломатиясининг концептуал асослари, ривожланиш босқичлари, институционал асосларининг шаклланиш жараёни, соҳани кадрлар билан таъминлаш муаммоси етарли ўрганилмади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон дипломатиясининг мустақиллик давридаги тарихини ўрганиш, унинг шаклланиш эволюциясини тарихийлик нуқтаи назаридан илмий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Тарих фанлари бўйича PhD Дурбек Сайфуллаев томонидан Тошкент давлат шарқшунослик институтида 1991–2016 йилларни ўз ичига олган «*Мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи*» номли монография яратилди. Мазкур тадқиқотда мустақиллик йилларида Ўзбекистон дипломатияси шаклланиши ва ривожланишининг босқичлари, принциплари, назарий-концептуал асослари ва устувор стратегик йўналишлари тарихий жиҳатдан тизимли равишда очиб берилган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси томонидан мамлакат ташқи сиёсатини фаол амалга оширишда парламент дипломатияси, иқтисодий дипломатия, минтақавий дипломатия каби дипломатик воситалардан самарали фойдаланилганлигини тизимлаштирилганлиги ишнинг нуфузини анча оширган. Марказий Осиёда минтақавий муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишдаги ташаббуслар, минтақада ядродан холи макон шакллантириш бўйича Ўзбекистоннинг дипломатик ёндашувлари тарихий жиҳатдан таҳлил этиши, бу бўйича чиқарган хулосалари ўзининг аниқлиги ва ишончлилиги билан ажралиб туради.

Монография Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар Вазирлиги тизими тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги (2018 йил 6 апрель), «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017 йил 7 февраль) фармонлари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги (2017 йил 30 июнь) қарори, шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**А.М.Маннонов,**  
*Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори*  
*Филология фанлари доктори, профессор*

## І БОБ.

### **ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ ДИПЛОМАТИЯСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ**

#### **1.1-§. Замонавий дипломатияни ўрганишнинг назарий ва концептуал асослари**

XX аср охирига келиб авж олган глобаллашув жараёни таъсирида халқаро муносабатлар масаласи ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ажралиб турадиган, чуқур ва ҳар томонлама изланишни талаб этадиган долзарб муаммолардан бирига айланди. Аслида, халқаро муносабатлар мавзуи ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг доимий диққат марказида бўлиб келган. Айниқса, унинг узвий ва муҳим қиррасини ўзида мужассамлаштирган дипломатияни тарихий жиҳатдан ўрганиш ҳозирги кунда жаҳон ва минтақа миқёсидаги, шунингдек давлатлар ўртасида кечаётган сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлардаги кўплаб чигал муаммолар ечимининг калитларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда дастлаб дипломатия феноменининг таърифи масаласига алоҳида тўхталиб, ушбу тушунча атрофидаги баҳс-мунозараларга аниқлик киритиб ўтишимиз жоиз.

Тадқиқотимиз предметини ташкил этган дипломатия анча мураккаб ҳодиса бўлиб, жараён, ҳаракат унинг бош хусусиятидир. Аксарият манбаларда дипломатия ҳукумат ва унинг махсус органларининг давлат ташқи сиёсатини амалга ошириш ҳамда давлат ва унинг фуқароларининг хориждаги манфаатларини ҳимоя қилиш фаолияти сифатида таърифланади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг, масалан: Попов В. И. Современная дипломатия: теория и практика: Курс лекций. Часть 1: Дипломатия – наука и искусство / ДА МИД РФ. – М.: Научная книга, 2000. – 576 с.

Дипломатик луғатда дипломатияга давлат ташқи сиёсатини амалга оширишнинг ҳарбий бўлмаган воситаси, муайян шароит ва ҳал қилинаётган вазифаларнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қўлланиладиган амалий чоратадбирлар, усул ва йўллар мажмуи; давлат раҳбарлари ва ҳукуматларнинг, ташқи ишлар вазирларининг, ташқи ишлар муассасаларининг, хориждаги дипломатик ваколатхоналарнинг давлат ташқи сиёсатининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, давлатнинг, унинг хориждаги муассаса ва фуқароларининг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги расмий фаолияти сифатида таърифланган<sup>2</sup>.

«Дипломат» сўзининг келиб чиқиши масаласи ҳам фанда ўз ечимини топган бўлиб, унинг маъносини аниқ ифодалади: у расмий ҳужжатлар (ишонч ёрлиқлари)ни англаторчи юнонча «диплом» сўзидан келиб чиққан. Қадимги Юнонистонда ушбу ҳужжатлар элчиларга уларнинг васиқалари сифатида тақдим этилган ва ҳукмдор номидан иш кўриш ваколатини берган.

Дипломатия тарихчилари Европада «амбасадор» («элчи») тушунчаси илк бор Юлий Цезарнинг (мил. ав. 102-44 йй.) «Галлар уруши тўғрисида»ги битикларида учрайди, деб ҳисоблайдилар. Кельтча «амбасадор» сўзи дастлаб «хизматкор», «қул» маъносини англаторган. Маълумки, ҳарбий саркарда ёки ҳукмдор бошқа томонга ишонган кишиларини нома билан жўната туриб, «Сенга ўз хизматкоримни юбораяпман», деб таъкидлаган. Бошқа мамлакатларга ўз ҳукмдорларининг номаларини чопар, жарчи ва элчилар етказган. Давлатнинг доимий вакилини англаториш учун «амбасадор» сўзи Европа мамлакатларида XVI аср ўрталаридан қўлланила бошлаган. Бунга қадар Италияда дипломатик вакиллар «нотик-резидент» деб аталган<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Дипломатический словарь / Отв. ред. А. А. Громыко. Т. 1. – М.: Наука, 1984. – С. 327.

<sup>3</sup> Ахтамзян А. А. Эволюция основных понятий и терминов дипломатии // Российская дипломатия: история и современность. – М.: РОССПЭН, 2001. – С. 387–397.

Юқорида келтирилган мисоллар бу тушунчанинг тор маънода (ташқи сиёсат доирасида)ги ҳолатини ифода этади. Мутахассисларнинг фикрича, кенг маънода «дипломатия» тушунчаси нафақат давлатлар, балки ҳар хил субъектлар ва индивидлар ўртасида ҳам ўзаро муносабат ва алоқаларни йўлга қўювчи коммуникация ва репрезентация жараёнини ифодалайди<sup>4</sup>.

Умуман олганда, махсус профессионал фаолиятни ўзида мужассамлаштирган «дипломатия» тушунчаси камералистика<sup>5</sup> ва давлат бошқарувига оид инглиз тилидаги манбаларда 1645 йил санаси билан тарихга муҳрланган<sup>6</sup>, 1693 йилдан «diplomaticus» Лейбницнинг Халқаро дипломатик ҳуқуқ кодексида суверен мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар масалаларини акс эттирувчи тушунча сифатида халқаро муносабатларга кириб келган, шу даврдан бошлаб халқаро муносабатлардаги ўзгаришлар таъсирида «дипломатия» терминининг маъноси бойиб борган<sup>7</sup>. Ушбу атама ҳозирги маъносида илк бор Людвиг XIVнинг элчиси бўлган француз дипломати Франсуа Кальер томонидан қўлланилган<sup>8</sup>.

Гарчи «дипломат» тушунчаси ўз ҳукмдори номидан иш кўриш ваколатини берувчи ҳужжатга эга шахсни англаториш

<sup>4</sup> Стрежнева М. В., Руденкова Д. Э. Европейский союз: архитектура внешней политики. – М.: ИМЭМО РАН, 2016. – С. 119

<sup>5</sup> Камералистика (нем. kameralistik, франц. caméralistique, лот. camera – ғазна, ташкилот) – ўрта асрлар (XVI–XVIII)да Европа университетларида ўқитилган маъмурий ва иқтисодий фанларнинг махсус цикли. Камералистика ўз номини йирик хўжаликлар эгалари ҳисобланган ўрта аср Европа князлари, герцоглари ва кироллари томонидан ташкил қилинган камерал ташкилотлардан олган. Камерал фанлар доирасида университетлар ва махсус камерал мактабларда йирик заминдорлар хўжалиklarининг иш бошқарувчи амалдорлари тайёрланган // bsc. sci-lib.com/article058245.html

<sup>6</sup> Қаранг: Нечаева Ю. В. Происхождение дипломатии // Дипломатический вестник Приднестровья. – 2011. – № 6. – С. 45.

<sup>7</sup> Қаранг: Дурдыева А. А. Дипломатические структуры и инструменты дипломатии Европейского Союза и государств-членов: соотношение и взаимосвязь. Дис. ... канд. полит. наук. – М., 2017.

<sup>8</sup> Қаранг: Попов В. И. Современная дипломатия: теория и практика: Курс лекций. Часть 1: Дипломатия – наука и искусство / ДА МИД РФ. – М.: Научная книга, 2000. – С. 13.

учун қўлланилса-да, айнан матнга эга бўлган икки букланган қоғоз ёки икки ёклама ёзувли тахгача сифатидаги диплом қадим замонлардан бери мавжуддир. Тарихчилар фикрига кўра, «дипломатия» ва «дипломат» тушунчалари давлатлар ўртасидаги муносабатларда фақат XVIII асрга келиб кенг муомалага кирган. Аммо бу ҳол «дипломатия» ва «дипломат» тушунчалари «ташқи сиёсат» тушунчасидан анча кейин пайдо бўлганлигини англатмайди.

Турли тарихий даврларда давлатлар ва ҳукуматлар ўртасида ташқи сиёсатни амалга ошириш воситаси сифатида қўлланилган дипломатия қадимий феномен сифатида урушлар билан боғлиқ ҳолда эътироф этилади. Фанда маълум бўлган энг қадимги шартнома милоддан аввалги XIII асрга оиддир. Мил. ав. 1278 йилда Миср фиръавни Рамзес II билан Хеттлар ҳукмдори Хаттушилъ III узоқдавом этган вайронкор урушдан сўнг сулҳ шартномаси тузганлиги ҳақида тарихий факт қайд этилган. Афсоналарга кўра, унинг матни кумуш бўлакчаларига битилган бўлиб, ҳам шакли, ҳам тузилишига кўра, бу битим бошқа давлатлар учун намунага айланган. Унинг кириш қисми (яъни, муқаддимаси) мавжуд бўлиб, унда шартномани тузишдан кўзланган мақсадлар баён этилган. Бундан ташқари, шартномада бир қатор қарорлар – томонларнинг мажбуриятлари ҳамда олинган мажбуриятларга содиқлик борасидаги аҳд – ҳам мавжудлигини қуйидаги сатрларда кўриш мумкин: «Хеттлар мамлакатининг кумуш парчаларига битилган минг маъбуд ва маъбудаларининг барчаси Мисрнинг минг маъбуд ва маъбудаларининг барчаси каби давлат элчилигини амалга ошириш мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Улар менинг сўзларимга гувоҳдирлар»<sup>9</sup>.

Бу борада сиёсатшунос М. Қирғизбоев немис тилидаги манбаларга таяниб, қуйидаги фактларни келтиради: «Инсоният цивилизацияси 56 асрга тенг бўлса, шундан фақат уч асри тинч ўтган давр бўлди. Тарихда 8 мингта тинчлик битимлари тузилганлиги қайд этилган бўлиб (тахминан бўлса

<sup>9</sup> Селянинов О. П. Тетради по дипломатической службе государств. – М.: МГИМО, 1998. – С. 10.

вақт), уларнинг катта қисми «абдий муддатлар»га тузилган эди. Лекин уларнинг ўртача амал қилиш муддати 10 йилдан ошмаган»<sup>10</sup>.

Таъкидлаш жоизки, дипломатик ҳаракатлар урушларнинг олдини олишга қаратилган ҳаракат сифатида «дипломат» тушунчасидан анча аввал юзага келган. Мутахассислар таъкидлаганидек, дипломатия давлат ташқи сиёсатини амалга ошириш усулларида бири, ноҳарбий амалий чоратадбирлар мажмуи ҳисобланади<sup>11</sup>. Дипломатия давлатлар, ҳукуматлар, давлатларнинг ташқи алоқалари идоралари раҳбарларининг расмий фаолияти шаклида ҳамда ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифаларига эришиш, шунингдек ўз давлати ва хориждаги фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит яратувчи дипломатлар томонидан бевосита амалга оширилади. Ҳозирги кунда дипломатияга таъриф беришда доимо у ҳукумат ва ноҳукумат институтлари ҳамда зўрлик ишлатилмайдиган халқаро муносабатларни тартибга солувчи муассасаларнинг куч ва воситалари мажмуи эканлиги таъкидланади<sup>12</sup>. Дипломатия сўнгги юз йилликда халқаро муносабатлар тизимида бир давлатнинг ҳукмрон мавқени эгаллашга уринишига ҳамда барча давлатлар ўртасида тартибсизлик, бошбошдоқликка йўл қўймаслик мақсадида мувозанатни сақлаб туриш имконини яратди. Дер Дериан таъкидлаганидек, замонавий дипломатия давлатларнинг якуний мақсади бўлмиш адоватли муҳитда ўзини сақлаб қолишнинг жамоавий ва ҳиссий инъикоси сифатида вужудга келган<sup>13</sup>.

Дипломатия феноменини ўрганишга муносиб ҳисса қўшган британиялик назариётчи олим Г. Никольсоннинг

<sup>10</sup> Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик: Олий ўқув юртлири талабалари учун қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – Б. 486.

<sup>11</sup> Абдуллаева Л., Юлдашева Г. Терминологический толковый словарь по дипломатическому и консульскому праву. – Т.: ТДЮИ, 2005. – С. 30.

<sup>12</sup> Барышников Д. Н., Костюк Р. В., Ткаченко С. Л. Эффективность дипломатии. – СПб.: ВВМ, 2009. – С. 13.

<sup>13</sup> Der Derian J. On Diplomacy: A Genealogy of Western Estrangement. – Oxford: Blackwell Publishers, 1987. – P. 119.

учун қўлланилса-да, айнан матнга эга бўлган икки букланган қоғоз ёки икки ёклама ёзувли тахгача сифатидаги диплом қадим замонлардан бери мавжуддир. Тарихчилар фикрига кўра, «дипломатия» ва «дипломат» тушунчалари давлатлар ўртасидаги муносабатларда фақат XVIII асрга келиб кенг муомалага кирган. Аммо бу ҳол «дипломатия» ва «дипломат» тушунчалари «ташқи сиёсат» тушунчасидан анча кейин пайдо бўлганлигини англамайди.

Турли тарихий даврларда давлатлар ва ҳукуматлар ўртасида ташқи сиёсатни амалга ошириш воситаси сифатида қўлланилган дипломатия қадимий феномен сифатида урушлар билан боғлиқ ҳолда эътироф этилади. Фанда маълум бўлган энг қадимги шартнома милоддан аввалги XIII асрга оиддир. Мил. ав. 1278 йилда Миср фиръавни Рамзес II билан Хеттлар ҳукмдори Хаттушиль III узоқ давом этган вайронкор урушдан сўнг сулҳ шартномаси тузганлиги ҳақида тарихий факт қайд этилган. Афсоналарга кўра, унинг матни кумуш бўлакчаларига битилган бўлиб, ҳам шакли, ҳам тузилишига кўра, бу битим бошқа давлатлар учун намунага айланган. Унинг кириш қисми (яъни, муқаддимаси) мавжуд бўлиб, унда шартномани тузишдан кўзланган мақсадлар баён этилган. Бундан ташқари, шартномада бир қатор қарорлар – томонларнинг мажбуриятлари ҳамда олинган мажбуриятларга содиқлик борасидаги аҳд – ҳам мавжудлигини қуйидаги сатрларда кўриш мумкин: «Хеттлар мамлакатининг кумуш парчаларига битилган минг маъбуд ва маъбудаларининг барчаси Мисрнинг минг маъбуд ва маъбудаларининг барчаси каби давлат элчилигини амалга ошириш мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Улар менинг сўзларимга гувоҳдирлар»<sup>9</sup>.

Бу борада сиёсатшунос М. Қирғизбоев немис тилидаги манбаларга таяниб, қуйидаги фактларни келтиради: «Инсоният цивилизацияси 56 асрга тенг бўлса, шундан фақат уч асри тинч ўтган давр бўлди. Тарихда 8 мингта тинчлик битимлари тузилганлиги қайд этилган бўлиб (тахминан бўлса

<sup>9</sup> Селянинов О. П. Тетради по дипломатической службе государств. – М.: МГИМО, 1998. – С. 10.

рак), уларнинг катта қисми «абадий муддатлар»га тузилган эди. Лекин уларнинг ўртача амал қилиш муддати 10 йилдан ошмаган»<sup>10</sup>.

Таъкидлаш жоизки, дипломатик ҳаракатлар урушларнинг олдини олишга қаратилган ҳаракат сифатида «дипломат» тушунчасидан анча аввал юзага келган. Мутахассислар таъкидлаганидек, дипломатия давлат ташқи сиёсатини амалга ошириш усулларидан бири, ноҳарбий амалий чоратадбирлар мажмуи ҳисобланади<sup>11</sup>. Дипломатия давлатлар, ҳукуматлар, давлатларнинг ташқи алоқалари идоралари раҳбарларининг расмий фаолияти шаклида ҳамда ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифаларига эришиш, шунингдек ўз давлати ва хориждаги фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит яратувчи дипломатлар томонидан бевосита амалга оширилади. Ҳозирги кунда дипломатияга таъриф беришда доимо у ҳукумат ва ноҳукумат институтлари ҳамда зўрлик ишлатилмайдиган халқаро муносабатларни тартибга солувчи муассасаларнинг куч ва воситалари мажмуи эканлиги таъкидланади<sup>12</sup>. Дипломатия сўнгги юз йилликда халқаро муносабатлар тизимида бир давлатнинг ҳукмрон мавқени эгаллашга уринишига ҳамда барча давлатлар ўртасида тартибсизлик, бошбошдоқликка йўл қўймаслик мақсадида мувозанатни сақлаб туриш имконини яратди. Дер Дериан таъкидлаганидек, замонавий дипломатия давлатларнинг якуний мақсади бўлмиш адоватли муҳитда ўзини сақлаб қолишнинг жамоавий ва ҳиссий инъикоси сифатида вужудга келган<sup>13</sup>.

Дипломатия феноменини ўрганишга муносиб ҳисса қўшган британиялик назариётчи олим Г. Никольсоннинг

<sup>10</sup> Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик: Олий ўқув юртлири талабалари учун қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – Б. 486.

<sup>11</sup> Абдуллаева Л., Юлдашева Г. Терминологический толковый словарь по дипломатическому и консульскому праву. – Т.: ТДЮИ, 2005. – С. 30.

<sup>12</sup> Барышников Д. Н., Костюк Р. В., Ткаченко С. Л. Эффективность дипломатии. – СПб.: ВВМ, 2009. – С. 13.

<sup>13</sup> Der Derian J. On Diplomacy: A Genealogy of Western Estrangement. – Oxford: Blackwell Publishers, 1987. – P. 119.

учун қўлланилса-да, айнан матнга эга бўлган икки букланган қоғоз ёки икки ёқлама ёзувли тахгача сифатидаги диплом қадим замонлардан бери мавжуддир. Тарихчилар фикрига кўра, «дипломатия» ва «дипломат» тушунчалари давлатлар ўртасидаги муносабатларда фақат XVIII асрга келиб кенг муомалага кирган. Аммо бу ҳол «дипломатия» ва «дипломат» тушунчалари «ташқи сиёсат» тушунчасидан анча кейин пайдо бўлганлигини англатмайди.

Турли тарихий даврларда давлатлар ва ҳукуматлар ўртасида ташқи сиёсатни амалга ошириш воситаси сифатида қўлланилган дипломатия қадимий феномен сифатида урушлар билан боғлиқ ҳолда эътироф этилади. Фанда маълум бўлган энг қадимги шартнома милоддан аввалги XIII асрга оиддир. Мил. ав. 1278 йилда Миср фиръавни Рамзес II билан Хеттлар ҳукмдори Хаттушиль III узоқ давом этган вайронкор урушдан сўнг сулҳ шартномаси тузганлиги ҳақида тарихий факт қайд этилган. Афсоналарга кўра, унинг матни кумуш бўлакчаларига битилган бўлиб, ҳам шакли, ҳам тузилишига кўра, бу битим бошқа давлатлар учун намунага айланган. Унинг кириш қисми (яъни, муқаддимаси) мавжуд бўлиб, унда шартномани тузишдан кўзланган мақсадлар баён этилган. Бундан ташқари, шартномада бир қатор қарорлар – томонларнинг мажбуриятлари ҳамда олинган мажбуриятларга содиқлик борасидаги аҳд – ҳам мавжудлигини қуйидаги сатрларда кўриш мумкин: «Хеттлар мамлакатининг кумуш парчаларига битилган минг маъбуд ва маъбудаларининг барчаси Мисрнинг минг маъбуд ва маъбудаларининг барчаси каби давлат элчилигини амалга ошириш мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Улар менинг сўзларимга гувоҳдирлар»<sup>9</sup>.

Бу борада сиёсатшунос М. Қирғизбоев немис тилидаги манбаларга таяниб, қуйидаги фактларни келтиради: «Инсоният цивилизацияси 56 асрга тенг бўлса, шундан фақат уч асри тинч ўтган давр бўлди. Тарихда 8 мингта тинчлик битимлари тузилганлиги қайд этилган бўлиб (тахминан бўлса

<sup>9</sup> Селянинов О. П. Тетради по дипломатической службе государств. – М.: МГИМО, 1998. – С. 10.

керак), уларнинг катта қисми «абдий муддатлар»га тузилган эди. Лекин уларнинг ўртача амал қилиш муддати 10 йилдан ошмаган»<sup>10</sup>.

Таъкидлаш жоизки, дипломатик ҳаракатлар урушларнинг олдини олишга қаратилган ҳаракат сифатида «дипломат» тушунчасидан анча аввал юзага келган. Мутахассислар таъкидлаганидек, дипломатия давлат ташқи сиёсатини амалга ошириш усулларида бири, ноҳарбий амалий чоратadbирлар мажмуи ҳисобланади<sup>11</sup>. Дипломатия давлатлар, ҳукуматлар, давлатларнинг ташқи алоқалари идоралари раҳбарларининг расмий фаолияти шаклида ҳамда ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифаларига эришиш, шунингдек ўз давлати ва хориждаги фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит яратувчи дипломатлар томонидан бевосита амалга оширилади. Ҳозирги кунда дипломатияга таъриф беришда доимо у ҳукумат ва ноҳукумат институтлари ҳамда зўрлик ишлатилмайдиган халқаро муносабатларни тартибга солувчи муассасаларнинг куч ва воситалари мажмуи эканлиги таъкидланади<sup>12</sup>. Дипломатия сўнгги юз йилликда халқаро муносабатлар тизимида бир давлатнинг ҳукмрон мавқени эгаллашга уринишига ҳамда барча давлатлар ўртасида тартибсизлик, бошбошдоқликка йўл қўймаслик мақсадида мувозанатни сақлаб туриш имконини яратди. Дер Дериан таъкидлаганидек, замонавий дипломатия давлатларнинг якуний мақсади бўлмиш адоватли муҳитда ўзини сақлаб қолишнинг жамоавий ва ҳиссий инъикоси сифатида вужудга келган<sup>13</sup>.

Дипломатия феноменини ўрганишга муносиб ҳисса қўшган британиялик назариётчи олим Г. Никольсоннинг

<sup>10</sup> Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик: Олий ўқув юрглари талабалари учун қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – Б. 486.

<sup>11</sup> Абдуллаева Л., Юлдашева Г. Терминологический толковый словарь по дипломатическому и консульскому праву. – Т.: ТДЮИ, 2005. – С. 30.

<sup>12</sup> Барышников Д. Н., Костюк Р. В., Ткаченко С. Л. Эффективность дипломатии. – СПб.: ВВМ, 2009. – С. 13.

<sup>13</sup> Der Derian J. On Diplomacy: A Genealogy of Western Estrangement. – Oxford: Blackwell Publishers, 1987. – P. 119.



қарашлари Оксфорд лугатида ўз ифодасини топган. Унда таъкидланишича, «дипломатия – бу халқаро муносабатларни музокаралар орқали юритиш; музокараларни элчи ва вакиллар томонидан бошқариш усули, дипломатнинг вазифаси ёки санъатидир»<sup>14</sup>.

Халқаро ҳуқуқ соҳасидаги етакчи мутахассислардан бири Ш. Мартенс: «Дипломатия давлатнинг ташқи алоқалари ёки хорижий ишлари тўғрисидаги фан, бирмунча тор маънода эса, музокаралар олиб бориш илми ёки санъатидир», – деб таъкидлаган<sup>15</sup>. Машҳур инглиз дипломати Э. Сатоу: «Дипломатия – мустақил давлатлар ҳукуматлари орасида расмий алоқалар олиб бориш учун ақл ва одобни қўллаш, қисқароқ айтганда, тинч воситалар ёрдамида давлатлар ўртасида иш олиб боришдир»<sup>16</sup>, деб ҳисоблайди.

Шу аснода, замонавий дипломатия назарияси тузилмавий ва функционал жиҳатдан қуйидаги масалаларни кўриб чиқишни ўз ичига олади: 1) дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши ва дипломатик миссияларнинг вужудга келиши; 2) дипмиссиялар ва дипломатик корпусни бошқариш учун ташқи ишлар вазирлиги ишини ташкил қилиш; 3) дипломатик ваколатхоналарнинг ташкил қилиниши ва тузилиши; 4) протокол ва тартиботлар; 5) дипломатик имтиёз ва иммунитетлар; 6) консуллик хизмати; 7) кўп томонлама дипломатия ва халқаро ташкилотлар; 8) халқаро ҳуқуқ ва тегишли амалиёт; 9) конференциялар ташкил қилиш ва ўтказиш; 10) оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик<sup>17</sup>; 11) гуманитар ва маданий ҳамкорлик; 12) ахборот-таҳлилий ишларни ташкил этиш ва унинг йўналишлари<sup>18</sup>.

Хуллас, дипломатия давлат ташқи сиёсатини амалга оши-

<sup>14</sup> Oxford Dictionary of English. – Oxford: Oxford University Press, 2003. – P. 136.

<sup>15</sup> История дипломатии. 2-е издание. Т. 1. – М.: Госполитиздат, 1959. – С. 36.

<sup>16</sup> Сатоу Э. Руководство по дипломатической практике. – М.: ИМО, 1961. – С. 11.

<sup>17</sup> Фельтхем Р. Дж. Настольная книга дипломата / Пер. с англ. В. Е. Улаховича. – Мн.: ООО «Новое знание», 2004. – 304 с.

<sup>18</sup> Ушбу бандлар С. М. Миркосимов билан бўлган суҳбаг натижасида киритилди.

ришнинг мураккаб усули, шунингдек давлатга халқаро ҳуқуқ ва тегишли тартибот асосида халқаро муносабатларда кафолатланган ва тенг иштирок этиш имконини берувчи кўп томонлама механизмдир.

Дипломатия кўпинча турли тарихий даврларда унга таъсир кўрсатадиган омиллар билан бирга жараён, тарихий ҳодиса сифатида ўрганилади. Ташқи сиёсат ана шундай муҳим омиллардан бири бўлиб, дипломатияни қамраб олади. Демак, уни ўрганмай туриб, тадқиқотнинг предмети ҳамда ижтимоий муносабатларнинг аниқ ҳодисаси сифатидаги дипломатияни тушуниш имкони бўлмайди.

Қолаверса, дипломатия ташқи сиёсат борасида ишлаб чиқилган усул ва воситалар, мавжуд концепция, йўналиш ва мактаблар доирасида олиб борилган тадқиқотлар<sup>19</sup> билан ҳам узвийдир. Бунда реализм, неореализм, институционализм сингари классик концепциялар билан бир қаторда, неомарксизм, француз социологик мактаби, конструктивизм каби ноклассик назариялар ҳам назарда тутилади<sup>20</sup>. Шу билан бирга, дипломатия ўзида ахборот воситалари, нотиклик санъати, ҳуқуқшуносликка асосланган илмий-таҳлилий ёндашув ва методларни акс эттирган ҳолда ривожланишнинг узоқ тарихий йўлини босиб ўтган<sup>21</sup>.

«Ташқи сиёсат» категориясини халқаро муносабатлар тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки халқаро муносабатлар тизими унинг асосий иштирокчилари ҳисобланган давлатларнинг ташқи сиёсати доирасида шаклланади.

<sup>19</sup> Бу ҳақда қуйидаги тадқиқотларда батафсил маълумотлар берилган: *Sharp, Paul. For Diplomacy: Representation and the Study of International Relations // International Studies Review. – Vol. 1. – No 1; Sharp, Paul. Diplomatic Theory of International Relations. Cambridge: Cambridge University Press, 2009; Barry H. Steiner. Diplomacy and international theory // Review of International Studies. Vol. 30. Issue 04. – Oct 2004; Keens-Soper, Maurice. Francoise de Callieres and Diplomatic Theory // The Historical Journal. – Vol. 16. – No. 3. – September 1973. – P. 485–508.*

<sup>20</sup> Қаранг: Основы общей теории международных отношений / Под ред. А.С. Манькина. – М.: МГУ, 2009. – 592 с.

<sup>21</sup> Қаранг: Попов В. И. Современная дипломатия: теория и практика: Курс лекций. – М.: Научная книга, 2000. – 576 с.

Ташқи сиёсат муайян бир давлатнинг бошқа давлатлар билан алоқалари, халқаро майдондаги эҳтиёж ва манфаатлари рўёбга чиқишини таъминловчи воситадир.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб, халқаро муносабатлар назариясининг тадрижий ривожига алоҳида тўхталиб ўтишимиз жоиз. Хусусан, халқаро муносабатлар қадимдан мавжуд бўлишига қарамай, ушбу ибора нисбатан яқинда пайдо бўлган. Манбаларнинг далолат беришича, ўзаги сиёсий муносабатларни назарда тутувчи «халқаро муносабатлар» тушунчасини илмий ва сиёсий муомалага инглиз файласуфи Ж. Бентам киритган.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, «халқаро муносабатлар» тушунчаси замонавий талқинда халқаро доирада давлатлар ва (кенг маънода) халқлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ҳуқуқий, дипломатик, ҳарбий, маданий ва бошқа турдаги алоқалар мажмуини англатади<sup>22</sup>.

Халқаро муносабатлар тузилмаси деганда халқаро муносабатларни ҳаракатлантирувчи механизмлар мажмуи ёки уларнинг айрим қисмлари –жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг «ички тузилиши», «жойлашуви», «тартиби», масалан, «халқаро ҳамжамиятлар асосий субъектлари ўртасидаги кучлар нисбати», «улар ўртасидаги хатти-ҳаракат қоидалари», «халқаро муносабатларни йўлга солиш воситалари», «халқаро ҳамкорлик механизмлари сифатидаги халқаро институтлар» тушунилади<sup>23</sup>.

«Халқаро муносабатлар тузилмаси» бутун халқаро муносабатлар тизимининг барқарорлик ҳолатига таъсир кўрсатувчи қарорлар қабул қилинишига таъсир этадиган (ёки таъсир этмайдиган) кучларнинг аниқ нисбати сифатида ҳам тушунилиши мумкин. Ўз мазмунига кўра, «халқаро муносабатлар тузилмаси» тушунчаси ушбу тузилманинг турли унсурлари, жумладан, субъектлари, институтлари, муносабатларининг хусусиятлари ва кўринишлари, жойлашу-

<sup>22</sup> Баймуратов М. А. Международное публичное право. – Киев: Одиссей, 2004. – С. 14.

<sup>23</sup> Современные международные отношения и мировая политика / А. Б. Торкунов, И. Г. Тюлин, А. Ю. Мельвиль и др. – М.: Просвещение, 2005. – С. 66-69.

ви ҳамда нисбатини англатади. Муайян тарихий босқичда ушбу тузилма халқаро муносабатларнинг тегишли шаклини ифодалайди. «Халқаро муносабатлар тузилмаси» таърифига бундай ёндашув давлат томонидан йўналтирилиши ёки йўналтирилмаслигидан қатъи назар, хатти-ҳаракат туркуми сифатида турли жамиятлар аъзолари ўртасида юзага келадиган ўзаро ҳамкорлик шакли бўлмиш «халқаро муносабатлар» тушунчасининг ўзига мос келади.

Иқтисодиётда бозорнинг аҳволи бир қанча йирик фирмалар таъсири билан белгилангандек, халқаро муносабатларнинг замонавий тузилмаси ҳам йирик давлатлар ва улар мувофиқлаштирадиган тегишли кучлар нисбатига боғлиқдир<sup>24</sup>. Ушбу кучлар нисбатидаги ўзгаришлар халқаро тизим тузилмасининг трансформациясига олиб келиши мумкин. Бироқ, аслида, манфаатлари ўзаро мос келмайдиган буюк давлатлар сони чекланган бўлгани боис ушбу тизим табиатининг ўзи ўзгармай қолаверади. Шу тариқа, халқаро муносабатлар тузилмасининг ҳолати унинг барқарорлиги ва ўзгарувчанлигини, ҳамкорлик ёки можароли муносабатларни кўрсатади. Халқаро муносабатлар тизимининг амал қилиш ва ўзгариш қонунлари айнан шунда ифодаланади.

Халқаро муносабатларни назарий жиҳатдан ўрганиш Биринчи жаҳон уруши якунланганидан кейин бошланди. Мутахассислар ушбу жараённинг айнан шу даврдан бошланишига Уэльс университетига халқаро муносабатлар кафедраси очилишини сабаб қилиб кўрсатишади<sup>25</sup>. Халқаро муносабатлар назарияси ривожининг иккинчи тўлқини ХХ асрнинг 30- йиллари охирига тўғри келди. Бу тўлқиннинг таниқли вакиллари сифатида Э. Х. Карр ва Ганс Моргентауни келтириш мумкин. Икки жаҳон уруши оралиғида вужудга келган ва бир қадар ривож топган халқаро муносабатлар назариясида халқаро сиёсатнинг бош қоидаси сифатида жамоавий хавфсизлик принципи устунлик берилган.

<sup>24</sup> Современные международные отношения: Учебник / Под. ред. А. В. Торкунова. – М.: РОССПЭН, 1999. – С. 20.

<sup>25</sup> Burchill, Scott and Linklater, Andrew. Introduction // Theories of International Relations / Ed. Scott Burchill ... [et al.], p.6. Palgrave, 2005.

Халқаро муносабатлар назарияси асосида ётган асосий концепцияларга тўхталадиган бўлсак, дастлаб реализмни қайд этиш зарур. Фукидид, Макиавелли ва Гоббс асарларида асослаб берилган реализм ёки сиёсий реализм назарияси вужудга келган даврдан бошлаб халқаро муносабатларда устунлик қилиб келмоқда<sup>26</sup>. Айни вақтда реализмнинг бир қанча йўналишлари ҳам шаклланган бўлиб, улар орасида «статизм», «омон қолиш» ҳамда «мустақиллик ва камолотга етиш» назарияларини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз.

Статизм (халқаро муносабатларда нодавлат ташкилотлари, давлатлараро сиёсий тузилмалар ва халқаро ташкилотларга устуворлик берувчи либерал назариядан фарқли равишда) халқаро майдондаги жараёнларда миллий давлатлар етакчилик қилади деган ақидага асосланса, «омон қолиш» назарияси халқаро сиёсий тизим анархия ёрдамида бошқарилиши, бинобарин, халқаро сиёсат миллий манфаатларга устуворлик берувчи давлатлар ўртасидаги курашга асосланишини таъкидлайди. Учинчи ёндашув тарафдори бўлган реалистлар халқаро муносабатларда омон қолиш учун ҳеч бир ҳамкорга суяниб бўлмаслиги, шу боис ҳар бир давлат ўз устида ишлаб, мустақил сиёсат юритиши ва миллий манфаатларини ўзи ҳимоя қилиши зарурлигини таъкидлайди. Умуман айтганда, реалистлар халқаро муносабатларда рақобат мавжудлигини ва ҳар бир давлат автоном рационал тузилма сифатида ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, ўз хавфсизлиги, манфаатлари ва суверенитети учун (жумладан, дипломатик воситалар ёрдамида) курашиши кераклигини уқтиради.

Реализм негизида шаклланган замонавий назария – нео-реализм (ёки структуравий реализм) йўналишининг ғоявий раҳнамоси Кеннет Уолтц ҳисобланади (унинг ғоялари илк бор «Халқаро сиёсат назарияси» асарида ўз ифодасини топган)<sup>27</sup>. Уолтц таклиф этган структуравий реализм структура деган-

<sup>26</sup> Political Realism [Internet Encyclopedia of Philosophy] // www.iep.utm.edu/polreal/

<sup>27</sup> Kenneth N. Waltz. Man, the State and War: A Theoretical Analysis. – New York: Columbia University Press, 1959. – P. 159–186.

да, биринчидан, анархияга асосланган халқаро муносабатлар тизимини, иккинчидан, давлатлар ўртасидаги муносабатларда уларнинг имкониятлари тақсимотини тушунади. К. Уолтц фақат ҳарбий кучга асосланган давлатнинг қудрати ҳақидаги реалистик ёндашувни шубҳа остига қўйиб, унинг ўрнига давлат қудрати ҳақидаги тушунчани турли (ижтимоий, маданий, иқтисодий, сиёсий) соҳалар комбинацияси сифатида таклиф этади<sup>28</sup>.

Халқаро муносабатлар назариясидаги йирик ва муҳим йўналишлардан яна бири либерализм бўлиб, бу йўналиш вакиллариининг таъкидлашича, давлатнинг феъл-атворини унинг имкониятлари эмас, балки устувор манфаатлари белгилайди. Либерализм, (давлат – унитар ўйинчи деб ҳисобловчи) реализмдан фарқли ўлароқ, давлат ўз фаолиятида плюралистик ҳаракатларга таяниши кераклигини қайд этади. Демак, у ёки бу давлатнинг сиёсий режими ва иқтисодий тузуми унинг устувор манфаатларидан келиб чиқиб, ташқи алоқаларда ҳисобга олинади. Либерализм давлат хавфсизлиги билан чекланмай, алоқаларни тадбиркорлик билан шуғулланувчи тузилмалар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар орқали амалга оширишни назарда тутди. Оқибатда либерализм халқаро муносабатларни анархик тизим эмас, балки ундан ҳам мураккаб тузилма сифатида эътироф этади.

Масалан, бирон давлат киноиндустрияси орқали унинг маданияти жаҳонга ёйилиши мумкин. Бу ҳолат маданиятнинг халқаро муносабатлардаги салоҳияти ва кучини кўрсатади. Ушбу назарияга тегишли яна бир ақида ўзаро манфаатга фақат кооперация ва ўзаро алоқалар орқали эришиш мумкинлигини эътироф этишдир. Айни вақтда, юқорида қайд этилган постулатлар барқарорликнинг бош омили ҳамдир<sup>29</sup>.

<sup>28</sup> Lamy, Steven. Contemporary mainstream approaches: neo-realism and neo-liberalism // The Globalisation of World Politics / Smith, Baylis and Owens, Oxford University Press, 4th ed. pp.127-128.

<sup>29</sup> Lamy, Steven. Contemporary mainstream approaches: neo-realism and neo-liberalism // The Globalisation of World Politics / Smith, Baylis and Owens, Oxford University Press, 4th ed. – P. 127–128.

Неолиберал концепция либерализмнинг асосий ғояларини ўзида ифода этиб, айна вақтда уни глобаллашув жараёни билан узвий ҳолда ривожлантиради ва давлатлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларига кириб боришини эътироф этади. Бу жараёнда айниқса трансмиллий корпорацияларнинг роли ортиб бориши ҳамда давлат манфаатлари иккинчи даражага тушиб қолиши таъкидланади. Бу назарияга дахлдор постлиберализм концепцияси халқаро муносабатларда халқаро ташкилотларга устуворлик бериб, давлат манфаатларининг мавқеини янада тушириб юборади<sup>30</sup>.

Халқаро муносабатлар назариясида нисбатан янги йўналиш Берлин деворининг қулаши ва Ғарбий Европада коммунизм ғоясининг таназзули натижасида шаклланган конструктивизм концепциясидир. У халқаро муносабатларни ўрганишда илмий усуллар ҳамда халқаро кучларнинг шаклланишида назариянинг роли атрофидаги баҳслар асосида юзага келди. Конструктивизм деганда неореалистлар ва неолибераллар ғояларини шубҳа остига олган назария тушунилади.

Конструктивизм халқаро (ташқи) сиёсат эътирозга ўрин қолдирмайдиган ғоялар, коллектив қадриятлар, маданият ва ижтимоий идентификациялар асосида шаклланишини эътироф этади. Ушбу йўналиш тарафдорлари халқаро доирада юз бераётган воқелик моддий дунёга янги маъно берувчи (социализм ғоясига яқин) ижтимоий қадриятларга асосланишини исботлайди. Айна вақтда, конструктивистлар анархияни халқаро муносабатлар тизимидаги доимий консистенция сифатида эътироф этади ҳамда у доимий эмаслиги ва бунинг субъектив сабаблари борлигини таъкидлайди. Улар давлатлараро муносабатларда ижтимоий нормаларни миллий хавфсизликдан устун қўйишади<sup>31</sup>.

<sup>30</sup> Қаранг: *David. International Statebuilding – The Rise of the Post-Liberal Paradigm.* – Abingdon, Oxon: *Routledge*, 2010. – P. 43–90.

<sup>31</sup> *Wendt, Alexander. Anarchy is what states make of it: the social construction of power politics // International Organization.* – 1992. – Vol. 46. – No. 2.

Марксизм ва неомарксизм назарияси реалистлар ва либералларнинг «давлат» тушунчаси борасидаги концепциясини инкор этмаган ҳолда, халқаро муносабатлар тизимида иқтисодий ва моддий жиҳатларга урғу беради. Марксистлар халқаро тизимни катта миқдорда маблағ (капитал) тўплашга қаратилган интеграциялашган капиталистик тизим сифатида эътироф этишади. Умуман олганда, ушбу назария тарафдорларининг хатоси ва камчилиги уларнинг бир ёқлама ёндашувидадир.

Демак, халқаро муносабатлар назарияси фан сифатида янги ва энг янги тарихий даврларда шаклланган бўлса-да, халқаро муносабатларда кечаётган жараёнларни, шу жумладан дипломатия назарияси ва амалиётини турли нуқтаи назарлардан ўрганиш концепцияларини ишлаб чиққан. Ҳозирги кунга келиб, халқаро муносабатлар назариясида асосан иккита йўналиш, яъни реализм ва либерализм оммалашган.

Айтиш мумкинки, дипломатия ташқи сиёсатнинг воситаси ҳамда таркибий қисмидир. Ташқи сиёсат эса, ўз вазифаларига кўра, бир қадар кенгроқ ва кўп қиррали бўлиб, халқаро муносабатлар таркибига киради. Дипломатик воситалар билан амалга ошириладиган ташқи сиёсат, ўз навбатида, халқаро муносабатлар тизимида давлат ишларини бошқариш санъатидир. Давлатнинг ташқи сиёсати унинг халқаро муносабатлардаги фаолиятининг асосий мақсад ва вазифаларини ифодалайди. Шу маънода, дипломатия мазкур вазифа ва мақсадларга эришишнинг асосий воситаларидан бири сифатида юзага чиқади.

Дипломатия – давлатнинг ташқи сиёсий мақсад ва вазифалари, фаолият ёки йўналиши хусусиятига боғлиқ ҳолда – иқтисодий, кўп томонлама, парламентар, минтақавий, ҳарбий, иқтисодий дипломатия, халқ дипломатияси ва бошқаларга бўлинади. Аслида, дипломатияни амалиётдан узиб, шунингдек ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифалари, принцип ва устуворликларини таҳлил қилмай туриб ўрганиб бўлмайди. Дипломатик фаолиятда муайян натижа

бўлсагина, дипломатиянинг механизми, ташкилий-ҳуқуқий асослари тадқиқот учун қизиқиш уйғотиши мумкин.

Дипломатия айнан ташқи сиёсатнинг самарадорлиги, халқаро муносабатлар тизимида давлатнинг ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа мақсадлари ҳамда вазифаларига эришиш нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотади. Бу мақсад ва вазифалар орасида хавфсизлик ҳамда ички ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлаш асосий вазифалар сифатида юзага чиқади.

Дипломатия ва ташқи сиёсатни тадқиқ этувчиларнинг аксарияти айнан мана шу ёндашувдан келиб чиқади. Масалан, Г. А. Хидоятлов «дипломатия» ва «ташқи сиёсат» тушунчаларининг фарқи тўғрисида мулоҳаза юритган ҳолда, дипломатия ташқи сиёсатни амалга оширишнинг сиёсий воситаси эканлигини ҳам таъкидлаб ўтган. Бинобарин, давлат раҳбарлари, ҳукуматлар ҳамда давлат ташқи сиёсати вазифалари ва мақсадларини амалга оширувчи махсус ташқи алоқалар идораларининг расмий фаолияти «дипломатия» деб аталади. Шунингдек, давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини хорижда ҳимоя қилиш борасидаги фаолият давлат фаолиятининг алоҳида соҳасини ташкил этади. «Кўпгина халқаро ҳалокатлар ёмон бажарилган ёки виждонан бажарилмаган дипломатия билан бирга кечган. Айни вақтда, жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлардаги кўплаб ютуқлар ажойиб дипломатлар ва юксак даражадаги дипломатия орқали таъминланган»<sup>32</sup>.

Қайси тарихий босқичда бўлмасин, дипломатиянинг вазифалари ташқи сиёсий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суриш бўйича ташқи сиёсат стратегиясини амалга оширишга йўналтирилганлигини юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Стратегия етакчи ғоялар, мақсад, принцип ва узоқ муддатли манфаатлар асосида яратилади. Манфаатлар халқаро муносабатлар тизимида шаклланган вазиятга муносабат сифатида вужудга келади ҳамда қисқа ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

<sup>32</sup> Хидоятлов Г. А. Основы дипломатии. – Т.: УМЭД, 2002. – С. 5.

Шу аснода биз стратегия тўғрисида сўз юритганда келадиганда эришиш исталаётган натижа учун амалга оширилиши лозим бўлган узоқ муддатли манфаат ва қадриятлар, уларни амалга ошириш имконияти ва истиқболлари, хавф-хатар ва айирин қийинчиликлар ҳамда мақсадлар шажарасини (иерархиясини) назарда тутамиз<sup>33</sup>.

Миллий манфаатлар, аслида, муайян сиёсий ва иқтисодий устувор вазифалар, уларни амалга оширишнинг мақсад ва воситалари мажмуидан иборат. Миллий манфаатлар, асосан, давлатнинг минтақадаги ва умуман, жаҳондаги геосиёсий ҳолатини, халқаро муносабатлар тизимидаги ва минтақадаги кучлар нисбати (мувозанати), ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги эҳтиёжлари билан белгиланади<sup>34</sup>.

«Дипломатия», ўз вазифаларига нисбатан қўлланиладиган «миллий манфаатлар» термини ва умуман, дипломатик фаолиятнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, амалга оширилган ташқи сиёсий фаолиятнинг мақсадлари ва моҳияти устуворлиги билан белгиладиган асосий тушунча сифатида юзага чиқади. Шу нуқтаи назардан, дипломатия миллий манфаатларни таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг тинч воситасигина эмас, балки халқаро майдонда уларнинг асосий ифодачисидир. Миллий манфаатлар ҳатто ҳуқуқ меъёрларига нисбатан ҳам олий устуворликка эга. Масалан, Ж. Кенан ва Г. Моргентаунинг «сиёсий реализм» таълимотига мувофиқ, «халқаро сиёсатнинг темир қонуни шуки, ҳуқуқий мажбуриятлар миллий манфаатлар олдида четга чиқиши лозим»<sup>35</sup>.

Агар дипломатия вазифа эканлигини, яъни икки томонлама ёки кўп томонлама муносабатларни амалга ошириш ёки бошқариш бўйича функцияга тегишли фаолият эканлигини

<sup>33</sup> Экономическая дипломатия в условиях глобализации / Под редакцией Л. М. Капица. – М.: МГИМО (У), МИД РФ, 2009. – С. 146.

<sup>34</sup> Хасанов У. А. Национальные интересы Республики Узбекистан и проблемы безопасности в Центральноазиатском регионе. Дис. ... канд. пед. наук. – М., 2003. – 199 с.

<sup>35</sup> Международное публичное право. – Т.: Zarqalam; ТГЮИ; ЦИПЧП, 2003. – С. 17.

бўлсагина, дипломатиянинг механизми, ташкилий-ҳуқуқий асослари тадқиқот учун қизиқиш уйғотиши мумкин.

Дипломатия айнан ташқи сиёсатнинг самарадорлиги, халқаро муносабатлар тизимида давлатнинг ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа мақсадлари ҳамда вазифаларига эришиш нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотади. Бу мақсад ва вазифалар орасида хавфсизлик ҳамда ички ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлаш асосий вазифалар сифатида юзага чиқади.

Дипломатия ва ташқи сиёсатни тадқиқ этувчиларнинг аксарияти айнан мана шу ёндашувдан келиб чиқади. Масалан, Г. А. Хидоятлов «дипломатия» ва «ташқи сиёсат» тушунчаларининг фарқи тўғрисида мулоҳаза юритган ҳолда, дипломатия ташқи сиёсатни амалга оширишнинг сиёсий воситаси эканлигини ҳам таъкидлаб ўтган. Бинобарин, давлат раҳбарлари, ҳукуматлар ҳамда давлат ташқи сиёсати вазифалари ва мақсадларини амалга оширувчи махсус ташқи алоқалар идораларининг расмий фаолияти «дипломатия» деб аталади. Шунингдек, давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини хорижда ҳимоя қилиш борасидаги фаолият давлат фаолиятининг алоҳида соҳасини ташкил этади. «Кўпгина халқаро ҳалокатлар ёмон бажарилган ёки виждонан бажарилмаган дипломатия билан бирга кечган. Айни вақтда, жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлардаги кўплаб ютуқлар ажойиб дипломатлар ва юксак даражадаги дипломатия орқали таъминланган»<sup>32</sup>.

Қайси тарихий босқичда бўлмасин, дипломатиянинг вазифалари ташқи сиёсий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суриш бўйича ташқи сиёсат стратегиясини амалга оширишга йўналтирилганлигини юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Стратегия етакчи ғоялар, мақсад, принцип ва узоқ муддатли манфаатлар асосида яратилади. Манфаатлар халқаро муносабатлар тизимида шаклланган вазиятга муносабат сифатида вужудга келади ҳамда қисқа ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

<sup>32</sup> Хидоятлов Г. А. Основы дипломатии. – Т.: УМЭД. 2002. – С. 5.

Шу аснода биз стратегия тўғрисида сўз юритганда келажакда эришиш исталаётган натижа учун амалга оширилиши лозим бўлган узоқ муддатли манфаат ва кадриятлар, уларни амалга ошириш имконияти ва истиқболлари, хавф-хатар ва таъминоти кийинчиликлар ҳамда мақсадлар шажарасини (иерархиясини) назарда тутамиз<sup>33</sup>.

Миллий манфаатлар, аслида, муайян сиёсий ва иқтисодий устувор вазифалар, уларни амалга оширишнинг мақсад ва воситалари мажмуидан иборат. Миллий манфаатлар, асосан, давлатнинг минтақадаги ва умуман, жаҳондаги геосиёсий мақоми, халқаро муносабатлар тизимидаги ва минтақадаги кучлар нисбати (мувозанати), ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги эҳтиёжлари билан белгиланади<sup>34</sup>.

«Дипломатия», ўз вазифаларига нисбатан қўлланиладиган «миллий манфаатлар» термини ва умуман, дипломатик фаолиятнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, амалга оширилган ташқи сиёсий фаолиятнинг мақсадлари ва моҳияти устуворлиги билан белгиланадиган асосий тушунча сифатида юзага чиқади. Шу нуқтаи назардан, дипломатия миллий манфаатларни таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг тинч воситасигина эмас, балки халқаро майдонда уларнинг асосий ифодачисидир. Миллий манфаатлар ҳатто ҳуқуқ меъёрларига нисбатан ҳам олий устуворликка эга. Масалан, Ж. Кенан ва Г. Моргентаунинг «сиёсий реализм» таълимотига мувофиқ, «халқаро сиёсатнинг темир қонуни шуки, ҳуқуқий мажбуриятлар миллий манфаатлар олдида четга чиқиши лозим»<sup>35</sup>.

Агар дипломатия вазифа эканлигини, яъни икки томонлама ёки кўп томонлама муносабатларни амалга ошириш ёки бошқариш бўйича функцияга тегишли фаолият эканлигини

<sup>33</sup> Экономическая дипломатия в условиях глобализации / Под редакцией Л. М. Капица. – М.: МГИМО (У), МИД РФ, 2009. – С. 146.

<sup>34</sup> Хасанов У. А. Национальные интересы Республики Узбекистан и проблемы безопасности в Центральноазиатском регионе. Дис. ... канд. пед. наук. – М., 2003. – 199 с.

<sup>35</sup> Международное публичное право. – Т.: Zarqalam; ТГЮИ; ЦИПЧГП, 2003. – С. 17.

бўлсагина, дипломатиянинг механизми, ташкилий-ҳуқуқий асослари тадқиқот учун қизиқиш уйғотиши мумкин.

Дипломатия айнан ташқи сиёсатнинг самарадорлиги, халқаро муносабатлар тизимида давлатнинг ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа мақсадлари ҳамда вазифаларига эришиш нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотади. Бу мақсад ва вазифалар орасида хавфсизлик ҳамда ички ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлаш асосий вазифалар сифатида юзага чиқади.

Дипломатия ва ташқи сиёсатни тадқиқ этувчиларнинг аксарияти айнан мана шу ёндашувдан келиб чиқади. Масалан, Г. А. Хидоятлов «дипломатия» ва «ташқи сиёсат» тушунчаларининг фарқи тўғрисида мулоҳаза юритган ҳолда, дипломатия ташқи сиёсатни амалга оширишнинг сиёсий воситаси эканлигини ҳам таъкидлаб ўтган. Бинобарин, давлат раҳбарлари, ҳукуматлар ҳамда давлат ташқи сиёсати вазифалари ва мақсадларини амалга оширувчи махсус ташқи алоқалар идораларининг расмий фаолияти «дипломатия» деб аталади. Шунингдек, давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини хорижда ҳимоя қилиш борасидаги фаолият давлат фаолиятининг алоҳида соҳасини ташкил этади. «Кўпгина халқаро ҳалокатлар ёмон бажарилган ёки виждонан бажарилмаган дипломатия билан бирга кечган. Айни вақтда, жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлардаги кўплаб ютуқлар ажойиб дипломатлар ва юксак даражадаги дипломатия орқали таъминланган»<sup>32</sup>.

Қайси тарихий босқичда бўлмасин, дипломатиянинг вазифалари ташқи сиёсий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суриш бўйича ташқи сиёсат стратегиясини амалга оширишга йўналтирилганлигини юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Стратегия етакчи ғоялар, мақсад, принцип ва узоқ муддатли манфаатлар асосида яратилади. Манфаатлар халқаро муносабатлар тизимида шаклланган вазиятга муносабат сифатида вужудга келади ҳамда қисқа ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

<sup>32</sup> Хидоятлов Г. А. Основы дипломатии. – Т.: УМЭД, 2002. – С. 5.

«Шу аснода биз стратегия тўғрисида сўз юритганда келажакда эришиш исталаётган натижа учун амалга оширилиши лозим бўлган узоқ муддатли манфаат ва кадриятлар, уларни амалга ошириш имконияти ва истиқболлари, хавф-хатар ва яширин қийинчиликлар ҳамда мақсадлар шажарасини (иерархиясини) назарда тутамиз»<sup>33</sup>.

Миллий манфаатлар, аслида, муайян сиёсий ва иқтисодий устувор вазифалар, уларни амалга оширишнинг мақсад ва воситалари мажмуидан иборат. Миллий манфаатлар, асосан, давлатнинг минтақадаги ва умуман, жаҳондаги геосиёсий мақоми, халқаро муносабатлар тизимидаги ва минтақадаги кучлар нисбати (мувозанати), ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги эҳтиёжлари билан белгиланади<sup>34</sup>.

«Дипломатия», ўз вазифаларига нисбатан қўлланиладиган «миллий манфаатлар» термини ва умуман, дипломатик фаолиятнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, амалга ошириладиган ташқи сиёсий фаолиятнинг мақсадлари ва моҳияти устуворлиги билан белгиланадиган асосий тушунча сифатида юзага чиқади. Шу нуқтаи назардан, дипломатия миллий манфаатларни таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг тинч воситасигина эмас, балки халқаро майдонда уларнинг асосий ифодачисидир. Миллий манфаатлар ҳатто ҳуқуқ меъёрларига нисбатан ҳам олий устуворликка эга. Масалан, Ж. Кенан ва Г. Моргентаунинг «сиёсий реализм» таълимотига мувофиқ, «халқаро сиёсатнинг темир қонуни шуки, ҳуқуқий мажбуриятлар миллий манфаатлар олдида четга чиқиши лозим»<sup>35</sup>.

Агар дипломатия вазифа эканлигини, яъни икки томонлама ёки кўп томонлама муносабатларни амалга ошириш ёки бошқариш бўйича функцияга тегишли фаолият эканлигини

<sup>33</sup> Экономическая дипломатия в условиях глобализации / Под редакцией Л. М. Капица. – М.: МГИМО (У), МИД РФ, 2009. – С. 146.

<sup>34</sup> Хасанов У. А. Национальные интересы Республики Узбекистан и проблемы безопасности в Центральноазиатском регионе. Дис. ... канд. пед. наук. – М., 2003. – 199 с.

<sup>35</sup> Международное публичное право. – Т.: Zarqalam; ТГЮИ; ЦИПЧГП, 2003. – С. 17.

ҳисобга оладиган бўлсак<sup>36</sup>, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суриш унинг асосий мазмунидир. Миллий даражада, одатда, ушбу вазифа ташқи ишлар вазирликларига юклатилган бўлиб, ҳам мамлакат ичида, ҳам хорижда ишловчи профессионал дипломатлар (халқаро ташкилотлар ва махсус муассасаларда рўйхатдан ўтган элчихоналар, доимий ваколатхоналар ходимлари) томонидан амалга оширилади. Аммо ҳозирги кунда ушбу вазифани профессионал дипломатлар билан бирга, музокаралар олиб бориш учун мамлакат ҳукуматидан ваколат олган бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларининг вакиллари ҳам адо этиши мумкин. Халқаро даражада эса бошқарув функцияси халқаро даражадаги, асосан БМТ тизимидаги кирувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади<sup>37</sup>.

Сўнгги вақтлардаги тадқиқотлар ва илмий нашрлар таҳлилининг кўрсатишича, вужудга келаётган илмий назариялар мавжуд муаммолар ва воқеликни етарли изоҳлай олмаётганлиги туфайли жиддий мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу ҳолатни ўтган ўн йилликларда юз берган ўзгаришлар ва уларнинг дипломатияга таъсирини изоҳлаш ҳамда башорат қилишга даъвогар бир қатор рақобатлашувчи қарашлар, илмий концепциялар вужудга келганлиги ва улар ўртасида илмий мунозаралар кучайиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин.

Шу билан бирга, халқаро муносабатларда қуйидаги тамойиллар устунлик қилаётганини қайд этиш зарур: давлат халқаро муносабатларнинг асосий ҳаракатланувчи кучи (иштирокчиси) эканлиги; халқаро майдонда давлатлардан ташқари янги иштирокчилар (ноҳукумат ташкилотлари, трансмиллий корпорациялар ва бошқалар) пайдо бўлаётгани; деярли барча парадигмаларда халқаро ҳуқуқ ролининг эътироф этилиши; иқтисодиётнинг роли кучайиб бориши; гарчи барча парадигмаларда турлича тушунилиб, баҳоланса-да, бугунги дунёнинг глобаллашиб бораётгани эътироф этилиши<sup>38</sup>.

<sup>36</sup> Экономическая дипломатия в условиях глобализации /Под ред. Л. М. Капица. – М.: МГИМО (У), МИД РФ, 2009. – С. 10.

<sup>37</sup> Ўша жойда.

<sup>38</sup> Мавланов И. Р. Экономическая дипломатия Индии в условиях трансформации мирового порядка. – Ташкент: УМЭД, 2010. – С. 112.

Юқоридаги тамойиллардан (тенденциялардан) келиб чиққан ҳолда, ҳозирги зиддиятли халқаро муносабатлар негизида ётган ва жаҳоннинг бугунги қиёфасини ўзгартираётган икки ва кўп қутбли дунё тўғрисида сўз юртишимиз зарур. Бундай жараёнларни ўзида акс эттирган XX аср охири ва XXI аср бошлари дунёдаги ўзгаришларнинг геосиёсий аҳамияти ва кўлами бўйича беқиёслиги билан ажралиб туради. Булар мисли кўрилмаган ўзгаришлар бўлиб, нафақат чуқур тафаккур қилишни, балки мамлакатлар ўртасида шакланган қарашлар ва ўзаро муносабатлар механизмларини кўп жиҳатдан қайта баҳолашни ҳам талаб этмоқда; замонавий халқаро муносабатларни тадқиқ этишда буткул янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқармоқда.

**Россиялик тадқиқотчи С. Карагановнинг таъкидлашича**, «Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин кучайган қарама-қаршиликнинг нисбатан тартибли ва барқарор даври ниҳоясига етди. Совуқ урушнинг тугаши, аслида, янги тартибот бошланганлигини англатмас эди. Ҳозирги даврда афтидан ер куррасидаги вазият гарчи барчанинг барчага қарши урушини тақозо қилмаса-да, бироқ кескин рақобат тўлқини кучаймоқда»<sup>39</sup>. Шунингдек, тадқиқотчининг фикрича, «халқаро сиёсатда кучлар мувозанати ўзгариб, жадал қайта тақсимланиши юз бермоқда. «Бир қутбли ҳолат» мафкурачилари де-факто бекор қилинишини хоҳлаган XX аср иккинчи ярми қоидалари – мустақиллик ва ҳудудий яхлитликни муқаррар равишда ҳурмат қилиш, ички ишларга очиқчасига аралашмаслик, лоақал буюк давлатларнинг манфаатлари ва хавфсизлик соҳаларини ҳурмат қилиш, ҳақиқатан ҳам, энди иш бермай қолди»<sup>40</sup>.

**Юқорида қайд этилган мутахассиснинг таъкидлашича**, қуйидаги макротамоийиллар (ўзгаришлар) янги икки қутбли

<sup>39</sup> Караганов С. Мировые тенденции – 2015 и российская политика // Россия в глобальной политике. – 2016. – №2 //www.globalaffairs.ru/number/Kontury-peremen-18020

<sup>40</sup> Современные международные отношения: Учебник / Под ред. А. В. Торкунова. – М.: РОССПЭН, 1999. – С. 20.



тизимга ўтилишини кўрсатмоқда. «Ҳозирча, гарчи унча аниқ бўлмаса-да, бетартибликлар орқали янгича макротамоиллар кириб келмоқдаки, афтидан, улар дунёнинг бўлажак қиёфасини белгиласа керак.

Булардан биринчиси – янги икки қутбли тизимнинг вужудга келаётганлиги. Эндиликда жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатининг икки маркази пайдо бўлмоқда. АҚШ бир қутбли дунёни мустаҳкамлашга бўлган умиди чиппакка чиқаётганлигини англаб етгач, Хитой тараққиётини (асосан иқтисодий-сиёсий усуллар билан) чеклаш ва марказида ўзи жойлашган тузилмани яратишга киришди. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда Хитой иқтисодий қудратига кўра дунёнинг етакчи мамлакатлардан бирига айланиб бормоқда ва яқин ўн йилликда биринчи ўринга чиқиш эҳтимоли катта. Яқин келажакда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ЯИМ ва ҳарбий салоҳияти бўйича у АҚШни қувиб ўтолмаса-да, ўртадаги фарқни қисқартириши мумкин»<sup>41</sup>.

Айрим мутахассислар халқаро муносабатларнинг шаклланаётган тизимини баҳолашда икки қутбли тизим моделдан фойдаланишни умуман нотўғри деб ҳисоблайдилар<sup>42</sup>. Масалан, Ф. Фукуяманинг «тарих хотимаси» ғояси ўзини оқламади. Чунки либерал-демократик қадриятлар муайян даражада тарқалди, бироқ айнан улар ҳомийлар томонидан дарҳол бадном қилинди ҳамда яқин келажакда уларнинг ғалаба қилиши кутилмаепти, демак, халқаро тизимни ҳам тегишли кўринишда барпо этиб бўлмайди. С.Хантингтоннинг «цивилизациялар тўқнашуви» концепцияси ҳам глобал миқёсда ўз тасдиғини топмади<sup>43</sup>. Цивилизациялар тўқнашувлари қанчалик аҳамиятли бўлмасин, халқаро тизимнинг ягона ҳам, ҳаракатлантирувчи ҳам омили эмас.

<sup>41</sup> Караганов С. Мировые тенденции – 2015 и российская политика // Россия в глобальной политике. – 2016. – № 2 // [www.globalaffairs.ru/number/Kontury-peremen-18020](http://www.globalaffairs.ru/number/Kontury-peremen-18020)

<sup>42</sup> Ўша жойда – С. 52.

<sup>43</sup> Современные международные отношения: Учебник / Под. ред. А. В. Торкунова, А. В. Мальгина. – М.: Аспект Пресс, 2012. – С. 52.

Мутахассислар XX асрнинг дастлабки ўн йиллиги ҳақида кўп қутбли олам билан ниҳоясига етадиган «икки қутблидан кейинги» ўтиш даврининг якуний босқичи сифатида башорат қилган эди<sup>44</sup>. Аммо халқаро сиёсий тизимнинг ўзгариши ниҳоясига етмади, балки АҚШ ва Россиянинг кучайиб бораётган қарама-қаршилиги янги зиддиятлар келиб чиқишига ҳамда халқаро муносабатларнинг беқарорлашувига сабаб бўлмоқда.

ШХТнинг дунё тартиботидаги ўзгаришларга таъсири аста ортиб бормоқда. Айниқса, 2016 йилда Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТга аъзо бўлиши, яна бир қатор мамлакатларнинг аъзо бўлиш истиқболлари кўриб чиқиляётгани геосиёсий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Ушбу ташкилотда Хитой иқтисодий етакчилик ролини бажараётган бўлса, Россия, Ҳиндистон, Эрон сингари бошқа қудратли иштирокчилар унинг таъсирини мувозанатлаштириб туришга қодир. Иқтисодий ҳамкорлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида тузилган ушбу янги марказ бирлашишга интиляётган Ғарб учун ўзига хос посангига айланмоқда, аммо бу ўз-ўзидан икки қутбли қарама-қаршилиқ вужудга келганини англатмайди – ҳамкорлик ва рақобат диалектик тарзда бирлашади.

3. Бжезинский жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида АҚШнинг бугунги мақоми беқиёслигига эътибор қаратган ҳолда, унинг ҳақиқатан ҳам «биринчи ва ягона ҳақиқий дунёвий давлатга айланганлигини» таъкидлайди<sup>45</sup>. Бугунги дунё деярли ҳамма жойда сиёсий уйғонишни бошидан кечирмоқда – миллионлаб кишилар ёрқин келажак томон йўл излаш билан банд. Бундан ташқари, жаҳонда кучларнинг қайта тақсимланиши кузатилмоқда, Шарқда жаҳон сиёсатида ҳукмрон мавқега эга бўлиш учун бир неча янги даъвогарлар пайдо бўлмоқда. Шу боис ҳам, бугунги дунё қудратли ва сиёсий таъсири кучли бўлган Америка Қўшма Штатлари сингари ягона давлат-

<sup>44</sup> Ўша жойда.

<sup>45</sup> См: Бжезинский З. Еще один шанс // Три президента и кризис Американской сверхдержавы. – М.: Междунар. отношения, 2007. – С. 240.

га бўйсунушга (ҳатто ҳарбий жиҳатдан ҳам) унча мойил бўлмади қолди<sup>46</sup>.

Бундай шароитда «АҚШ Буюк Британия ва Франция билан биргаликда сиёсат ва хавфсизлик соҳасида асосий қарорлар қабул қиладиган буюк давлатлар сифатида мавқеини сақлаб қолади»<sup>47</sup>, деган эди Хантингтон.

Г. Киссенджернинг фикрича, «глобал иқтисодий тартибнинг янги модели кўп жиҳатдан Америка-Хитой муносабатларининг яқин йиллардаги хусусиятидан келиб чиқади». Шунингдек, у «Россияни халқаро тизимининг ажралмас қисмига айлантириш ҳозирги халқаро тартибнинг асосий вазифаси»<sup>48</sup> эканлигини таъкидлайди.

Ҳозирги вақтда дипломатиянинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган қуйидаги тамойиллар кучайиб бормоқда: Ғарб давлатлари билан Россия ўртасидаги зиддиятларга ёндашувлардаги фарқларда намоён бўлувчи геосиёсий қарама-қаршилик; куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид қилиш, шунингдек кучни намоёиш қилиш; йирик иштирокчилар ўртасида ишончсизликнинг ортиши; ҳарбий можаролар унсурларига эга бўлган янги кескинлик ўчоқларининг вужудга келиши; террорчилар томонидан «сохта давлатлар» яратилиши ва уларнинг мустақил таъсир марказларига айлана бошлаши; жаҳоннинг айрим минтақаларида, жумладан Марказий Осиё атрофида геоахборот рақобатининг пайдо бўлиши. Сўнгги вақтларда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида айрим мамлакатлар ўз манфаатлари йўлида халқаро нодавлат ташкилотлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бундай ташкилотлар бир қатор мамлакатларнинг манфаатларини илгари суриш ва ҳимоя қилишда самарали воситага айланди. Улар интернет ва ижтимоий тармоқлардан интер-

<sup>46</sup> См: Стратегический взгляд: Америка и глобальный кризис // Збигнев Бжезинский; [пер. с англ. М. Н. Десятковой]. – М.: АСТ, 2015. – 288 с.

<sup>47</sup> Huntington S. P. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. – New York: Simon & Schuster Paperbacks, 2003. – 367 p.

<sup>48</sup> Киссинджер Г. Дипломатия / Пер. с англ. В. В. Львова; Послесл. Г. А. Арбатова. – М.: Ладомир, 1997. – 745 с.

нет ва ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланмоқда. Ҳозирги вақтда террорчилик фаолиятига алоқадор 50 мингга яқин веб-сайтлар, чатлар, форумлар, блоглардан фойдаланувчилар гуруҳлари, видео алмашув бўйича сайтлар, ижтимоий тармоқлар мавжуд<sup>49</sup>.

Ҳозирги замон фанида ушбу ҳодисанинг моҳияти ва асосий кўринишларига бир хил қараш мавжуд эмас. Гап бу ўринда кўпроқ жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида чуқур таъсир кўрсатаётган ҳам параллел, ҳам ўзаро боғлиқ ҳаракатда юз бераётган ўзгаришлар мажмуи ҳақида бормоқда. Илмий ва сиёсий доираларда янги дунё тартиботи, «икки қутбли» ва «кўп қутбли дунё» тушунчаларининг пайдо бўлиши ва доимий муҳокама қилиниши халқаро муносабатларнинг замонавий тизими борасида, хусусан, социалистик лагер таназулидан сўнг олдиндан фикр билдириш имконсиз бўлиб қолганидан далолат бермоқда<sup>50</sup>.

И. Мавланов юқорида қайд этилган фикрларни инобатга олиб, жаҳоннинг деярли барча минтақаларида кузатилаётган ва турли назарий мактаблар томонидан таъкидланаётган глобаллашув жараёнининг таркибий қисмларидан бири бўлган интеграция тамойиллари; вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилиш усул ва воситалари борасида сўз юритганда деярли барча назарий мактаблар дипломатияга катта умид боғлаётганини қайд этади<sup>51</sup>.

Демак, халқаро муносабатлар тизимида кўзга ташланаётган ўзгаришлар туфайли ташқи сиёсатда дипломатия олдида қўйиладиган вазифалар ортиб бормоқда. Маълумки, давлат ўз ташқи сиёсий вазифаларини бажариш учун қўшимча во-

<sup>49</sup> Жураев С. А. Новые тенденции публичной дипломатии // XX асрда жаҳон сиёсатида архитектоник ўзгаришлар: Realpolitik концепцияси ва Ўзбекистон амалиёти: Илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: ТДШИ, 2014. – Б. 69–70.

<sup>50</sup> Теория международных отношений: Хрестоматия / Сост., науч. ред. и коммент. П. А. Цыганкова. – М.: Гардарики, 2002. – 400 с.

<sup>51</sup> Мавланов И. Р. Мировой порядок в XXI веке: современные концепции и их трансформация // XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри / Масъул муҳаррир Ш. А. Ёвқочев. – Т.: ТДШИ, 2015. – Б. 15.

сита ва усулларга эга. Масалан, ташқи ишлар ва мудофаа вазирликлари (идоралари) давлат ташқи сиёсатининг воситаларидир. Улар олдига ташқи сиёсат соҳасида ўхшаш вазифалар қўйилган. ТИВнинг вазифаси музокаралар орқали муаммони ҳал қилиш мақсадида алоқалар ўрнатиш бўлса, мудофаа вазирлигининг вазифаси ташқи сиёсий масалани қурол ишлатиш орқали ёки уни қўллаш таҳдиди билан ҳал қилишдир. Яққол кўриниб турганидек, мазкур вазирликлар фаолияти ўз вазифаларини бажариш борасида мазмунига кўра фарқланади. Аммо шаклига кўра, иккала вазирликнинг фаолияти муайян, бироқ ўзаро фарқ қилувчи қоидаларга бўйсундирилган жараёнлардан иборат. Дипломатия давлат ташқи сиёсатининг (гарчи, ниҳоятда ўзига хос бўлса-да) биргина тинч воситасидир. Ўз навбатида, уруш – ташқи сиёсатнинг ўзига хос қудратли воситаси.

«Давлат ташқи сиёсатининг ўзи бошқа давлатлар ҳамда уларнинг иттифоқчиларининг ташқи сиёсати билан ўзаро ҳамкорлик қиладиган халқаро тизим доирасида амалга оширилади, халқаро ташкилотлар таъсирига учрайди. Давлатнинг ташқи сиёсий хатти-ҳаракати фақат ички омиллар билан эмас, балки, бир томондан, ташқи сиёсатга чеклов қўядиган, бошқа томондан эса, муайян ташқи сиёсий ҳаракатлар учун имкон берадиган халқаро тизим ҳолати билан боғлиқ»<sup>52</sup>.

Шундай қилиб, давлатнинг ташқи сиёсий вазифаларини тинч воситалар билан адо этишга қаратилган дипломатик фаолиятнинг вазифалари муайян стратегик ташқи сиёсий вазифалар асосида шаклланади ҳамда долзарб миллий манфаатларни амалга оширишга йўналтирилади. Шу аснода, миллий манфаатлар халқаро муносабатлар тизимида юз бераётган жараёнлар билан уйғунлашади.

Ўзбекистон дипломатиясининг тарихий тажрибаси ва замонавий жараёнларини тадқиқ этганда «шарқона дипломатия назарияси» деб аталмиш ҳодисани ҳам ҳисобга олиш

<sup>52</sup> Международное публичное право. – Т.: Zarqalam; ТГЮИ; ЦИПЧГП, 2003. – С. 16.

зарур. Дипломатик муносабатлар фақат Ғарбда ривожланмаган, бинобарин, уларнинг ривожланиш тамойиллари, уларни амалга ошириш назарияси ва методологияси фақат ўша мамлакатлардагина кузатилмайди. Шарқ давлатлари дипломатияси ўзига хосликларга эга. Ташқи дунёдан ажралиш (Япония, Хитой) ёки мустамлака шароитларида турган баъзи давлатлар (Ҳиндистон, айрим Африка давлатлари) ташқи таъсирга қарши кураш ҳолатида бўлган ҳолда, айёрлик, устомонлик ва ҳатто, муғомбирлик билан жавоб қайтаришга мажбур бўлишган. Узоқ вақт давомида Шарқ дипломатияси кучли рақиб билан ишлашига ва ўта эҳтиёткорлик билан, охирини ўйлаб ҳаракат қилишига, баъзан эса шерикдан кўпроқ нарса ундириш учун атайин музокараларни чўзишига тўғри келган. Шу билан бирга, Шарқ мамлакатлари дипломатиясида, мажозий қилиб айтганда, «шарқона бозор руҳи» сезилиб туради<sup>53</sup>. Тадқиқотчилар ушбу ибора умумий назарий маънога эга эмас, балки кўпроқ айрим дипломатлар ва албатта, Шарққа мансуб бўлиши шарт бўлмаган айрим мамлакатларнинг хатти-ҳаракат тарзини тавсифлашга хизмат қилади, деган фикрни билдирадилар. Шарқ мамлакатларининг замонавий дипломатияси гарчи ўзига хосликларга эга бўлса-да, бу ўзига хосликлар ҳар бир мамлакат учун алоҳида бўлиб, юқоридаги таърифга мос келиши шарт эмас.

Марказий Осиё минтақаси хусусида сўз юритганда, мазкур ҳудуддаги давлатлар дипломатиясининг ўзига хос жиҳат ва қирралари мавжуд бўлган. Бу ерда, қоида тариқасида, европача анъаналардан фарқ қилувчи дипломатик этикет (одоб) ва одат, можароларни тинч йўл билан ҳал қилишга ҳамда ҳар қандай қиймат эвазига ён беришга мўлжалланган дипломатик хатти-ҳаракатларнинг айрим ўзига хосликлари кўзга ташланади. Бунга тарихдан Шарқ дипломатиясининг нозик томонларини кўрсатадиган ёрқин мисол келтиришимиз мумкин.

<sup>53</sup> Қаранг: Попов В. И. Современная дипломатия: теория и практика: Курс лекций. Часть 1: Дипломатия – наука и искусство / ДА МИД РФ. – М.: Научная книга, 2000. – С. 80–81.

Бухоро амирлигига ташриф буюрган биринчи рус элчисининг Бухоро амири билан илк учрашувига тайёргарлик кўрилатганида бир муаммо чиққан экан. Маҳаллий анъанага кўра, амир элчини тахти-равонда ўтириб, сарой аъёнлари қуршовида, жиддий нигоҳ билан кутиб олиши керак бўлган. Европада қабул қилинган дипломатик протоколга кўра эса турган элчини тик ҳолатда, табассум билан кутиб олиш қоидаси амал қилган. Бухоролик ва россиялик дипломатлар кўп ўйлаб, охири бундай нозик вазиятдан чиқиш чорасини топганлар. Қабул саройига рус офицери қўлида Куръони каримни очик ҳолда кўтариб кириб келган. Бу вазиятда, албатта, Амир Муқаддас Китоб олдида тик туриши табиий ҳол бўлган. Бухоро Амири шундай қилган ҳам. Натижада бўлиб ўтган воқеадан барча мамнун бўлган<sup>54</sup>.

Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатлари ҳеч қачон этник, лисоний ва ҳатто диний жиҳатдан бир хил бўлмаганлиги ҳисобга олинади. Бу ҳудудда кўплаб дипломатик вазифалар сулолага тегишли никоҳлар воситасида, шунингдек рақибларнинг ички ва ташқи сиёсий манфаатларини сездирмай бошқариш орқали ҳал қилинган.

Халқаро муносабатлардаги тарихий тажриба ҳамда ҳозирги шиддатли жараёнлар давлатлардан ташқи сиёсат стратегияси ва йўналишларини тез-тез ўзгартириш ва ша роитга мослашишни талаб қилмоқда. Бу ҳол, ўз навбатида, дипломатия усул ва воситаларининг такомиллашишига сабаб бўлмоқда. Демак, юқорида таъкидланган ҳолатлар замонавий дипломатияни ўрганиш ва шу асосда тегишли хулосалар чиқариш, охир-оқибат уни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

<sup>54</sup> Черногаев Ю. Мудрость и лукавство восточной дипломатии // <http://anhor.uz/columnists/mudrosty-i-lukavstvo--vostochnoy-diplomatii>

## 1.2-§. Мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатияси тарихини тадқиқ этиш йўналишлари

Бой тарихга ҳамда қадимий давлатчилик анъаналарига эга Ўзбекистон том маънодаги замонавий дипломатияни ўзида мужассамлаштирган фаол ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар тизимига нисбатан кеч, яъни 1990 йиллардан, аниқроғи мустақилликка эришганидан сўнг кириб келди. Бунинг боиси, ўз чегаралари, ҳатто давлат рамзларига эга Ўзбекистон Республикаси СССР таркибида номигагина давлат тузилма сифатида фаолият юритган. Бундай ҳолат мустақилликнинг илк йилларида республикада дипломатик соҳада замонавий малакали дипломат кадрлар танқислигини ҳамда ташқи сиёсат соҳасида институционал муаммоларни келтириб чиқарди.

Шунга қарамай, мустақилликнинг тарихан қисқа даври ичида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйди ва халқаро майдонда муносиб ўрнига эга бўлди. Айни вақтда, мамлакатимиз минтақавий ва глобал даражада ўзига хос «ўзбек дипломатия»сини шакллантира олди. Бунда нафақат умумбашарий принципларга амал қилиниши, балки Ўзбекистоннинг давлатчилик соҳасида тўплаган қарийб уч минг йиллик тарихий тажрибаси ҳам эришилган ютуқларнинг бош омили бўлиб хизмат қилди.

Демак, замонавий ўзбек дипломатиясининг негизида аввало тарихий омил ётганини алоҳида қайд этиш лозим. Ўтмишдан Евросиё қитъасининг қоқ марказида жойлашган турли давлат тузилмалари (масалан, Сўғдиёна, Бактрия, Те мурийлар давлати, ундан кейинги амирлик ва хонликлар) доирасида фаолият кўрсатиши уларнинг халқаро муносабатлар марказида бўлишини олдиндан белгилаб берди.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё давлатлари, уларнинг тасарруфида бўлган ҳудудларда дипломатиянинг шаклланиши ва ривожланиши, шунингдек ўзбек дипломатияси

тарихи ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари томонидан ҳозиргача етарли ўрганилмаган бўлса-да, дипломатия тарихининг турли даврларини, шу жумладан, замонавий халқаро ҳамкорлик масалаларини ҳар томонлама тадқиқ этиш асосан мустақиллик йилларида бошланган. Ўтказилган тадқиқотларни муаммовий-хронологик метод асосида шартли равишда бир неча йўналишга ажратиш мумкин:

биринчи йўналиш тарихчи олимларнинг ўзбек дипломатияси ва ташқи сиёсатининг ўтмиши ва ҳозирги кунига бағишланган асарларини қамраб олади;

иккинчи йўналишга бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари томонидан яратилган ва муаммонинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва психологик жиҳатларини қамраб олган ишлар киради;

учинчи йўналишни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов қаламига мансуб бўлган ва муаммонинг концептуал-назарий ҳамда амалий масалаларини қамраб олувчи асарлар ташкил этади.

Биринчи йўналишда ўтказилган тадқиқотлар борасида қуйидагиларни таъкидлаш зарур. Мустақиллик йилларида Ватанимиз тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва мавжуд «оқ доғ»ларга барҳам беришга кенг имкониятлар очилиши натижасида Ўзбекистон ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари томонидан мустақилликка қадар дипломатия тарихининг асосий тамойилларини ҳамда XX аср охири ва XXI аср бошида мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви доирасида муаммонинг айрим жиҳатларини қамраб олган илмий асарлар яратила бошланган. Тарихий тадқиқотларнинг предмети ва даврий қамровини ҳисобга олган ҳолда, тарихчи олимлар яратган ишларини шартли равишда икки гуруҳга бўлиб таҳлил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчи гуруҳга кирувчи адабиётлар дипломатия тарихининг қадимги дунёдан совет даврига қадар бўлган даврини қамраб олган. Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё жаҳон тамаддуни бешиқларидан бири бўлганлиги сабабли, бу

ҳудудда дипломатия қадимдан ривожланган десак, муболага бўлмайди. Аммо масалага доир асарларда минтақада турли даврларда фаолият кўрсатган давлатлар дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши асосан бир томонлама тарзда, замонавий концепцияларни ҳисобга олмаган ҳолда, фақат тарихий ёндашув асосида ўрганилган.

**Ўтказилган тадқиқотлар инсоният тарихида илк давлат тузилмалари қарийб бир вақтда, яъни милоддан аввалги IV-III минг йилликларда Шарқда, аниқроғи Миср ва Месопотамияда вужудга келганини тасдиқлайди.** Марказий Осиё давлатларининг халқаро алоқалари ва дипломатияси ҳам кўп асрлик тарихга эга. Буни Э. Ртвеладзе ва А. Саидов ҳаммуаллифлигида ёзилган ва Ўзбекистон ҳудудида қадимдан то V асргача бўлган даврлардаги дипломатик муносабатлар тарихига бағишланган «Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги даврда дипломатик муносабатларнинг ривожланиши»<sup>55</sup> асари ҳам тасдиқлайди.

Китобда Рим ва Хитой империяларини бир-бирдан ажратиб турган Парфия подшолиги билан дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳар иккала империя учун муҳим бўлгани таъкидланган. Милоддан аввалги II аср охирида Хитой императори У Ди ташаббуси билан Хитой ва Парфия подшолиги ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Хитой элчиси шарқий чегарада 20 минг отлик суворийси бўлган парфиялик қўмондон томонидан кутиб олинган ва Парфия давлати пойтахтига кузатиб борилган<sup>56</sup>. Инсоният цивилизацияси тарихида қадимда Шарқ ва Ғарб мамлакатларини ўзаро боғлаган илк трансконтинентал йўл – Буюк ипак йўли – пайдо бўлиши ўша давр элчилари эришган улкан ютуқ эди.

2016 йилда Ўзбекистон тарихида биринчи марта «Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил» мавзуида илмий анжуман ўтказилди, шунинг-

<sup>55</sup> Ртвеладзе Э., Саидов А. Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги даврда дипломатик муносабатларнинг ривожланиши. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2001. – Б. 10.

<sup>56</sup> Ўша жойда. – Б. 25.

дек Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихи, унинг муҳим босқичлари ва тартиб-қоидаларига оид илмий мақолалар ҳамда ўрта асрларда мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган давлатларнинг қўшни мамлакатлар билан олиб борган дипломатик муносабатларига доир тадқиқотлар жамланган шу номдаги тўплам чоп этилди. А. Отахўжаев, Г. Агзамова, Ш. Махмудов, Ҳ. Мамадалиев, Д. Дутураева, Н. Полвонов ва бошқа етакчи тарихчи олимларнинг ушбу китобдан жой олган мақолаларида асосий эътибор қадимги даврлардан то XX асрга қадар амалга оширилган «элчилик хизмати»га қаратилган. Уларда хорижий элчиларни кутиб олиш ва қабул қилиш маросимлари, дипломатик одоб, шунингдек элчиларни тайёрлаш, уларга қўйилган талаблар, элчининг шахси ва маҳорати каби масалалар бирламчи манбалар асосида очиқ берилган.

Хусусан, А.Отахўжаев антик ва илк ўрта асрлар даври дипломатиясига оид манбалар (археологик манбалар қаторида) тил жиҳатдан қадимги юнон, суғдий, қадимги туркий, араб ва форс тилларидаги манбаларга бўлинишини таъкидлаган<sup>57</sup>. Унинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, ўзбек давлатчилиги шаклланишининг дастлабки босқичида дипломатик алоқалар бир қадар соддарок бўлган. Бу ҳол ўша даврда минтақада кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий жараёнлар билан боғлиқ эди. Қолаверса, тарихи, тақдири, маданияти, дини ва урф-одатлари яқин бўлган Марказий Осиё халқлари – ўтроқ ва кўчманчи маданият вакиллари – ички ва ташқи муносабатларда қатъий қоидага амал қилганлар, яъни умумий маконда тинч-тотув, бир-бирларининг ҳаётига даҳл қилмай яшаб келганлар ва душманларга қарши курашда ҳамжиҳат бўлганлар<sup>58</sup>.

Ўрта асрлар дипломатиясига оид ноёб манбаларда давлатни идора қилиш усуллари, сиёсати, қонун-қоидалари, расм-русум

<sup>57</sup> Отахўжаев А. Антик ва илк ўрта асрлардаги дипломатик муносабатларнинг манбаларда ёритилиши // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талкин ва таҳлил: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2016. – Б. 13.

<sup>58</sup> Ўша жойда.

ва ахлоқ қоидалари билан бир қаторда, элчилик масалалари ҳам баён этилган. Бунинг мумтоз намунаси сифатида проф. Г. Агзамова Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билик» асарида билдирган фикрларни келтиради. Асарда ёзилишича, «тамоми кишилардан сараси элчи (бўлиши) керак, билимли, заковатли, жуда етук (бўлиши) керак». Шунингдек, Юсуф Хос Ҳожиб элчиларни «кўзи тўқ» кишилардан тайинлашни, очкўз ва молдунёга ҳирс қўйганларни хорижий алоқа билан боғлиқ ишларга яқинлаштирмасликни тавсия этади<sup>59</sup>.

XI асрда Салжуқийлар давлати ҳукмдорлари Алп Арслон (1063–1072) ва Маликшоҳ (1072–1092) даврларида хизмат қилган Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» («Сияр-ул-мулк») асарида: «Элчи ҳам подшоҳлар хизматида бўлган, сўзлашда жасур, жаҳон кўрган, донишманд, ўткир хотирали, андишали ва чиройли бўлсин. Агарда элчи ёши улуғ ва олим бўлса, яхшидир, юборилган надим шу йўсинда бўлса, ишонч уйғотади», – деб подшоҳларга ўғит беради<sup>60</sup>. Юқорида келтирилган асарлар узоқ ўтмишда ҳам туркий халқлар дипломатияси юксак маънавий асосларга таянганидан далолат беради.

Темурийлар даври дипломатияси тарихшунослигини ўрганишга оид кўплаб асарлар яратилган бўлиб, улар орасида Г. Ҳидоятонинг «Основы дипломатии» асари муҳим ўрин тутаяди. Муаллифнинг ёзишича, Амир Темури Усманийлар империясини мағлуб этганидан кейин унинг ўрнида Боязиднинг ўғиллари ва собиқ ҳарбий бошлиқлар раҳбарлигида бир неча қарам давлатларни ташкил этди. У бу давлатларнинг исрофгарчилик ва малол келтирувчи жиҳатларини ҳисобга олиб, уларни ўз давлати таркибига қўшиб олмади. Бироқ уларни ҳушёрлик билан назорат қилиб боришни Озарбайжонни (маркази Табриз шаҳри) бошқариб турган ўғли Мироншоҳга топширди. Амир Темури Мироншоҳнинг ўғлини Боязиднинг қизига уйланди.

<sup>59</sup> Агзамова Г. Элчи йирокни яқин, яқинни меҳрибон килгучидир... // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талкин ва таҳлил: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2016. – Б. 135.

<sup>60</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 97.

тириб қўйди. Амир Темур кечаги ашаддий душманини қудасига айлантирди. Бу Осиё анъаналари, менталитети ва ислом цивилизациясининг маънавий маданиятига асосланган дипломатия эди. Узоқни ўйлаб устомонлик билан амалга оширилган бундай келишув туфайли Туркияда ҳарбий мағлубиятларга қарамасдан, Амир Темурга нисбатан яхши хотира сақланиб қолган. Амир Темур ғалаба қозонди, бироқ ичиқоралик қилмади ва Боязид уруғларига барҳам бермади. Туркиянинг мактаб ўқувчилари учун чиқарилган тарих дарсликларида ҳозиргача Амир Темур туркий халқлар тарихида энг ёрқин шахс сифатида тилга олинади. Амир Темур дипломатиясини асосли равишда «ақл ва жасорат билан қўлга киритилган кадр-қиммат ва улуғворлик» дея баҳолаш мумкин<sup>61</sup>.

Ўзбек дипломатиясининг тарихи ҳақида тўпланган маълумотлар ва сақланиб қолган дипломатик ҳужжатлар академик М. М. Хайруллаевнинг умумий таҳрири остида нашр этилган «Ўзбек дипломатияси тарихидан» китобида келтирилган. Мазкур китоб Ўзбекистон ва Марказий Осиё ҳудудларида қадимги даврлардан бошланган дипломатия тарихини ўз ичига олади<sup>62</sup>.

Хусусан, китобда Амир Темур ва Бобурнинг жаҳон дипломатияси тарихидаги ўрни алоҳида кўриб чиқилган. Мазкур асарда дипломатияни тадқиқ этишда тарихий методга муносабат алоҳида ўрин тутди. Унда таъкидланишича, «халқаро муносабатларнинг қандайдир аниқ назариясини ишлаб чиқишнинг имконияти йўқлиги тарихий тажрибага мурожаат қилишга ундайди. Бу эса шунга мувофиқ хулосалар ва фикрлар қилишга ҳамда улардан ҳозирги замон дипломатларининг амалий фаолиятида фойдаланишга имкон беради... Дипломатия тарихининг ёрқин саҳифалари таниқли дипломатларнинг ишлари, буюк дипломатик ғалабалар ва мағлубиятлар бўлажак дипломатлар учун тенгсиз дарслик бўла олиши мумкин

<sup>61</sup> Хидоятлов Г. А. Основы дипломатии. – Т.: УМЭД, 2002. – С. 18.

<sup>62</sup> Хидоятлов Г. А. Основы дипломатии. – Т.: УМЭД, 2002. – С. 18.

ҳамда маълум бир даврнинг эҳтиёжларини акс эттирадиган назарияларнинг ўрнини боса олади»<sup>63</sup>. Шунингдек, китобда қадимдан то Россия истилосигача бўлган даврда Марказий Осиёда мавжуд бўлган давлатларнинг ташқи алоқаларига доир қимматли маълумотлар жамланган ва турли даврлардаги элчилик ишлари, дипломатик ёзишмалар хусусида фикр юритилган. Унда Марказий Осиё билан хорижий мамлакатларнинг элчилик ва дипломатик ёзишмаларини ўзида акс эттирган мажмуалар, хорижий ва юртимизда чоп этилган асарлар келтирилган.

Ўрта Осиё дипломатиясининг қадимий тарихи ҳақидаги қимматли маълумотлар АҚШ, Англия, Ҳиндистон, Туркия ва Эронда босилган адабиётларда ҳам учрайди. Масалан, Э. Олвортнинг АҚШда нашр этилган «Ўзбеклар» монографиясида «Ўзбек дипломатияси» ҳақида баъзи фикрлар баён этилган бўлса, хорижий шарқ мамлакатларида эълон қилинган қатор илмий тўпламларга Ўрта Осиёнинг бу давлатлар билан олиб борган алоқалари, турли даврлардаги ёзишмалари ҳақида қимматли маълумотлар киритилган. Тадқиқотда қадим замонлардан то XIX аснинг иккинчи ярмигача бўлган давр ичида юртимиз ташқи алоқаларида рўй берган воқеалар баён этилган<sup>64</sup>.

Иккинчи гуруҳ илмий асарлари ва тадқиқотларида Ўзбекистон тарихининг янги ва энг янги даврида дипломатия институтларининг ташкил этилиши, давлатлар ўртасида дипломатик муносабатларнинг шаклланиши, мамлакатимизнинг кўп ва икки томонлама ҳамкорлиги ҳамда ташқи сиёсати масалаларига кенг ўрин берилган.

Жумладан, мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан интеграциялашуви чуқурлашган сайин юқорида қайд этилган муаммоларнинг у ёки бу қирраларини ҳар томонлама ўрганишга интилиш кучайиб борди. Бу борада

<sup>63</sup> Ўзбек дипломатияси тарихидан / М. М. Хайруллаев умумий таҳрири остида. – Т.: ЖИДУ, 2003. – Б. 376.

<sup>64</sup> Allworth E. The Modern Uzbeks: From the Fourteenth Century to the Present. – Stanford, 1990. – P. 241.

қатор номзодлик ва докторлик ишлари ҳимоя қилинди<sup>65</sup>. Ушу тадқиқотларда Ўзбекистоннинг минтақавий, глобал ёки кўп ва икки томонлама ҳамкорлиги масалаларига урғу берилган.

Улар орасида Д. В. Раҳимбаеванинг «Ўзбекистонда дипломатия хизматининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1944-2001 йиллар. Ташқи ишлар вазирлиги мисолида)» мавзуидаги номзодлик диссертацияси алоҳида аҳамият касб

<sup>65</sup> Пулатова С. А. Развитие международных культурных связей независимого Узбекистана и их значение как фактора укрепления его стабильности. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т.: ТашГУ, 1994; Холлиев А. Экономические, научно-технические и культурные связи независимого Узбекистана с Великобританией и США. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 1998; Рахимов М. Сотрудничество Республики Узбекистан со специализированными учреждениями ООН в 1991–1999 гг. (на примере ЮНЕСКО). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2000; Бекмуратов Х. И. Ўзбекистоннинг Туркия билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги (1991–2000 йиллар). Тарих фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2001; Нуриддинов Э. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Т.: Чўлпон, 2002; Зиямов Н. Роль Узбекистана в межгосударственном экономическом и культурном сотрудничестве стран Центральной Азии (1991–2001 гг.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2002; Қирғизбоев А. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. – Т.: Фан, 2004; Махкамova Д. Узбекистан в системе международных культурных связей (особенности и закономерности исторического развития). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2005; Асадова Р. Сотрудничество между Узбекистаном и Индией в области экономики и культуры: исторические основы и современное состояние (1991–2001). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2007; Раҳимбаева Д. В. Ўзбекистонда дипломатия хизматининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1944–2001 йиллар. Ташқи ишлар вазирлиги мисолида). Тарих фан. д-ри ... дис. – Т., 2007; Мағхолиқов Қ. Ўзбекистон Республикаси ва Европанинг франкафон давлатлари ўртасида маданий алоқалар тарихи (Франция, Швейцария ва Бельгия мисолида (1991–2005)). Тарих фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2008; Агаджанова С. Научно-техническое и культурное сотрудничество Республики Узбекистан с Казахстаном и Кыргызстаном (1991–2001). Дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2007; Бабажаева Д. Основные тенденции и направления международного культурно-гуманитарного сотрудничества Республики Узбекистан. Автореф. дис. ... д-ра ист. наук. – Т.: Институт истории, 2011; Ташматова К. Экономическое и культурное сотрудничество Узбекистана и других государств Центральной Азии с Китайской Народной Республикой (1991–2011 гг.). Дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2012; Рахимов М. А. Сотрудничество Узбекистана с зарубежными странами и международными организациями в обеспечении стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии (1991–2010 гг.). Дис. ... д-ра ист. наук. – Т., 2012.

этади. Чунки унда кенг миқёсли архив манбалари ва бошқа адабиётларга таянган ҳолда Ўзбекистонда дипломатия хизматининг барпо этилиши, шаклланиш ва ривожланиш тарихининг асосий жиҳатлари Ташқи ишлар вазирлиги мисолида ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистонда илк бор 1944 йилда замонавий дипломатия тизими доирасида ташкил этилган Ташқи ишлар халқ комиссарлиги тузилишининг объектив ва субъектив шарт-шароитлари, фаолияти, ваколати ва функциялари диссертация тадқиқоти доирасида ўрганилган. Мухими шундаки, юқорида қўйилган муаммоларни тадқиқ этишда мустақилликнинг илк ўн йиллиги (1991–2001 йиллар) совет даври билан қиёсланган<sup>66</sup>. Хусусан, муаллиф диссертациянинг уч бобидан икки бобида истиқлол йилларида республикада дипломатия хизматининг шаклланиши ва ривожланишини Ўзбекистон ташқи сиёсатида минтақавий хавфсизлик масалалари нуқтаи назаридан тадқиқ этган.

Шунингдек, дипломатия ва умуман, халқаро муносабатлар мавзуидаги тарихий асарлар орасида «Халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи», Қ. Хоназаровнинг «Дипломатиямизда биринчи қалдирғоч кадрлар» ҳамда Р. Фармонов ва Қ. Жўраев ҳаммуаллифлигидаги «Халқаро муносабатлар тарихи»<sup>67</sup> китобларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Уларда ташқи сиёсат ва ҳамкорлик масалалари билан бирга, дастлабки дипломатик кадрлар фаолиятига ҳам эътибор қаратилган.

Иккинчи йўналишга сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, психология каби фанлар доирасида дипломатия бўйича олиб борилаётган ҳамда амалиётчи мутахассислар томонидан дипломатиянинг турли йўналишларида амалга оширилаётган методологик, илмий-амалий, таҳлилий ишланмалар киради.

<sup>66</sup> Раҳимбаева Д. В. Ўзбекистонда дипломатия хизматининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1944-2001 йиллар. Ташқи ишлар вазирлиги мисолида). Тарих фан. д-ри ... дис. – Т., 2007. – Б. 1415.

<sup>67</sup> История международных отношений и дипломатии. – Т.: НУУИМУ, 2002.; Хоназаров Қ. Дипломатиямизда биринчи қалдирғоч кадрлар. – Т.: ЖИДУ, 2011.; Фармонов Р., Жўраев Қ. Халқаро муносабатлар тарихи. – Т.: ЖИДУ, 2014.



Хусусан, У.Хасанов, Г.Табак, Н.Ибрагимова, Н.Тўлаганова, С.Шарапова, К.Асирбабаева, Г.Мўминова, А.Шарапов, Д.Нишанов каби олимлар ёқлаган диссертацияларда мазкур муаммонинг айрим жиҳатлари сиёсатшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилган<sup>68</sup>. Уларда Ўзбекистоннинг замонавий халқаро муносабатлардаги ўрни ва аҳамияти, истиқболи, ташқи сиёсати ва дипломатияси, жаҳон сиёсий ва иқтисодий тизимига интеграцияси, ташқи сиёсат соҳасидаги жаҳон тажрибаси, давлатлараро муносабатлар каби масалаларни ўрганишга сиёсатшунослик нуқтаи назаридан ёндашилган.

Мустақиллик йилларида диссертация тадқиқотлари билан бирга, қатор илмий нашрлар ҳам чоп этилди. Жумладан, илк нашрлар А.Қосимов, А.Саидов каби амалиётчи олимлар томонидан амалга оширилиб, уларда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ва дипломатиясининг шаклланиш босқичлари, мамлакатимизнинг халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги иштироки, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий, илмий-техникавий

<sup>68</sup> Хасанов У. А. Национальные интересы Республики Узбекистан и проблемы безопасности в Центральноазиатском регионе. Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – М., 2003; Табак Г. А. Роль культурных и исторических традиций во внешней политике Республики Узбекистан. Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Т., 2004; Ибрагимова Н. Ш. Сравнительный анализ политических взаимоотношений Республики Узбекистан с Республикой Индия и Исламской Республикой Пакистан на современном этапе. Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Т., 2004; Туляганова Н. У. Афганский конфликт и его последствия в контексте становления новой системы безопасности в Центральной Азии. Автореф. дис. ... д-ра полит. наук. – Т., 2006; Шарапова С. Ш. Многосторонняя дипломатия Республики Узбекистан: участие в универсальных, региональных и субрегиональных организациях, межгосударственных объединениях. Автореф. дис. ... д-ра полит. наук. – Т., 2006; Асирбабаева К. С. Республика Узбекистан и Республика Корея: процессы модернизации и перспективы сотрудничества. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2007; Муминова Г. М. Политико-правовой аспект сотрудничества Республики Узбекистан и Европейского Союза. Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Т., 2007; Шарапов А. А. Осие-Тинч океани минтақаси давлатлари Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлари тизимида (ХХР, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, мисолида). Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Т., 2008; Нишанов Д. Б. Внешняя политика Республики Узбекистан в 90-е годы XX века. Дис. ... канд. ист. наук. – М., 2008.

ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлиги масалалари ёритилган<sup>69</sup>.

Бугунги кунда дипломатияда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш масалаларининг долзарблиги ошиб бормоқда. Шу муносабат билан Марказий Осиеда минтақавий хавфсизликнинг тизим сифатида шаклланиши билан боғлиқ тадқиқотлар муҳим ўрин тутуди. Бу жиҳатдан Р.Алимовнинг «Центральная Азия: Общность интересов» монографияси алоҳида қийматга эга<sup>70</sup>. Унда Марказий Осиеда минтақавий ҳамкорликнинг объектив имкониятлари, тарихий, маданий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, минтақавий ҳамкорликнинг тажрибалари тадқиқ этилган. Шунингдек, Марказий Осиеда геосиёсий кучлар мувозанати, АҚШ, Россия, Хитой, ЕИ, Япония ва бошқа қудратли давлатлар манфаатларининг тўқнашуви масалалари ёритилган. Минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида БМТ, НАТО, ЕХХТ, ШХТ, КХШТ сингари халқаро ташкилотларнинг роли ҳам ўрганилган. Муаллиф минтақавий хавфсизликка асосий таҳдидларни таҳлил қилиш жараёнида Афғонистон муаммолари, Марказий Осие давлатлари, Марказий Осие ҳамкорлик Ташкилоти билан минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида дипломатик муносабатларни кучайтириш масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида хулоса чиқарган.

Ш.Арифхановнинг «Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность»<sup>71</sup>, Ч.Кўчаровнинг «Марказий Осиенинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари»<sup>72</sup>

<sup>69</sup> Касымов А.М., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., 1994; Саидов А. Х. Узбекистан и ОБСЕ: грани сотрудничества. – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 1998; Гиясов Б. Т. и др. Международные отношения и дипломатия на современном этапе. – Т.: ТДШИ, 2009.

<sup>70</sup> Алимов Р. М. Центральная Азия: Общность интересов. – Т.: Шарқ, 2005.

<sup>71</sup> Арифханов Ш. Р. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. – Т.: Шарқ, 2008.

<sup>72</sup> Кўчаров Ч. Ш. Марказий Осиенинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари (геосиёсий таҳлил тажрибаси). – Т.: Фан, 2008. – Б. 200.

номли монографияларида ҳозирги пайтда Ўзбекистон дипломатияси олдида турган Марказий Осиё минтақасида халқаро таҳдидларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш масалалари таҳлил қилинган.

Шу жиҳатдан қараганда, эксперт И.Бобоқулов МДХнинг минтақавий хавфсизликдаги ролини ўрганган ҳолда унинг ўзаро муносабатлар тизимидаги субординацияси заиф ҳамда қарорлар қабул қилишда ён бериш хусусиятлари тўла шаклланмаган ташкилот эканини кўрсатиб ўтади<sup>73</sup>.

Дипломатияни илмий ўрганишнинг муҳим йўналишларидан бири унинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш бўлиб, бу борада Л. Саидованинг Ўзбекистон Республикаси дипломатик фаолиятининг ҳуқуқий асосларига бағишланган монографияси алоҳида ўрин тутаяди<sup>74</sup>. Унда Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида дипломатик ҳуқуқларини амалга ошириши, шунингдек Ўзбекистон мисолида дипломатик ҳуқуқнинг асосий институтлари фаолияти таҳлил қилинган, дипломатик ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқий манбалари, мамлакатимизда дипломатик фаолиятни тартибга соладиган ички давлат қонунчилиги ҳамда унинг ривожланиш динамикаси, мамлакатнинг халқаро алоқаларини амалга оширишда давлат бошлиғининг ваколатлари, парламентнинг имкониятлари ҳамда халқаро фаолиятнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг ҳуқуқий асослари, глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишдаги роли, мамлакатнинг доимий ва вақтинчалик дипломатик миссия ҳуқуқи, халқаро саҳналарда миллий дипломатик фаолиятни кучайтириш, хорижий мамлакатлардаги консуллик идораларининг ваколатлари ва функциялари каби масалалар баён этилган.

<sup>73</sup> Бобоқулов И. И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. – Т.: УМЭД, 2010. – С. 113.

<sup>74</sup> Саидова Л. Правовые основы дипломатической деятельности Республики Узбекистан. – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2001. – С. 192.

И.Умароҳуновнинг монографиясида<sup>75</sup> халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда дипломатиянинг роли ёритилган; Ўзбекистон дипломатиясининг халқаро миқёсда ҳужжатлар ва консултацияларни таснифлаш фаолияти, шартномавий ҳуқуқ ижодкорлиги кўрсатилган; дипломатик идораларда халқаро шартномалар амалиёти, давлатлараро шартномаларнинг амал қилиши ва самарадорлигини доимий назорат қилиш бўйича қатор тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хорижий контрагентлар, шериклар билан ишлайдиган давлат ижро органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги ролини оширишга доир таклифлар берган, халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятига оид қонун ҳужжатлари ҳамда шартномаларини кодификация қилиш лозимлигини кўрсатиб ўтган.

Ташқи иқтисодий соҳани ҳуқуқий таъминлаш масаласини Х. Исламходжаев ҳам ўрганган. Унинг тадқиқоти ташқи иқтисодий соҳада давлат бошқарувининг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган<sup>76</sup>.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси дипломатик фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири дипломатик протокол ва этикет ҳисобланади. Шу боис, Л. Абдуллаева дипломатик протокол ва этикетнинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги тажрибасини тадқиқ этган<sup>77</sup>. Мазкур ишда дипломатик протокол ва этикетнинг тарихий ҳамда замонавий назариялари, асосий қонуниятлари ва амалиёти очиқ берилган. Унда Ўзбекистон Республикасида протокол амалиётини тайёрлаш масалаларига алоҳида урғу берилган. Тадқиқотчининг таъкидлашича, бизнинг прото-

<sup>75</sup> Умароҳунов И. М. Республика Узбекистан и международное право. – Т.: Узбекистан, 1998. – С. 309.

<sup>76</sup> Исламходжаев Х. С. Государственное управление в сфере внешне-экономических связей. Учебное пособие. – Т.: ТГЮИ, 2012.

<sup>77</sup> Абдуллаева Л. М. Особенности дипломатического протокола и этикета: практика Республики Узбекистан. Учебное пособие. – Т.: Zar Qalam, 2005. – С. 176.

колимизда учрайдиган Британия ёки Америка протоколи амалиётининг айрим элементлари улардан нусха олганимизни англамайди, балки уларнинг миллий анъаналар ва халқаро меъёрлар билан уйғунлашувидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси протоколининг ўзига хос жиҳати унинг шарқона меҳмондўстлик анъаналарига содиқлиги ва ўзга мамлакатларнинг анъаналарига ҳурмат билан қараши бўлиб, улар ортқича дабдабалардан холи ва соф демократик хусусиятга эга.

Айрим илмий мақола ва тезисларда замонавий дипломатиянинг иқтисодий дипломатия, парламент дипломатияси, оммавий ва рақамли дипломатия каби турлари тадқиқ этилган, бу соҳалар учун кадрлар тайёрлаш масалалари кўтарилган<sup>78</sup>.

Ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсатида, биринчи навбатда, иқтисодий дипломатияга урғу берилади. Республи-

<sup>78</sup> Жураев Қ. Ўзбекистон дипломатияси мустақиллик йилларида: ютуқлар ва вазифалар // Халқаро муносабатлар. – 2002. – № 2. – Б. 55–58; Нуриддинов Қ. Ўзбекистоннинг кўп векторли замонавий дипломатиясининг ШХТ доирасида ривож топиш истиқболлари // Халқаро муносабатлар. – № 1. – 2010. – Б. 99–104; Сборник научных публикаций общества молодых ученых УМЭД. – Т.: УМЭД, 2011. – С. 48–51; Расулов А. Становление и формирование дипломатии и дипломатической службы Республики Узбекистан и подготовка дипломатов в современных условиях // Вопросы формирования и развития узбекской школы дипломатии: Мат-лы круглого стола. – Т.: УМЭД, 2012. – С. 38–43; Вахидов А. Роль системного повышения квалификации дипломатических кадров // Вопросы формирования и развития узбекской школы дипломатии: Мат-лы круглого стола. – Т.: УМЭД, 2012. – С. 17–20; Мавланов И. Р. Развитие экономической дипломатии Республики Узбекистан, современные вызовы и некоторые подходы к их преодолению // Вопросы формирования и развития узбекской школы дипломатии: Мат-лы круглого стола. – Т.: УМЭД, 2012. – С. 23–32; Жураев С. А. Новые тенденции публичной дипломатии // XX асрда жаҳон сиёсатида архитектоник ўзгаришлар: Realpolitik концепцияси ва Ўзбекистон амалиёти: Илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: ТДШИ, 2014. – Б. 69–70; Сафоев С. Ҳозирги замон халқаро муносабатлари ва парламентлараро ҳамкорлик // XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари // Ўзбекистон Республикаси миқёсида илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: ТДШИ, 2015. – Б. 6–8; Ҳозирги замон халқаро муносабатлари ва парламентлараро ҳамкорлик // XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: ТДШИ, 2015. – Б. 6–12.

камизда шу соҳанинг етакчи олими ҳисобланган И. Мавланов Ўзбекистон дипломатиясининг устувор йўналишларини таҳлил қилар экан, қуйидагиларни қайд этди: «...Мамлакат тараққиётининг у ёки бу босқичида муайян вазият ва миллий манфаатлар шакллантирилишига боғлиқ ҳолда ҳамкорликнинг қандайдир муайян кўринишига урғу берилиши мумкин. Масалан, мустақилликка эришилганидан сўнг Ўзбекистон дипломатиясида иқтисодий ҳамкорлик марказий ўринлардан бирини эгаллай бошлади. Мамлакатдаги иқтисодий вазият мураккаб эди, шу сабабдан иқтисодий алоқалар ҳар томонлама ривожланишга муҳтож экани алоҳида таъкидланган. Ўзбекистон раҳбарияти мураккаб халқаро вазиятларда мамлакат иқтисодиёти масалаларини ҳал қилган ҳолда мустақилликнинг илк кунлариданоқ ўз ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва дипломатияни ривожлантиришга киришди»<sup>79</sup>, – деб таъкидлайди.

И. Мавланов дипломатик фаолиятнинг янги йўналишларини тадқиқ этган ҳолда қуйидагиларга эътиборни қаратди: «Дипломатик фаолиятнинг мумтоз шакл ва вазифалари сақланиб қолганига қарамай, халқаро муносабатлардаги янги жиҳатлар – кўп томонлама ва минтақавий дипломатиянинг, олий ва юксак даражадаги дипломатиянинг жадал ривожланиши, мисли кўрилмаган халқаро иқтисодий муносабатлар, «дипломатия иккинчи йўналиши оқими» – бари XX аср охири ва XXI аср бошларидаги дипломатияга жиддий таъсир кўрсатди ва энг аввало, дипломатик ваколатхоналар орқали амалга ошириладиган анъанавий дипломатияга нисбатан катта шубҳаларни юзага келтирди»<sup>80</sup>.

И. Мавлановнинг фикрига кўра, «XXI асрда дипломатия давлатлар ва жаҳон саҳнидаги бошқа иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаган ҳолда ташқи сиёсат ва иқтисодиётда асосий роль ўйнашда давом этади. Бу, аввало, биз маҳаллий институтлар асосида янгича жаҳон тартиботи пойдеворининг пайдо бўлиши ва тикланиши ибтидоси-

<sup>79</sup> Мавланов И. Р. Экономическая дипломатия Индии в условиях трансформации мирового порядка. – Т.: УМЭД, 2010. – С. 96.

<sup>80</sup> Ўша жойда.

да турганимиздан, буларда эса янгича иқтисодий тартибот барпо этишнинг зўравонлик усуллари маъқул келмаслиги, балки икки томонлама, кўп томонлама ва минтақавий дипломатиянинг таъсирчан воситалари зарур бўлишидан келиб чиқади»<sup>81</sup>.

Ахборот тизимларининг ривожланиши ва глобаллашув дипломатиянинг фаоллигини оширишни, жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Шу боис А. Расуловнинг: «Замонавий илмий техник таъминот, информатика, ақлий меҳнатнинг компьютерлашуви, интернетдан фойдаланиш кабилар дипломатиянинг ривожланиши учун муҳим омил бўлмоқда»<sup>82</sup>, – деган фикрлари эътиборга лойиқ.

Дипломатияни ўрганишда дипломатнинг шахсий хислатлари, тарбиявий жиҳатлари катта ўрин эгаллайди. Шу муносабат билан, А. Файзуллаев томонидан дипломатнинг мотивацияси ва шахсий сифатлари, дипломатик фаолиятнинг психологик жиҳатлари ёритилган тадқиқотларни алоҳида қайд этиш лозим<sup>83</sup>. Бу ишларнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, уларда мамлакатимиз дипломатларига нисбатан қўлланиладиган талаблар борасида кўрсатмалар мавжуд. Жумладан, дипломатнинг шахсий хислатлари, мақсадли ҳаракатлари, ҳаётий позицияга эгаллиги ва ишонтириш лаёқати билан мустаҳкамланган бўлишига урғу берилган. Дипломатнинг зарурий шахсий хислатлари ичида Ватанга содиқлик, киришимлилик, иродалилиқ, аниқлик, ўзини тута билиш, мантиқий фикрлаш ва нутқ маданияти, бошқаларни эшитиш, ишонтириш, вазиятни аниқ баҳолай олиш ва ундан фойдаланиш, воситачи сифатида ҳаракат қила билиш,

<sup>81</sup> Ўша жойда. – Б. 98.

<sup>82</sup> Расулов А. Становление и формирование дипломатии и дипломатической службы Республики Узбекистан и подготовка дипломатов в современных условиях // Вопросы формирования и развития узбекской школы дипломатии: Мат-лы круглого стола. – Т.: УМЭД. 2012.

<sup>83</sup> Файзуллаев А. Психологические аспекты дипломатической деятельности // Международные отношения. – 2003. – № 3. – С. 50–57; Файзуллаев А. Мотивация и личность дипломата // Международные отношения. – 2004. – № 2. – С. 62–70.

тарғиботчилик хусусиятларига эга бўлиш, интилувчанлик, қийинчиликларни бартараф этиш қобилияти, бамайлихотирлик, экстремал шароитларда ишлай олиш, бошқа маданият ва муҳитга мослаша олиш, ўз касбини севиш, бошқа маданият ва тилларни билишга интилиш, ҳалоллик, ростгўйлик, масъулиятлилик, жисмоний хислатлар, интеллектуал хусусиятлар, яъни яхши хотира, таҳлилий қобилият кабилар муҳим ўрин тутди.

Учинчи йўналишга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исом Каримовнинг давлат раҳбари сифатида илгари сурган ҳамда концептуал аҳамиятга эга бўлган мамлакатимизнинг ташқи сиёсати ва дипломатик алоқаларига оид ғоялари, фикр ва қарашларини ўзида мужассамлаштирган асарлари киради<sup>84</sup>. Уларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи муносабатларнинг бош субъекти сифатидаги фаолияти акс этган бўлиб, у ўз ваколатлари доирасида миллий манфаатларни амалга оширишда вазиятни таҳлил қилиб, халқаро муносабатлар ва ташқи алоқалар соҳасида муҳим давлат қарорлари қабул қилинган. Бу жараёнда билдирилган концептуал ва назарий мулоҳазалар ҳам мазкур ишнинг натижаси бўлиб, улар кейинчалик умумлаштирилиб, бир тизимга солинди. Булар, ўз навбатида, Ўзбекистон тарихининг шу даврида дипломатияни ривожлантиришнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исом Каримов замонавий халқаро муносабатларга бугун ҳам долзарблигини сақлаб қолаётган таърифни бериб, дипломатиянинг вазифаларига таъсир этувчи бир қатор омилларни таъкидлади.

<sup>84</sup> Қаранг, масалан: Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996; Ўша муаллиф. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996; Ўша муаллиф. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996; Ўша муаллиф. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997; Ўша муаллиф. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998; Ўша муаллиф. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015; ва бошқ.

Биринчидан, бу глобаллашув жараёнидир. «Халқаро муносабатларда мавҳумлик ҳамда чуқур ўзгаришларнинг янги омиллари мунтазам равишда пайдо бўлмоқда. Эски ўзаро алоқалар йўқолиб, ўрнига янгилари пайдо бўлмоқда, стратегик парадигмалар ўзгармоқда. Халқаро ва ташқи сиёсат ўртасидаги чегара кундан-кунга йўқолиб бормоқда. Халқаро ҳуқуқ меъёрлари миллий-ҳуқуқий тизимларга янада кўпроқ кириб бормоқда»<sup>85</sup>.

Иккинчидан, кўп қутбли дунё шаклланаётган бўлиб, бунда халқаро муносабатлар тузилмаси ўзгармоқда, минтақавий ташкилотларнинг аҳамияти кучаймоқда.

Учинчидан, янгича хавф-хатарлар, глобал минтақавий ва миллий хавфсизликка таҳдидлар, шу жумладан, диний ва сиёсий айирмачилик, халқаро террорчилик пайдо бўлаётгани, ялпи қирғин қуролларининг тарқалиши ва халқаро жиноятчиликнинг ўсиб бориши, шунингдек наркотик моддалар ишлаб чиқарилиши ва улар билан савдо-сотик қилиниши, қурол-яроғ, одам савдоси ва бошқалар ана шундай омиллардандир. Шунингдек, бартараф этилмаган маҳаллий инқирозлар ва можаролар, ижтимоий кескинликнинг кучайиши, аҳолининг оммавий тарзда кўчиб кетиши кабилар ҳам ана шундай омиллар жумласига киради.

Мазкур муаммолар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари» китобида келтирилган. Хусусан, XXI аср халқаро муносабатларда глобаллашув асри бўлиши, бу интеграция жараёнларини, халқаро институт ва ташкилотларда мустақил давлатлар иштирокининг кенгайишини муқаррар қилиб қўйиши таъкидланган. «Бу ҳолда, масала халқаро интеграция жараёнларида қатнашиш ёки қатнашмаслик тарзида қўйилмайди. Янги мустақил давлат бўлган Ўзбекистон учун, энг аввало, ташқи сиёсатнинг оқилона мақбулликка ҳамда давлатимиз, жамият ва инсоннинг узоқни кўзловчи

<sup>85</sup> Основные направления внешней политики и дипломатии Республики Узбекистан в трудах И. А. Каримова. – Т.: УМЭД, 2006. – С. 6.

манфаатларига асосланадиган энг муҳим тамойилларига қатъий риоя этиш улкан аҳамият касб этмоқда»<sup>86</sup>.

Ислом Каримов ташқи сиёсат ва дипломатиянинг ривожини чамбарчас боғлиқликда кўриб чиққан. Ўтиш даврида ташқи сиёсат ва дипломатия институтини шакллантиришнинг бошланғич шароитлари, мақсад ва вазифаларини белгилаш таҳлилнинг асосини ташкил этади. Икки ва кўп томонлама асосдаги халқаро ҳамкорликнинг кенгайиши, халқаро муносабатларнинг асосий масалалари бўйича фаол ёндашув, республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, республикада амалга оширилаётган ислохотлар муқаррарлигининг, миллий хавфсизлик ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорликнинг кафолати сифатида мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришларга халқаро тузилмалар эътиборини тортиш ҳамда уларнинг кўмаги ана шундай шароитлар жумласига киради.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти нутқининг таҳлили аввал бошданоқ ташқи сиёсат ҳамда дипломатияни ривожлантириш вазифалари муносабатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ўзаро манфаатлилик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланганлигини кўрсатади. Ўзбекистон ҳеч бир давлатнинг таъсирига тушмаслик, мафкуравий қарашларидан қатъи назар, жаҳоннинг барча мамлакатлари билан ўзаро муносабатларини мустақил белгилаган ҳолда аввало ўз миллий-давлатчилик манфаатларидан келиб чиқиш борасида қатъий туриш йўлини танлади. Ўзбекистон ҳам икки ва кўп томонлама шартномали муносабатлар сифатидаги ўзаро манфаатли алоқаларни қарор топтириш принципларига изчил амал қилиб келмоқда. Ташқи сиёсат ривожланишининг кўпгина қирралари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида<sup>87</sup> батаф-

<sup>86</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ўша муаллиф. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 241.

<sup>87</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида // Ўша муаллиф. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1995.

сил ёритилган бўлиб, унда қуйидаги жиҳатлар ажратиб кўрсатилган:

1) Ўзбекистон мустақил давлат сифатида очиқ иқтисодий шакллантириш борасида фаол иш олиб бормоқда. Мамлакатнинг дунё хўжалиги алоқаларида, меҳнатнинг халқаро тақсимотида тенг иштирок этиши очиқ турдаги иқтисодий барпо этиш асосидир. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш чораларини изчил амалга оширган ҳолда, биз бозор иқтисодиёти эркин иқтисод эканлиги, очиқ кўринишга эга бўлиши, чекланганлик ва ўз қобиғида ўралиб қолиш унга ёт эканлиги борасидаги шубҳасиз далиллардан келиб чиқамиз. Шунга боғлиқ равишда мамлакатимиз иқтисодининг келажагини дунё хўжалиги билан бирлашувида кўрмоқдамиз;

2) Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳамкорликнинг кўп томонлама халқаро механизмларига фаол қўшилди, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг институтлари, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро молиявий корпорация, Иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлди ва фаол сиёсат олиб бормоқда. Кўпгина халқаро ташкилотлар – БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа Кенгаши ва комиссияси ва бошқалар республикамызда ўз ваколатхоналарини очди ва ўзбекистонлик шериклар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Мазкур асарда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кириб бориши, стратегик йўналишининг жадал амалга оширилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош йўналиши эканлиги борасида муҳим фикрлар билдирилган. Шу маънода, халқаро транспорт коммуникацияларини, ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, жумладан Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш борасида халқаро ташкилот-

лар билан мамлакат имкониятларини кенгайтирувчи кўп ва икки томонлама ҳамкорлик қилиш муаммоларига катта эътибор қаратилган<sup>88</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг принциплари ва асосий йўналишлари Президент Ислам Каримов мустақилликнинг илк йилларида билдирган дипломатиянинг вазифалари ҳақидаги фикрлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоида ва принциплари, давлатнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятини тартибга солувчи қонунлари ҳамда қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Миллий хавфсизлик концепциясини, кейинроқ эса Ташқи иқтисодий фаолият концепциясини ишлаб чиқиш асосида қарор топди.

<sup>88</sup> Основные направления внешней политики и дипломатии Республики Узбекистан в трудах И. А. Каримова. – Т.: УМЭД, 2006. – С. 20.

## Боб бўйича хулоса.

Мавзуга доир назарий қарашларнинг таҳлили замонавий дипломатия тушунчаси Европада реформациядан кейинги даврда шаклланигандан далолат беради. Шунга қарамай, турли тарихий даврларда давлатлар ва ҳукуматлар ўртасида ташқи сиёсатни амалга ошириш воситаси сифатида дипломатия давлат ташқи сиёсатини амалга оширишнинг мураккаб усули, музокаралар асосига қурилган кўп томонлама механизм эканлиги аниқланди.

Мавжуд тадқиқотлар дипломатия XX асрдан бошлаб халқаро муносабатлар назарияси, сиёсатшунослик ҳамда бошқа назарий ва амалий фанлар билан алоқага кириша бошлаганлигидан далолат беради. Шиддат билан ўзгариб бораётган замонавий халқаро муносабатлар дипломатик ишнинг турли креатив восита ва усуллари вужудга келишига имкон яратди. Халқаро ҳуқуқ тизими кенгайиб ва мураккаблашиб бораётганлиги ҳисобга олинса, дипломатик ишларни фақат амалий маънода олиб бориш усуллари ўрганишнигина эмас, балки уларни назарий мулоҳазадан ўтказишни ҳам тақозо эта бошлади. Халқаро муносабатлар мунтазам тус олиши оқибатида дипломатик фаолиятда музокаралар олиб боришнинг айрим ҳаракатлари, муносабатлари ва тамойилларида қонуниятлар юзага чиқа бошлади.

Шу боис замонавий ташқи сиёсат ёки дипломатия назарияси фақат бир усулга таяниб иш кўрадиган бўлса, фан олдида турган юксак маррага эришил қийин кечиши аниқ. Шундай экан, фанлараро ёндашув замонавий дипломатияни тадқиқ этишнинг бош омилига айланди, десак муболаға бўлмайди. Қолаверса, фанлараро таҳлил усули асосида башоратлар қилиш, фаразларни инкор этиш ёки тасдиқлаш мумкин.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистондипломатиясимиллийвахорижийтадқиқотчилар учун долзарб илмий тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз олимлари томонидан мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар аксарият ҳолларда дипломатия

тарихига, аниқроғи унинг қадимдан XX аср ўрталаригача бўлган даврига бағишланган. Замонавий дипломатиянинг долзарб муаммолари эса асосан Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, олдидаги вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилган. Шу билан бирга, тарихчи олимларнинг ишларида Ўзбекистон дипломатияси қадимий анъана ва тарихга эга эканлиги, бу борада тарихий тажриба мавжудлиги, мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг жаҳон ҳажамиятига интеграциялашув жараёни факт ва далилий ашёлар асосида тадқиқ этилган.

Замонавий концепциялардан келиб чиққан ҳолда дипломатик муносабатларнинг амалий тажрибасини умумлаштирувчи ва қонуниятларни акс эттирувчи тадқиқотлар бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида ўрганилган. Уларда ҳозирги пайтда миллий дипломатиянинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа воситаларининг фаоллашуви масалалари ҳамда глобаллашув ва хавфсизлик муаммолари авж олган шароитда миллий манфаатларни ҳимоя қилишда турдош фанлар доирасида дипломатик фаолиятни ўрганишга ҳаракат қилинган.

Дипломатияни ўрганишдаги анъанавий ёндашув турли замонлардаги дипломатик жараёнларни тарихий таҳлилдан ўтказиш усули бўлиб, дипломатик иш олиб боришнинг у ёки бу жараёнлари, принциплари, ёндашувлари, усуллари келиб чиқишини аниқлашга имкон беради. Бу, шунингдек, муайян давлатлараро муносабатлар, уларнинг манбалари ҳамда нафақат ушбу давлатлар учун, балки минтақа ва умуман, дунё ҳамжамяти учун оқибатини аниқлашга хизмат қилади. Аммо тарихий таҳлил усули халқаро муносабатлардаги замонавий вазият, иқтисодиёт, социология, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик ва бошқа фанлар доирасида ишлаб чиқилган тадқиқот усуллари билан бирга олиб боришни талаб қилади. Бундай ёндашув шундагина замонавий муаммоларни, шу жумладан, халқаро муносабатларни ўрганиш тизимли бўлишини таъминлайди.

## II БОБ.

### МИЛЛИЙ ДИПЛОМАТИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ: ОМИЛЛАР ВА МУАММОЛАР

#### 2.1-§. Ўзбекистон дипломатиясининг омиллари: ташкилий-ҳуқуқий трендлар

Жаҳон тажрибасининг далолат беришича, давлат тараққиётининг ҳар бир босқичида дипломатиянинг вазифаси ўз мамлакатини ташқи сиёсий ва иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суриш бўйича стратегияни амалга оширишга йўналтиришдан иборат бўлган. Айниқса замонавий давлатчилик асосларини нисбатан яқинда барпо эта бошлаган Ўзбекистондек ёш мамлакатнинг қўйган дастлабки қадамлари ва қабул қилган қарорлари унинг келажакдаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётида, жаҳон сиёсий тизими ва ҳўжалигида муносиб ўрин эгаллашида муҳим роль ўйнаши табиий.

Дарҳақиқат, мустақиллик давлатчилик тараққиёти учун янги имконият йўлларини очиб берди. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида янгилашиш жараёнлари бошланди. Мамлакатда бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган, жаҳон амалиёти ютуқ ва камчиликлари ҳамда маҳаллий хусусиятларини ҳисобга олган миллий тараққиёт стратегияси асосида трансформацион жараёнлар бошланди. Айни вақтда, «ўзбек модели» номини олган тараққиёт йўлимизда жаҳон ҳамжамиятига интеграция жараёнига, ташқи сиёсат ва унинг бош воситаси ҳисобланган дипломатияга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши XX аср охири ва XXI аср бошига келиб авж олган глобаллашув жараёни ҳамда жаҳоншумул аҳамиятга эга сиёсий, иқтисодий ва маданий ислохотлар таъсирида халқаро алоқалар мураккаблашган ва чигаллашган даврга тўғри келди. Шу сабабли миллий дипломатиянинг

вужудга келиши ва равнақи жараёнига таъсир кўрсатган, айрим ҳолларда ҳозирда ҳам ўз таъсирини ўтказаяётган эндоген ва экзоген жараёнлар билан боғлиқ омилларни тарихий жиҳатдан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу омилларни шартли равишда бир неча гуруҳ доирасида таҳлил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчи омил Ўзбекистонда замонавий дипломатиянинг шаклланиши ва ривожланишида тарихий омилнинг ролини аниқлаш билан боғлиқ. Бир неча минг йиллик давлатчилик тарихига эга халқимизнинг ўтмиш тажрибаси, барча соҳаларда бўлгани каби, миллий дипломатиянинг ҳам равнақига ўз таъсирини ўтказади. Азалдан Шарқ дипломатияси шаклида ривожланиб келган ўзбек дипломатияси XVI асрга келиб Буюк ипак йўлининг барҳам топиши билан боғлиқ жараёнлар (Марказий Осиё минтақасининг инновацион тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолиши натижасида минтақадаги давлатларнинг заифлашиши, улар ўртасидаги ички низоларнинг кучайиши ва ривожланишда ортда қолиши) таъсирида XX аср бошига қадар «анъанавий» ҳолатни ўзида сақлаб келди.

Чор Россияси минтақани босиб олинганидан кейин, бир томондан, ушбу ҳудуддаги давлатлар юз йилдан ортиқ вақт давомида мустақил ривожланиш, эволюцион тараққиёт имкониятидан маҳрум бўлди, иккинчи томондан, Европа маданияти, шу жумладан, сиёсий маданиятининг ретранслятори вазифасини бажарган Россия империяси, сўнгра унинг меросхўри бўлган Совет Иттифоқи даврида Ўзбекистонда замонавий ташқи сиёсат ва дипломатия соҳасида, оз бўлсада, тажриба (мафқуралашган, марксистик ёндашувдаги дипломатия) шаклланди.

Маълумки, XIX аср охири XX аср бошида Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги протекторат ҳолатида чекланган ташқи алоқалар билан «кифояланган» бўлса, Қўқон хонлиги Туркистон ўлкаси сифатида тўлиғича империя таркиби ва ихтиёрида эди. Совет даврида эса Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан сиёсий дипломатик муносабатлари чекланган «мар-



казлашган дипломатия» тарзида кечди. Айниқса, миллий чегараланиш ўтказилганидан сўнг ташқи алоқалар батамом Марказ ихтиёрига ўтди.

Ўзбекистонда замонавий кўринишдаги дипломатия шаклланишининг муҳим босқичи Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келиб, унинг якунида юз берган геосиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ривож топди. Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши тугаши арафасида жаҳондаги сиёсий аҳвол тубдан ўзгара бошлади, БМТни тузишга қаратилган ҳаракатлар бошланди, шу билан бирга, икки қутбли жаҳон сиёсий тизими қарор топа бошлади. Бир томондан, собиқ Совет Иттифоқи атрофида коммунистик кучлар ва социалистик мамлакатлар бирлашган бўлса, иккинчи томондан, АҚШ бошчилигидаги Ғарбнинг етакчи давлатлари коалицияси юзага келди.

БМТнинг ташкил топиш жараёни СССР учун (унинг манфаатларини ҳисобга олганда) мураккаб кечди. Фашизмга қарши курашда ғалабага энг катта ҳисса қўшган СССР ушбу ташкилотда ҳам нуфузини оширишга интилди. Аммо Ғарбнинг етакчи давлатлари ва улар таъсиридаги мамлакатлар сон жиҳатдан кўпчиликини ташкил қилгани боис совет давлати раҳбарияти кўзлаган мақсадига эришолмади.

Дипломатия соҳасидаги илк профессионал кадрлардан ҳисобланган Қ. Хоназаров бу ҳақда шундай ёзади: «...Бўлажак халқаро ташкилотда АҚШ ва Буюк Британия бошчилигидаги «капиталистик давлатлар» сони 30 га яқин бўлиб, «социалистик томон»да эса фақат ягона СССР бор эди, холос. Агар бўлажак халқаро ташкилотнинг фақат АҚШ ва Буюк Британия бошчилигида яратилишига йўл қўйилса, урушдан кейинги халқаро масалаларни ҳал қилишда СССР яққаланиб, четга чиқиб қолган бўлур эди...»<sup>89</sup>.

Натижада, собиқ Иттифоқ раҳбарияти томонидан БМТда (айниқса овоз бериш жараёнида) ўз тарафдорларини кўпайтириш мақсадида сиёсий ҳийла ишлатилди. Жумладан, 1944 йил 28 январь – 1 февраль кунлари бўлиб

<sup>89</sup> Хоназаров Қ. Дипломатиямизда биринчи калдирғоч кадрлар. – Т.: ЖИДУ, 2011. – Б. 5.

ўтган СССР Олий Совети Президиумининг I чақириқ X сессияси мажлисида «Иттифоқдош республикаларга ташқи алоқалар соҳасида ваколатлар бериш тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Иккинчи жаҳон уруши тугаши арафасида, «Совет Иттифоқининг чет давлатлар билан дипломатик алоқаларининг икки баравар ортиши ва Иттифоқ ташқи алоқаларининг кенгайиши боис» деган асос билан СССР Ташқи ишлар халқ комиссарлиги – Иттифоқреспублика халқ комиссарлигига айлантирилди<sup>90</sup>.

Юқоридаги қарорнинг қабул қилиниши, табиийки, тегишли ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Аввало, СССР Олий Совети Президиуми томонидан 1944 йил 1 февралда тегишли қонун қабул қилинди<sup>91</sup> ва СССР Конституциясига зарур ўзгаришлар киритилди. Ўз навбатида, «юқори ташкилотлар топшириғи»га биноан 1944 йил 27 сентябрда Ўзбекистон Олий Совети Президиуми томонидан «Республика Ташқи ишлар халқ комиссарлигини ташкил этиш тўғрисида» қонун қабул қилинди<sup>92</sup> ва Ўзбекистон ССРда Ташқи ишлар халқ комиссарлиги тузилди.

Шу аснода (сунъий бўлишига қарамай) уруш якуни арафасида иттифоқдош республикалар, жумладан Ўзбекистоннинг янги тарихида муҳим воқеа юз берди – ташқи алоқаларга доир вазирлик ташкил этилди. Тегишли меъёрий ҳужжатларга биноан Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан ташқи муносабатларга мустақил равишда киришиш, улар билан шартномалар тузиш ва дипломатия ваколатларини айирбошлаш, халқаро ташкилотларда иштирок этиш ҳуқуқига эга суверен республикага айланди.

<sup>90</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Раҳимбаева Д. В. Ўзбекистонда дипломатия хизмагининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1944-2001 йиллар. Ташқи ишлар вазирлиги мисолида). Тарих фан. номз. ... дис. – Т., 2007. – Б. 27–28.

<sup>91</sup> О предоставлении союзным республикам полномочий в области внешних сношений и о преобразования в связи с этим народного комиссариата иностранных дел из общесоюзного в союзно-республиканский народный комиссариат. Закон от 1 февраля 1944 г. // Сб. законов СССР и Указов ПВС СССР. 1938-1958 гг. – М.: Юрид. энциклоп., 1959. – С. 32–33.

<sup>92</sup> Ўзбекистон ССР қонунлари ва ЎзССР Олий Совети Президиуми Фармонлари тўплами (1938-1973). – Т.: Ўзбекистон, 1973. – Б. 120–121.

Бирок, конституция даражасида эълон қилинган ташқи сиёсий ташаббус ҳуқуқи куруқ тарғибот хусусиятига эга бўлиб қолаверди. Амалда Ўзбекистон унитар совет давлати мустабид тузумининг империяча кишанида бўлиб, халқаро майдонга мустақил равишда чиқиш имконидан бутунлай маҳрум эди, ташқи сиёсатга доир давлат институтларига эга бўлиш, ташқи алоқаларни ўз ихтиёри билан ўрнатиш ҳуқуқига эга эмасди. Халқаро алоқалар фақат «Марказ»нинг рухсати билан ва қаттиқ назорати остида амалга оширилди. Натижада, республиканинг ташқи алоқалари намоён бўлса ҳам, ниҳоятда чекланган ва синфий-мафкуравий йўналиши билан ажралиб турар, аввал бошданок мустақилликдан маҳрум этилганди. Аслида, мустақиллик ва тенг ҳуқуқлилик мезонларидан келиб чиқиладиган бўлса, бу алоқаларни ҳақиқий халқаро ҳамкорлик деб бўлмасди; чунки улар совет тизими мантиғига асосланган ва «Марказ» зуғуми таъсирида бўлиб, унинг стратегик сиёсий йўл-йўриқлари билан белгиланарди.

Шу билан бирга, А. Голованов ва М. Жўраевнинг таъкидлашича, «совет ҳукмронлиги йилларида Ўзбекистоннинг халқаро ҳаётидаги иштирокини бутунлай инкор қилиш ҳам хато бўлади. Бундай инкор тарихимизни камбағаллаштириб қўяр, ҳатто мураккаб империяча-мустабид тузум шароитида ҳам халқаро майдонда ўзини кўрсата олган, республиканинг обрў-эътиборини кўтаришга ҳаракат қилган ўзбек халқининг миллий интилишларини назар-писанд қилмаслик бўларди»<sup>93</sup>.

Дарҳақиқат, совет даврида Иттифоқ таркибида Ўзбекистон амалга оширган ташқи сиёсат ёки ташқи алоқалар таҳлили бизга бу алоқалар асосан иқтисодий ва маданий муносабатлар (халқ дипломатияси) доирасида борганидан далолат беради.

Республиканинг ташқи алоқалари савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий хусусиятга эга бўлиб, асосан 1949 йилда Москвада Совет давлати ҳомийлигида ташкил

<sup>93</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. К. 2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 596–597.

этилган Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (ЎИЁК) доирасида, собиқ социалистик мамлакатлар ҳамда социалистик ривожланиш йўлидан борган учинчи дунё давлатлари билан амалга оширилган.

«Қайд этиш лозимки, – деб таъкидлайди Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги биринчи (1993–1997 йиллардаги) Фавқулодда ва мухтор элчиси *Суръат Мирқосимов*, – советлар даврида ҳар бир республика аҳолиси чет эл халқлари билан фақат норасмий ташкилотлар, масалан, дўстлик жамиятлари тузиб, улар орқали, бошқача айтганда, «халқ дипломатияси» орқали алоқалар ўрнатиш ҳуқуқига эга эди. Масалан, «Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти» кўп давлатлардаги шу турдаги жамиятлар билан ҳамкорликда ҳар хил тадбирлар, хусусан маданият кунлари, анжуманлар, семинарлар, турли намойишлар ўтказиб келган. Мисол сифатида айтишим мумкин, ўзим ҳам юқорида айтиб ўтилган жамият кенгаши раисининг муовини сифатида 15 та давлатда ташкил этилган маданият кунлари ва кўргазмалар намойишида, жумладан АҚШда, Бельгия, Финляндия, Малайзия, Ироқ, Германия ва бошқа давлатларда шахсан фаол қатнашганман»<sup>94</sup>.

Шу билан бирга, халқаро алоқалар биродарлашган шаҳарлар орқали ҳам амалга оширилганлиги кузатилган. Масалан, Тошкент – АҚШнинг **Сиэтл**, Ҳиндистоннинг **Патнала**, Покистоннинг **Карачи**, Туниснинг **Тунис**, Ливиянинг **Триполи**, Марокашнинг **Марокаш** шаҳарлари билан, **Анджон** – Болгариянинг **Ямбол**, Чирчиқ шаҳри Миср Араб Республикасининг **Асуан** шаҳри билан, Олмалиқ шаҳри эса Замбиянинг **Китве** шаҳри билан биродарлашган эди<sup>95</sup>.

Бирок, 1950–1980-йилларда Ўзбекистон халқаро алоқаларининг йўлга қўйилиши зиддиятли тарзда кечди. Марказга қарамлик, ўз ташқи сиёсий институтларининг йўқлиги мазкур алоқаларнинг соғлом асосда намоён

<sup>94</sup> Маълумотлар С. М. Мирқосимов билан бўлган суҳбатдан олинган.

<sup>95</sup> Тулаганова Н. У. Становление и развитие движения породнённых городов в Узбекистане (1961-1985 гг.) Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 1987.

бўлишига жиддий тўсқинлик қилди<sup>96</sup>. Бу нарса, айниқса, ташқи иқтисодий сиёсатни шакллантиришга қаратилган ва ташқи савдо операцияларини амалга оширадиган мустақил тузилмалар мавжуд бўлмаганлиги ҳам сабаб бўлди<sup>97</sup>.

Натижада, Ўзбекистоннинг СССР ташқарисидаги мамлакатлар билан савдо қилишида манфий сальдо устунлик қилиб келди. Экспортнинг 9/10 қисми арзон хомашё моллари ва уларнинг бошланғич ишлов берилган маҳсулотларига (80% дан ортми пахта толасига) тўғри келган, импортда эса машина ва ускуналар асосий ўрин эгаллаган. Республика экспортдан олинган даромад Иттифоқ бюджетига бориб тушган<sup>98</sup>.

Шундай қилиб, 1925–1991 йилларида Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти «марказлашган дипломатия» тарзида амалга оширилиб, халқаро майдонга мустақил равишда чиқиш имкониятларидан бутунлай маҳрум эди, ташқи сиёсатни амалга оширувчи давлат институтлари (масалан, элчихоналар) ташқи алоқаларни ўз ихтиёри билан ўрнатиш ҳуқуқига эга эмасди. Дипломатик кадрлар етиштириш масаласи ҳам Марказда ҳал этилганлиги, республикада бу йўналишдаги ўқув юрти йўқлиги натижасида дипломатик амалиёт синовидан ўтган кадрлар Ўзбекистонда бармоқ билан санарли даражада бўлган.

Шунга қарамай, таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон замонавий дипломатиясининг (мафкуралашган тарзда бўлса-да) тамал тоши совет даврида қўйилган эди. Дастлабки ташқи сиёсатга доир институционал тузилма – Ташқи ишлар вазирлиги ҳам, протокол характерда бўлса-да, шу даврдан

<sup>96</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. К. 2. Ўзбекистон совет мустақилчилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 599–613; Раҳимбаева Д. В. Ўзбекистонда дипломатия хизматининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1944–2001 йиллар. Ташқи ишлар вазирлиги мисолида). Тарих фан. номз. ... дис. – Т., 2007. – Б. 31–38.

<sup>97</sup> Исламходжаев Х. С. Государственное управление в сфере внешнеэкономических связей: Учебное пособие. – Т.: ТГЮИ, 2012. – С. 78.

<sup>98</sup> Зиядуллаева Л. Н. Внешнеэкономические связи Республики Узбекистан в условиях глобализации и регионализации мирового хозяйства: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – М., 2006.

бошлаб фаолият юрита бошлаган. Бу эса, тажриба тўплаш ва мустақилликка эришгандан сўнг дипломатия соҳасини ривожлантириш учун, заиф бўлса-да, пойдевор вазифасини бажарди, десак муболаға бўлмайди.

Иккинчи омил глобаллашув жараёни авж олган даврда халқаро муносабатлар тизимида янги дунёвий тартиботга ўтиш билан боғлиқ.

1990 йиллар бошида жаҳон сиёсий ва иқтисодий тараққиётида социалистик лагерга барҳам берилиши билан боғлиқ қандайдир умумий кўтаринкилик кузатилди. Бу даврда ташқи сиёсий таълимотлар тизимида либерал мафкура муайян вақтгача фаол ва етакчи мафкура бўлиб турди. Ундан илғор ғояларнинг умумий манбаи сифатида фойдаланила бошланди. «Ҳомийлар»нинг фикрига кўра, бу мафкура янги дунёвий тартибот қандай бўлиши лозимлиги, қайси йўлдан бориш кераклиги, жумладан дунё бехатар бўлиши ва иқтисодий жиҳатдан ривожланиши учун янги мустақил давлатлар нима қилиши лозимлиги борасидаги саволларга жавоб бериши мумкин эди. Бироқ берилган тавсиялар аслида анча мураккаб бўлган воқеликка тўғри келмаслиги, ҳатто бир қатор ривожланган мамлакатлар ҳам янги геосиёсий ва иқтисодий вазиятга тайёр эмаслиги маълум бўлди.

Жумладан, иқтисодий ислохотларга киришган янги давлатларда либерал-монетаристик ғоялар, хусусан «фалажлаб даволаш» (шок терапияси) ғояси 1990 йиллар бошларида омалашди. Ваҳоланки, либерализм принципини қўллаган ва йўналтирган жаҳон (ғарб) иқтисодий фани ХХ аср охиридаёқ социализмдан капитализмга ўтишдек янги вазиятга тўқнашди. Шуниси эътиборлики, «фалажлаб даволаш»нинг отаси номи олган Янош Корнаининг ўзи ислохотларнинг дастлабки ўн йилини ўрганишдан сўнг ўз нуқтаи назарини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди. У 2000 йил апрелда Жаҳон банки конференциясида қилган маърузасида олдинги башоратлари ва концепцияси нотўғри эканлигини рўйирост тан олди<sup>99</sup>.

<sup>99</sup> Рахимов М.А., Раҳмагуллаев Ш.М., Турсунова Р.Ю., Назаров Р.Р. Очерки новейшей истории Узбекистана. 2-е изд. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2016. – С. 121–122.

Бу жараёнларни таҳлил қилган америкалик мутахассис Г. Киссинджер куйидаги фикрларни билдирди: «...Янги дунёвий тартиботни барпо этишга киришган ҳеч бир етакчи мамлакат вужудга келаётган кўп давлатли тизим доирасида мавжуд бўлишнинг заррача ҳам тажрибасига эга эмас. Илгари ҳеч қачон янги дунёвий тартибот бу қадар турли-туман тасаввурлар асосида, бу қадар глобал қўламда яратилмаган эди. Илгари ҳеч қачон ўзида умумдунёвий демократик тафаккур, шунингдек, жадал ривожланаётган замонавий технологиялар билан мувозанатнинг тарихий тизимлари белгиларини ўзида бирлаштирган тартибот мавжуд бўлмаган эди»<sup>100</sup>.

Булар глобализмнинг, хусусан, иқтисодий ривожланиши деярли бир хил бўлган мамлакатларнинг бир қутбли дунёдан кўп қутбли дунёга ўтиш жараёнида ўзаро боғлиқлиги ортиб боришидир. Миллий хавфсизликка таҳдидларнинг янги шакл ва турлари пайдо бўлиши сиёсий экстремизмнинг, шу жумладан миллатчилик, диний таълимотлар асосида ўсиб бориши, наркотик моддалар айланишининг кучайиши, беқарор сиёсий ва иқтисодий тизимни бошдан кечираётган давлатларнинг кўпайиши кабилар ҳам янги дунё тартиботидаги ўзгаришларга киради.

Бу даврда халқаро меҳнат тақсимоли кенгайиб, меҳнат миграцияси жадаллаша бошлади, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, шу билан бир вақтда, маҳсулотни сотиш учун бозорларни эгаллаш борасида рақобатли кураш ҳам кучайди. Шунингдек, дунёдаги етакчи мамлакатларнинг минерал хомашё ва энергия захиралари учун кураши ҳам кескинлашди.

Бу ҳолатни ғарб назариётчилари жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ғарб мафқурасининг ютуғи, демократик оламнинг деярли ярмини даҳшатга солиб турган советлар устидан ғалабаси сифатида баҳолаб, «тарих хотимаси» дея шошилинч хулоса чиқардилар.

Етакчи хорижий экспертларнинг таърифлашича, «коммунизмнинг таназзули ва бир қатор коммунистик мамла-

<sup>100</sup> Киссинджер Г. Дипломатия / Пер. с англ. В. В. Львова. – М.: Ладомир, 1997. – С. 18.

катлардан тортиб учинчи дунё мамлакатларига қадар барча давлатларда либерал-демократик сиёсий ғояларининг тарқалиши айрим тадқиқотчиларнинг янги глобал демократия даври бўсағасида турганимиз ҳақидаги фаразни илгари суришларига асос берди»<sup>101</sup>. Аммо собиқ СССР худудида расмий коммунистик мафкура ҳамда яққа мафкурачилик таназзулга юз тутиши билан янги таълимотлар ва қарашларни бетартиб ҳолда излаш бошланди. Илгари тақиқланган, шу жумладан айирмачиликни тарғиб этувчи ғоялар ҳам юзага чиқди. Миллатчилик ва диний фундаментализм қарашлари энг хатарли ғояларга айланди. Булардан айримлари сиёсий курашни кучайтириб юбориб, баъзи мамлакатларда айирмачилик ва фуқаролик урушларига олиб келди. Ушбу мамлакатлардаги оғирлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий аҳвол вазиятни янада чигаллаштиради. Ижтимоий кескинлик, жиноятчилик, ўтиш давридаги жамиятнинг низолашувга мойил кучларига мадад бериб турган янги сиёсий элита-ларнинг мавқеи ортиб борди.

Буларнинг бари собиқ СССРдан қолган маконгагина хос эмас эди. Тадқиқотчи М. Лебедева таъкидлаб ўтганидек, XX аср охири ва XXI аср боши «кутилмаган», «тушунарсиз», «изоҳлаш қийин» бўлган бир қатор ҳодисалар билан бирга кечди. Булар қаторига Совет Иттифоқи ҳамда дунёнинг икки қутбли тизими тўсатдан таназзулга юз тутиши; Европада содир бўлиши кутилмаган қуролли можароларнинг ривожланиши; «Ал-Қоида»нинг кутилмаган террорчилик ҳаракатлари; глобализмга қарши кучларнинг бош кўтариши; Осиё ва Африка мамлакатларидан келган кишилар томонидан Франция, Германия ва бошқа Европа мамлакатларида уюштирилган қирғинлар; турли мамлакатларда айирмачилик, миллатчилик ва фундаментализмнинг ўсиши кабиларни киритиш мумкин»<sup>102</sup>.

<sup>101</sup> Теория международных отношений на рубеже столетий / Под ред. К. Буса и С. Смита; Пер. с англ. / Общ. ред. и предисл. П. А. Цыганкова. – М.: Гардарики, 2002. – С. 362.

<sup>102</sup> Лебедева М. М. Мировая политика в XXI веке: акторы, процессы, проблемы. – М.: МГИМО(У), 2009. – С. 10.

Мунозараларда ҳамда ташқи сиёсатга оид қарорлар қабул қилишда либерал ёндашувларнинг устуворлиги можароли вазиятларни бартараф этишда, жумладан геосиёсий мақсадларга эришишда куч ишлатиш усулларига урғу берадиган реалистик ёндашувга алмашди.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларининг зиддиятли манфаатлари халқаро муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги тўсиққа айланди. Ўз навбатида, манфаатдорлик даражаси ёки тегишли дипломатик жараён музокаралар иштирокчиси бўлган мамлакатларнинг заиф ёки аксинча, етарлича қудратли салоҳияти натижаси бўлиши мумкин. Ушбу ҳолат ўзаро дипломатик муносабатларда нотенгликни келтириб чиқариб, ён беришни мураккаблаштиради ва муаммоларнинг номутаносиб ечимига олиб келади.

Иқтисодий муносабатлар ва ҳарбий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда ҳам кучларнинг нотенглиги, умуман, манфаатларнинг мос келмаслиги ҳаракатларни дипломатик йўллар билан уйғунлаштириш ва муаммони ҳал қилишда қийинчиликлар келтириб чиқаради. Бу эса муаммонинг томонларга зарар етказадиган жиҳатларини кучайтириши мумкин. Кўпинча нафақат манфаатларнинг мос келмаслиги, балки кучларнинг нотенглигини сақлаб туриш бўйича мақсадлар ва унинг оқибати сифатида ташқи сиёсатдаги айрим субъектларнинг ҳукмрон ҳолати ҳам бундай аҳволнинг сабаби бўлади. Айрим мамлакатларнинг бошқа мамлакатлар устидан мутлақ устунлигини таъминловчи ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда ҳукмрон мақомга эришиши ёки уни сақлаб туришга интилиши халқаро муносабатлар ривожининг боришини белгиловчи муҳим омиллигича қолмоқда<sup>103</sup>.

Дунёдаги кучларнинг геосиёсий жойлашувига доимий таъсир кўрсатиб келаётган йирик давлатларнинг сиёсий нафсонияти дипломатия усулларига зарар етказмоқда, улар ташқи сиёсатни зўрликка асосланган усулларда юритишга қайтиш тарафдори бўлиб чиқмоқдалар. Таҳдидларни

аниқлаш, куч ишлатиш ва адолатли ҳакамлик қилиш борасидаги глобал ролга даъвогарлик қилаётган давлатлар халқаро тинчлик ва сиёсий ҳамкорликка катта эҳтиёж бўлиб турган бир вақтда ўз манфаатларини илгари сурмоқда. Бундай ёндашув сиёсий жиҳатдан асоссиз бўлишидан ташқари, иқтисодий жиҳатдан хатарли ҳамдир. У қарама-қаршилик ва зиддият келтириб чиқаради. Шу боис давлат янада адолатли ва тарқоқ дунёда қолади<sup>104</sup>.

Давлатларнинг қарама-қаршилиги иккала томондан турли баҳоналар билан озиқлантириб туриладиган чекланган доирадаги можаролар пайдо бўлишига олиб келади. «Бу эса на республиканизм, на демократизм, на либерализм империяпарастлик хатти-ҳаракатидан қутқара олмаслигини ҳамда мамлакатнинг сиёсий-ҳуқуқий мақоми ва ташқи сиёсий курси ўртасида радикал узилиш бўлиши мумкинлигини яна бир бор тасдиқлайди»<sup>105</sup>.

Умуман олганда, ташқи сиёсатдаги мафкуравий сабаблар ҳамда сиёсий мақсадларнинг аҳамияти давлатнинг иқтисодий мақсад ва манфаатлари аҳамиятидан камайганлигини қайд этиш мумкин. Давлатнинг иқтисодий мақсад ва манфаатлари билан фақат миллий хавфсизлик манфаатлари рақобатлашиши мумкин бўлиб қолди. Хусусан, бу чуқур ички давлат инқирози ҳолатига дуч келган ёки беқарорлиги давлат чегарасидан чиқиб кетиши, минтақавий муаммога айланиши мумкин бўлган давлатлар қўшни давлатлар учун мана шундай ҳолга тушиб қолдилар.

Учинчи омил Ўзбекистоннинг геосиёсий жойлашуви ва минтақавий хусусиятларини инобатга олади. Геосиёсий жойлашув деганда, аввало, мамлакатнинг қулай транспорт коммуникацияларига эгаллиги, муҳим минерал хом ашё ва энергетика захиралари мавжудлиги тушунилади. Шунингдек, нафақат аҳолининг ўсиши билан, балки давр талаби даражасида билим олиш имкониятлари, илмий-техник ва

<sup>104</sup> Баталов Э. Я. Человек, мир, политика. – М.: Научно-образовательный форум по международным отношениям, 2008. – С. 268–269.

<sup>105</sup> Баталов Э. Я. Человек, мир, политика. – М.: Научно-образовательный форум по международным отношениям, 2008. – С. 268.

<sup>103</sup> Экономическая дипломатия в условиях глобализации / Под ред. Л. М. Капица. – М.: МГИМО (У), МИД РФ, 2009. – С. 14–15.

ишлаб чиқариш салоҳияти, бой маънавий, маданий, тарихий илдизлари билан ажралиб турувчи демократик салоҳият даражаси ҳам муҳим белги ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик, демократик ислохотлар ҳамда бозор ислохотларининг оғишмай амалга оширилиши, минтақавий хавфсизлик тизимини барпо этишда республиканинг фаол иштирок этиши, кенг иқтисодий ҳамкорлик ва экологик муаммоларни ҳал қилишга интилиш каби хусусиятларни ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди.

Денгиз йўлларида олислик республиканинг ташқи савдо алоқаларини мураккаблаштирди, чунки экспорт қилинадиган моллар денгиз портларидан бирига етиб бориши учун камида иккита давлат чегарасини кесиб ўтиши лозим эди. Айрим маълумотларга қараганда, ўзбек импортининг транспорт харажатлари (бир контейнерни ҳисобга олганда) Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари импортчиларининг чиқимларидан деярли 3 марта ортиқ, экспорт соҳасида эса бу кўрсаткич 2,5 марта кўп. Таққослаш учун: Туркия, Эрон, Хитой экспортчиларининг сарф-харажатлари ўзбек экспортчилариникидан тегишлича 3, 4, 6 марта камдир<sup>106</sup>.

Сув ва ер захираларининг чеклангани, улкан ҳудудда номақбул экологик вазият юзага келганлиги, бу ерда йирик мамлакатлар ва сиёсий кучлар манфаатларининг тўқнашуви, кескинлик ўчоқлари ва наркотик моддалар айланишининг манбаига яқинлик ҳам Ўзбекистон учун салбий омиллар сирасига киради.

Ижобий омиллардан бири Ўзбекистон замини турли фойдали қазилма захираларига бойлигидир. Мамлакат мустақилликка эришгач ер ости табиий бойликлари Ўзбекистон мулкига айланди, ўзбекистонликлар манфаатларига хизмат қиладиган бўлди.

Маълумотларга қараганда янги аср бошига келиб, Ўзбекистонда 1800 дан ортиқ [амалдаги] ҳамда тахминан

<sup>106</sup> Полюса роста узбекской экономики. Какими им быть? // [www.centrasia.ru/newsA.php?st=1298616660](http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1298616660).

1000 га яқин истиқболли қазилма бойликлари мавжудлиги аниқланган бўлиб, 118 турдаги минерал хомашёдан 65 тури ўзлаштирилмоқда. Ўзбекистон ҳудудида 1500 дан ортиқ кон аниқланган, шу жумладан, 188 та нефть, газ ва конденсат, 48 та нодир, 43 та рангли, ноёб ва радиоактив металл, 5 та қора металл, 3 та кўмир, 37 та тоғ-кон рудаси, 22 та тоғ-кон кимё ва 30 та рангдор тош хомашёси, 525 та турли қурилиш материаллари конлари ҳамда 357 та чучук ва минерал ер ости сув манбалари мавжуд<sup>107</sup>.

Шундай бўлса-да, бу ерда йирик мамлакатлар манфаатларининг тўқнашуви, уларнинг бу минтақага қизиқиши асосий геосиёсий хатар ҳисобланади. Хусусан, мамлакат мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолишга қаратилган саъй-ҳаракатлар замонавий Ўзбекистон дипломатиясининг асосий вазифасига айланди. Шунинг учун Ўзбекистон барча манфаатдор давлатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатишга, жумладан Россия ёки АҚШга қарши шаклланаётган блоklarга қўшилмасликка ҳаракат қилди.

Мустақил Ўзбекистон дипломатиясининг муҳим йўналишларидан бири жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини зарур захираларни ишга солиш ва экологик муаммоларни ҳал қилишга қаратишдан иборат бўлди. Бунда мамлакатимизнинг Орол денгизи қуриши сабабли экологик ҳалокат даражасига етган ҳудудда жойлашгани ҳам инobatга олинди. Бундай ҳолат халқаро ҳамжамият эътиборини мазкур муаммони ҳал қилишга жалб қилиш, Орол денгизини қутқариш, ижтимоий ва бошқа хавф-хатарларни бартараф этиш учун тегишли дастурлар ишлаб чиқиш борасида фаол дипломатик иш юритиш заруратини келтириб чиқарди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги ўрни туфайли унинг ривожланиши учун бир қатор ижобий жиҳатлар ва объектив омиллар мавжудлигини

<sup>107</sup> Ўзбекистон Республикасида агроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида миллий маъруза – 2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил) – Т.: Chinor ENK, 2008. – Б. 98.

ҳам таъкидлаш жоиз. Аввало, бу қўшни давлатлар халқлари билан тарихий, лисоний (тилга оид), маънавий ва ментал жиҳатдан умумийликдир. Иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги ўзаро яқин бошланғич шароитлар ҳам шулар жумласига киради. Таҳдидлар ҳам ҳудуддаги мамлакатлар учун бир хил бўлиб, уларни англаш асосида умумий минтақавий манфаатларни шакллантириш эҳтимолини ҳам ҳисобга олиш керак.

Бинобарин, минтақадаги барча давлатларнинг ташқи сиёсатини ислоҳ қилишга мажбур этадиган омиллар мавжуд. Аммо янги аср бошига келиб ушбу омиллар давлатлараро можаролар келтириб чиқара бошлади. Бу, масалан, Амударё ва Сирдарёнинг юқори ва қуйи қисмида жойлашган мамлакатларда сувдан фойдаланиш тартиботи ҳар хил бўлганлиги билан боғлиқ. Хусусан, сув ўзанининг юқорисида жойлашган давлатлар – Қирғизистон ва Тожикистон – учун қишда ўта зарур бўладиган энергетика танқислиги муаммосининг ечимини топиш устувор ҳисобланса, дарёларнинг қуйи ўзанида жойлашган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон учун баҳор ва ёз фаслларида сувга эҳтиёжнинг ортиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш муҳим. Бундан ташқари, минтақада қазиб олинган, асосан энергетик захиралар ҳам нотекис тақсимланган. Ушбу барча омиллар мамлакатлар дипломатиясининг диққатини юзага келаётган зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этиш орқали минтақада барқарорлик ва ривожланиш учун шароит яратишга қаратишни талаб этмоқда.

Қўшни давлатлардаги вазият, ушбу омиллар билан бирга, минтақавий дипломатияни алоҳида йўналиш сифатида ажратиб олиш заруратини юзага келтирди<sup>108</sup>. Минтақавий дипломатиянинг асосий мақсади минтақада хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий муаммоларини ҳал қилишга мамлакатлар ёндашувини имкон қадар яқинлаштиришдир. Чуқур англаш ва келишилган минтақавий манфаатларга асосланган, минтақавий бирлашув ва жипсликка қаратилган дипломатиянинг ривожлантирилиши келажакда ижобий натижа бериши аниқ.

<sup>108</sup> См.: Хидоятлов Г. А. Основы дипломатии. – Т.: УМЕД, 2002. – С. 307.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган барча омиллар мамлакат раҳбарияти учун жаҳон тажрибасини инобатга олган ҳолда, ташқи сиёсатнинг асосий принципларини белгилаб олиш имконини берди. Бу принципларнинг илк кўриниши 1990 йиллар бошидаёқ шакллантирилиб, бугун ҳам кўрсатмалар тариқасида норматив-ҳуқуқий тизимга (биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига) кирган, дипломатия учун асосий принциплар вазифасини ўтаб келмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ташқи сиёсий алоқаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг негизи сифатида қуйидаги асосий принциплар белгиланди<sup>109</sup>: халқаро шерикчилик алоқаларини ҳар томонлама эътиборга олиш асосида миллий манфаатлар устуворлиги таъминланади; халқаро ва давлатлараро муносабатларда умуминсоний қадриятларга устувор аҳамият берилади; Ўзбекистон тинчлик ва хавфсизлик тарафдоридир, унинг ҳудуди ядро қуролидан холи ҳудуд бўлиб қолади ва у тажовузкор блоклар ва иттифоқларга қўшилмайди; ташқи сиёсат ўзаро тенглик, манфаатдорлик ва бошқа мамлакатларнинг ички ишига аралашмаслик принциплари асосида шакллантирилади; ташқи сиёсатда ошкоралик ҳамда мафкуравий ақида ва қарашлардан холилик принципига амал қилинади; давлатнинг миллий ҳуқуқий нормаларига нисбатан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги тан олинади; Ўзбекистон ўзаро ишонч принципига асосланган икки томонлама ва кўп томонлама дипломатик, минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш тарафдоридир.

Айни вақтда, ташқи сиёсатнинг устувор вазифалари ҳам Ўзбекистонда 1991–2016 йилларда амалга оширилган ислохотларнинг умумий беш принциpidан келиб чиққан эди. Булар: ички ва ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан

<sup>109</sup> Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви (ТИВ ЖА). Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «Мустақиллик даври: озода ва обод Ватан» бўлимига тақдим этилган материаллар. 2015 й.

холи қилиш, иқтисодийнинг сиёсатдан устуворлиги, амалга оширилаётган ўзгаришларда давлатнинг етакчилик роли, қонун устуворлиги, ислохотларнинг босқичма-босқичлиги ва изчиллиги, кучли ижтимоий сиёсат эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон ташқи сиёсати, шу жумладан, дипломатияси олдида қатор муҳим ва амалий ечимини кечиктириб бўлмайдиган вазифалар турарди. Асосий вазифа – мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига тезроқ кириб бориши, турли минтақавий ҳамда глобал сиёсий, иқтисодий ва маданий нуфузга эга ташкилотларга аъзо бўлиши, шунингдек аксарият давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилишини таъминлаш эди. Шунингдек, халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг самарадорлигини ошириш, имзоланган битимларнинг амалга оширилишига эришиш, жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистонни бозор ва демократик ислохотлар йўлидан бораётган ҳамда тинчликпарвар мақсадларга эга ишончли ва тенг ҳуқуқли шерик сифатида манфаатли тарзда кўрсатиш лозим эди. Муҳими, юқорида қайд этилган вазифаларни тегишли институционал-ташқилый ишларсиз амалга ошириб бўлмасди.

Ташқи сиёсат стратегиясига мувофиқ халқаро муносабатларда кўп томонлама ва икки томонлама алоқаларда қуйидаги устувор йўналишларга урғу берилди: 1) глобал ва регионал даражада фаолият кўрсатаётган БМТ, МДХ, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, ЮНЕСКО каби халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий ташкилотлар доирасида кўп томонлама фаол ҳамкорлик ўрнатиш; 2) минтақавий доирада, яъни Марказий Осиё давлатлари билан дўстона, қардошлик муносабатларини ривожлантириш, илмий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш; 3) Осиё ва Тинч океани минтақасидаги мамлакатлар билан ташқи алоқалар ўрнатиш, хусусан, Хитой ва Ҳиндистон каби буюк мамлакатлар ҳамда Жануби-Шарқий Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйиш; 4) Ўзбекистоннинг бошқа мусулмон давлатлари билан ҳам ўзаро муносабатларини, шу жумладан кўп томонлама асосда чуқурлаштириш; 5) АҚШ ва Европанинг иқтисодий

ривожланган мамлакатлари билан мустақкам ўзаро фойдали муносабатлар ўрнатиш.

Шу ўринда, жаҳон ҳамжамиятига интеграция жараёнини БМТ каби нуфузли халқаро ташкилотларсиз тасаввур этиб бўлмаслигини алоҳида қайд этиш лозим. Шунинг учун мустақилликнинг илк ойларидаёқ мамлакат раҳбарияти бу ташкилотга киришга интилди ва бу тарихий воқеа 1992 йил 2 март санасига тўғри келди – Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлди. Натижада, мамлакат дипломатик ишининг бутун тизими, шу жумладан халқаро-шартномавий асосларини яратиш ишлари ҳам БМТ Уставига таянган ҳолда амалга оширилди.

Шундай қилиб, юқорида таъкидланган йўналишлар доирасида ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистонда жаҳон сиёсий ва иқтисодий ҳамжамиятига кенг кўламда уйғунлаштириш учун ташқилый-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди ва улар асосида институционал ўзгаришлар юз бера бошлади. Ўзбекистонда Ташқи ишлар вазирлиги тизимини шакллантириш, кадрлар тайёрлаш ва улар самарали амалга оширадиган ташқи сиёсат концепциясини яратиш биринчи даражали вазифа қилиб қўйилди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ҳозирги замон талаблари даражасида ташкил этилиши ва олиб борилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги (1992 йил 25 май) қарори<sup>10</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги (1994 йил 25 февраль) фармони ҳамда шу фармон асосида чиқарилган «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 140-сонли (1994 йил 16 март) қарори<sup>11</sup> алоҳида аҳамият касб этди.

<sup>10</sup> Қаранг: ЎзР МДА. Ф. М-37, 1-рўйҳат, 6-иш, 96–100-варақлар.

<sup>11</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1994. – № 3. – 16-модда.



Мазкур ҳужжатларда Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига: Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг стратегияси, унинг ташқи сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш, шунингдек давлат халқаро фаолияти муаммолари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; халқаро алоқаларни ривожлантириш борасида давлат идораларининг ишини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш; республика ҳудудида хорижий ваколатхоналар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик ва консуллик дахлсизлигига риоя этиш учун шарт-шароит яратиш; Ўзбекистон Республикаси давлат протоколи хизмати ҳужжатларини юриштиш; Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан биргаликда республикада дипломатик ва ташқи иқтисодий хизматлар учун кадрлар тайёрлаш бўйича олий таълим муассасасини яратиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш каби вазифалар юклатилди<sup>112</sup>.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ташқи ишлар вазирлари сифатида Ш.Н.Маҳмудова (1991–1992), У.А.Абдураззоқов (1992–1993), С.С.Сафоев (1993–1993, 2003–2005), С.С.Саидқосимов (1993–1994), А.Х.Комилов (1994–2003, 2012–ҳозиргача), Э.М.Ғаниев (2005–2006, 2010–2012), В.И.Норов (2006–2010) самарали фаолият кўрсатдилар.

«Ўзбекистоннинг жаҳондаги турли мамлакатлар томонидан де-юре ва де-факто (расман ва амалда) эътироф этилиши ҳамда у билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш истаги ўзбек давлати фаолиятининг, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъектига хос бўлган ташқи алоқалар, дипломатик амалиёт сифатидаги буткул янги соҳасини очиб берди. Хорижий мамлакатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси эътироф этилишининг жадал бориши халқаро майдонда Ўзбекистоннинг фаол дипломатик фаолият олиб боришини келтириб чиқарди»<sup>113</sup>. Ташқи алоқаларнинг хорижий идора-

<sup>112</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. Ф. М-37, 1-рўйхат, 6-иш, 96–100-варақлар.

<sup>113</sup> Саидова Л. Правовые основы дипломатической деятельности Республики Узбекистан. – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по

лари, дипломатик ваколатхоналар – Ўзбекистоннинг элчихоналари, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари, миссиялари, консулликлари шакллантирила бошланди<sup>114</sup>.

Ўзбекистон давлатнинг дипломатик ваколатини тартибга солувчи турли халқаро-ҳуқуқий шартномалар ва конвенцияларга фаол қўшила бошлади. Ўзбекистон, хронологик тартибда кўриб чиқиладиган бўлса, МДХ, БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари, ЕХХТ, Парламентлараро Иттифок ва бошқа нуфузли халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга аъзо бўлди.

Иқтисодий дипломатия масалаларини ҳал қилиш ташқи иқтисодий алоқалар учун ихтисослашган идоралар яратиш заруратини юзага келтирди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, иқтисодий соҳада ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш юзасидан дастлабки қадамлар мустақиллик арафасида қўйилган эди. Хусусан, 1990 йил 12 июнда Ўзбекистон Президентининг «**Ўзбекистон ССЖ Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида**»ги фармони эълон қилинган эди<sup>115</sup>. Ушбу қўмита зиммасига хорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш, республика ҳудудида хорижий шериклар иштирокида қўшма корхоналар, уюшмалар, савдо уйлари ташкил этишда, шунингдек ўзаро манфаатли шартларда маданий, спорт, туристик ва бошқа хил алоқаларни йўлга қўйишда кўмаклашиш каби вазифалар юклатилган эди<sup>116</sup>.

1992 йил 21 февралда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-350-сон Фармонида асосан, «**Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо ва хорижий алоқалар** дав-правам человека, 2001. – С. 5.

<sup>114</sup> Мустақиллик йилларида А. Файзуллаев, С. Сафоев, Б. Гулямов, А. Шайхов, И. Иргашев, И. Неъматов, Ш. Ҳамракулов, С. Мирқосимов, О. Эшонов, С. Иноғомов, А. Кадиров, К. Рашидов, Д. Омонов, А. Курманов, Ф. Сиддиқов, О. Усманов, О. Акбаров, А. Кучкаров, О. Эшонов каби яна бир қатор дипломатлар Фавқулодда ва мухтор элчи даражасига эга бўлдилар.

<sup>115</sup> Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1990. – № 2527. – 316-модда. // <http://lex.uz>

<sup>116</sup> Ўша жойда.

лат кўмитаси асосида, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди<sup>117</sup>. Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда республика учун устувор йўналишларни белгилаш асосида давлат ташқи иқтисодий сиёсатини шакллантириш ва олиб бориш; ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ҳаракатларини назорат қилиш; республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш мазкур идоранинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

1994 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг алоҳида топшириқлари бўйича элчилар институти ташкил этилди<sup>118</sup>. Бундан мақсад Ўзбекистон Республикаси Олий раҳбариятининг махсус топшириқлари ва вазифаларини тезкорлик билан амалга ошириш, хорижий давлатларнинг расмий вакиллари билан музокаралар олиб бориш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий йўналишини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ўта муҳим вазифаларни бажариш эди. Бугунги кунда ТИВнинг алоҳида топшириқлар бўйича элчиси сифатида илгари Ташқи ишлар вазиринг биринчи ўринбосари, Россия (2008–2010), АҚШ (2010–2013) ва бошқа давлатларда мамлакатимизнинг Фавқулодда ва мухтор элчиси лавозимларида ишлаган И. Неъматов фаолият юритмоқда<sup>119</sup>.

Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида мустақил сиёсатни амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолиятга хизмат кўрсатиш ҳамда республика валюта захираларидан мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланишни таъминлаш учун 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди<sup>120</sup>.

<sup>117</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1992. – № 4. – 202-модда.

<sup>118</sup> ЎзР МДА. Ф. М-37, 1-рўйхат, 622-иш, 176-варақ.

<sup>119</sup> ТИВ алоҳида топшириқлар бўйича элчиси тайинланди // Ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти // <http://mfa.uz/uz/press/news/2016/09/8371/>

<sup>120</sup> Ражабов Қ., Қандов Б., Шоймардонов И. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б. 276.

Умуман олганда, ўзининг янгилиги сабабли ҳам анчагина мураккаб ишлар амалга оширилди ва булар нисбатан қисқа даврда Ўзбекистонга жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини берган самарали ташқи сиёсат ва дипломатия яратилишига олиб келди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида республика ташқи сиёсатининг аниқ принциплари шакллантирилиб, 1996 йилда «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон **мустақилликнинг илк йиллариданоқ ўз миллий ҳуқуқий тизимини яратиш баробарида, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олиб, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро талабларга риоя этишга тайёрлигини амалда кўрсатди, жумладан БМТ, МДХ, ЕХХТ каби қатор нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди**<sup>121</sup>.

Олиб борилган ташкилий-ҳуқуқий ишлар Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти, жаҳон миқёсидаги жараёнларда фаол иштироки халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланишига, қисқа вақт мобайнида дунёнинг кўплаб етакчи давлатлари билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилишига сабаб бўлди. Жумладан, 1990 йилларнинг ўрталарига келиб Ўзбекистонни 165 та давлат тан олди, уларнинг 130 дан ортиғи билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Тошкентда чет давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг 90 дан зиёд ваколатхонаси аккредитациядан ўтди. Мамлакатимиз 100 дан ортиқ халқаро ташкилотларга тўла ҳуқуқли аъзо бўлди<sup>122</sup>.

2016 йилга келиб бу кўрсаткичлар қуйидагича ўзгарди: Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги дунёнинг 170 га яқин давлати томонидан эътироф этилди, ҳозирда уларнинг 133

<sup>121</sup> Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви (ТИВ ЖА). Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «Мустақиллик даври: озод ва обод Ватан» бўлимига тақдим этилган материаллар. 2015 й.

<sup>122</sup> Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви (ТИВ ЖА). Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «Мустақиллик даври: озод ва обод Ватан» бўлимига тақдим этилган материаллар. 2015 й.

таси билан дипломатик алоқалар ўрнатилган. Бугун республикамизда 44 та хорижий давлат элчихонаси, Европа Иттифоқи делегацияси, дипломатик мақомга эга 3 та савдо ваколатхонаси, хорижий давлатларнинг 11 та ҳукумат ва ҳукуматлараро ташкилоти, 4 та халқаро молиявий ташкилот ваколатхонаси ҳамда 8 та давлатнинг фахрий консуллари фаолият олиб бормоқда. Ўз навбатида, дунёнинг 33 та давлатида Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси, 10 та давлатда Бош консуллик, халқаро ташкилотлар қошида 3 та доимий ваколатхона очилган<sup>123</sup>.

Хуллас, Ўзбекистон дипломатияси халқаро муносабатлар тизимида кузатилаётган асосий тамойилни, яъни унинг ўзгарувчанлигини ҳисобга олишга мажбур эди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий стратегия ва ривожланиш концепциясини мунтазам равишда такомиллаштириб боришни талаб этди. Шу мақсадда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ амалга оширилган норматив ва институционал тадбирлар Ўзбекистон дипломатияси замонавий дипломатияга хос кенг қўламли вазифаларни ҳал қила олиши учун шароит яратди. Бу эса кейинги йилларда мамлакатимизнинг халқаро нуфузи юксалиб боришига замин бўлди.

Дипломатия мавжуд муаммоларни тажриба асосида, миллий манфаатларга ҳамда халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари талабларига таянган ҳолда оқилона ҳал қилишга интиланган тарзда «йўл-йўлакай» шаклланди. XX ва XXI асрлар чегарасида шакллана бошлаган халқаро муносабатларнинг янги тизимига Ўзбекистон тинчлик ва барқарорликка интилаётган икки ва кўп томонлама дипломатияси билан кириб келди ҳамда унда муносиб ўрин эгаллади.

<sup>123</sup> Жўраев Қ. Ташқи сиёсий фаолият соҳасида миллий қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим масалалари // XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: ТошДШИ, 2016. – Б. 8–9.

## 2.2-§. Миллий дипломатияни кадрлар билан таъминлаш муаммолари

Дипломатик фаолиятни кадрлар билан таъминлаш Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар субъекти сифатида шаклланиши ва ривожланиши, дунё давлатлари ва жаҳон ҳамжамияти билан дипломатик муносабатларни ривожлантиришида асосий шарт ва омил бўлди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин, собиқ Иттифоқнинг деярли барча республикаларида бўлгани каби, дипломатик ва консуллик алоқаларини йўлга қўйиш, ривожлантириш, мамлакатнинг миллий манфаатларини хорижда ҳимоя қилиш тажрибаси ва лаёқатига эга ноёб касб эгалари бўлмиш дипломат мутахассисларга эҳтиёжи яққол сезилиб қолган эди. Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юритиш давлат фаолиятининг янги ва амалда қўлланилмаган йўналишларидан бири эди. Яккаҳокимлик тизими шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан-тўғри ва очик чиқиш имкониятидан маҳрум бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий давлат идораларига, етарли дипломатларига ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мутахассисларига, шундай кадрлар тайёрлайдиган биронта ҳам институтига эга эмас эди<sup>124</sup>.

1990 йилларда дипломат кадрларга бўлган эҳтиёжнинг ўта юқори бўлганлигини изоҳлаш учун бу соҳадаги совет даври амалиётига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Хусусан, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги СССРнинг ташқи алоқалар соҳасида иттифоқчи республикаларга ваколатлар бериш тўғрисида 1944 йилда қабул қилинган тегишли қонуни билан таъсис этилганига қарамай, унга ниҳоятда чекланган ваколатлар берилган, кўпинча у протокол хизмати вазифаларинигина бажарар эди. Бу ҳолат ташқи алоқаларга доир идоранинг штат бирлигида яққол ифодасини топган. Масалан, 1944 йилда Ўзбекистон ССРда ташкил этилган Ташқи ишлар халқ комиссарлиги штати 50 кишидан *иборат қилиб*

<sup>124</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 51.

белгиланган бўлса-да, кетма-кет штат қисқартиришлари натижасида 1954 йилга келиб 3 та дипломат-ходим, дипкуррьер, катта бухгалтер, фаррош ва қоровулдан иборат 8 кишилик кичкинагина идорага айланиб қолган эди<sup>125</sup>. Қисқартиришга учраган дипломатлар ё касбини ўзгартиришга, ё бошқа ташкилотларга ишга ўтишга мажбур бўлган. Дипломат кадрлар масаласида бир ёқлама ёндашув шаклланиши натижасида республикамизда дипломатлик фаолияти билан шуғулланадиган ходимлар сони жуда секин кўпайган. Масалан, 1978 йил 1 январь ҳолатига кўра, ходимларнинг штат бирлиги 18 нафарни ташкил этган бўлса<sup>126</sup>, мустақиллик арафасига келиб уларнинг сони атиги 27 нафарга етган<sup>127</sup>.

Мустақилликка эришилганидан сўнг Ўзбекистонда дипломатик фаолият билан шуғулланадиган мутахассислар тайёрлашга давлат даражасида алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бунинг ўзига хос сабаблари бўлган: биринчидан, мамлакатимиз шу вақтга қадар собиқ Иттифоқ таркибида бўлганлиги боис ташқи сиёсатини мустақил белгилай олмаган эди; иккинчидан, республикамиз мустақил ташқи сиёсатга эга бўлмагани учун дипломат кадрлар етиштириш имкон ҳам йўқ эди; учинчидан, мустақиллик йилларида мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциясини чуқурлаштириш, халқаро майдондаги нуфузини кўтариш учун замонавий дипломат кадрларга эҳтиёж тобора ортиб борарди. Айниқса, замонавий талабларга жавоб берадиган профессионал дипломат кадрлар тайёрлаш Ўзбекистонда дипломатик фаолиятни такомиллаштиришнинг устувор йўналишига айланди.

Шу боис, профессионал дипломат кадрлар тайёрлаш, уларда ватанпарварлик туйғуларини шаклланди.

<sup>125</sup> Раҳимбаева Д. В. Ўзбекистонда дипломатия хизматининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1944-2001 йиллар. Ташқи ишлар вазирлиги мисолида). Тарих фан. номз. ... дис. – Т., 2007. – Б. 33.

<sup>126</sup> ЎЗР МДА. Ф. 2037, 7-рўйхат, 38-иш, 1-варақ.

<sup>127</sup> Сайдова Л. Правовые основы дипломатической деятельности Республики Узбекистан. – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2001. – С. 85.

тириш ва мустақамлаш, уларнинг хизматини муносиб баҳолаш, меҳнатини рағбатлантириш масалаларига Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан жиддий эътибор қаратилди. Соҳа тарихида илк бор 1992 йил 3 июлда «Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабалари белгилаш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Унда дипломатик ваколатхоналар бошлиқларига, элчихоналар, миссиялар, халқаро ташкилотлар ва консулликлар ҳузуридаги ваколатхоналар ходимларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги марказий аппарати ходимларига қуйидаги дипломатик мартабалар – фарқловчи даражалар бериш тартиби белгиланди: 1) Фавқулодда ва Мухтор Элчи; 2) Биринчи даражали фавқулодда ва Мухтор вакил; 3) Иккинчи даражали фавқулодда ва Мухтор вакил; 4) Биринчи даражали маслаҳатчи; 5) Иккинчи даражали маслаҳатчи; 6) Биринчи даражали биринчи котиб; 7) Иккинчи даражали биринчи котиб; 8) Биринчи даражали иккинчи котиб; 9) Иккинчи даражали иккинчи котиб; 10) Учинчи котиб; 11) Атташе.

Қонунга биноан, дипломатик мартабалар элчихоналар, миссиялар, халқаро ташкилотлар ва консулликлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналар, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги марказий аппарати ходимларига ижобий аттестацияга, олий маълумотга эга бўлинган тақдирда, уларнинг малакаси, эгаллаб турган лавозими ҳамда иш стажига мувофиқ, шунингдек малака унвонлари ва бошқа фарқловчи белгиларини ҳисобга олган ҳолда изчил тартибда бериладиган бўлди. Бугунга қадар Ўзбекистон дипломатиясига улкан ҳисса қўшган, алоҳида хизматлари билан соҳанинг ривожланишига хизмат қилган баъзи дипломатларимиз турли даражали унвонлар билан тақдирланган.

Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатда кадрлар тайёрлаш, жумладан халқаро муносабатлар соҳасидаги мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш, умуман миллий тараққиёт учун хизмат қиладиган баркамол авлодни етказиш мақсадида таълим тизимини ислоҳ қилишга кири-

шилди. Ана шу мақсадда 1990 йиллар бошида мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш ва энг муҳими, таълим тизимини ислоҳ қилиш учун энг мақбул, шароитимизга мос йўлни танлашимиз кун тартибидаги долзарб вазифалардан бирига айланди. Бунда таълим соҳасида мавжуд ҳолатни, эришилган даражани нафақат сақлаб қолиш, балки ўтиш даврида уни модернизациялаш ҳам бош вазифалардан бири ҳисобланарди.

Мутахассислар фикрига қараганда, Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бошланган таълим соҳасидаги ислохотлар жараёни жаҳонда ва мамлакатимизда тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, учта муқобил йўналишда амалга оширилиши мумкин эди. Биринчи йўналиш «мобилизациялашган йўналиш» деб аталиб, «ёриб чиқиш» стратегиясини назарда тутди. Таълим тизимининг фақат муҳим элементлари сақлаб қолинишини таъминлаб берувчи иккинчи, яъни «минимал» йўналишни танлаш ҳам жамият ривожига таҳдид солиши мумкин эди. Шунинг учун мустақил ривожланишнинг дастлабки босқичида таълим соҳасининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишга, шунингдек нафақат эришилган даражани сақлаб қолиш, балки уни модернизациялаш имкониятини яратиб беришга қаратилган, эҳтиёж ва талабларни қондира оладиган энг мақбул – учинчи йўл танланди. Шундай қилиб, таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон йўли келишув йўналиши эмас, балки ривожланиш ва ўсиш, мувозанатни сақлашнинг янги йўллари қидириш имконини берувчи йўналиш сифатида эътироф этилди ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш сиёсатини босқичма-босқич амалга оширишга киришилди<sup>128</sup>.

Умуман, 1991–2016 йилларда таълим соҳасидаги ислохот икки йирик босқичда ўтказилди. Биринчи босқич 1992 йил ўрталаридан 1997 йил ўрталаригача давом этди. Иккинчи босқич 1997 йил ўрталаридан бошланди.

Биринчи босқичда таълим тизимидаги мавжуд имконият-

ларни сақлаб қолган ҳолда миллий таълим-тарбия тизимига асос солинди. Муҳими, бу даврда таълим соҳасида янгилашни жараёни кузатилиб, кейинги босқич учун шарт-шароит яратилди. Бу борада бажарилган дастлабки ишлар сифатида янги турдаги таълим муассасаларининг ташкил қилиниши, ёшларнинг чет элларда ўқиши йўлга қўйилганлиги, лотин имлосига асосланган янги алифбо жорий этилгани, янги дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилгани, билимни текширишнинг тест усули жорий этилгани ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Иккинчи босқичда таълим соҳасида бошланган ислохот олдинги давр таълим тизимидан ва ўша даврда ўтказилган ислохотлардан губдан фарқ қилиб, тўпланган тажриба асосида мутлақо янги, узлуксиз таълим тизимига асос солинди. Таълим соҳасидаги бу янгилашни асосан совет даврдан қолган мафкуралашган таълим-тарбия сарқитларидан қутулишга, унинг миллий заминини мустаҳкамлашга, таълимнинг бошқарув тизимларини такомиллаштиришга, моддий-техник базасини замон талабларига мослаштиришга, ривожланган демократик давлатлар даражасида малакали миллий кадрлар тайёрлаш тизимига асос солишга қаратилди. Бу ислохотнинг муҳим жиҳати шундаки, кадрлар тайёрлашнинг мактабгача тарбиядан тортиб мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишгача бўлган босқичларни қамраб олувчи ягона узлуксиз миллий таълим тизимини вужудга келтириш вазифаси қўйилди.

1990 йиллар бошида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилган эди. Дастурга кўра, бир қатор ўқув юртарининг мақоми, йўналиши, дастурлари ва ўқитиш услублари ҳам жаҳон стандартларига мослаштириш йўлида ўзгартириб борилди.

Шу пайтгача Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган муҳим ихтисосликлар бўйича махсус олий таълим муассасалари (ОТМ), билим юрлари, академиялар, жумладан Ҳарбий соҳани

<sup>128</sup> Курбанов Ш. Стратегия прорыва // Народное слово. – 2000. – 27 янв.

кадрлар билан таъминлашга қаратилган билим юртлари ва академиялар, Ички ишлар вазирлиги академияси, Банк-молия академияси, Тоғ-кон институти каби ўнлаб янги ўқув масканлари қаторида 1991 йил 15 июлда Тошкент давлат университети шарқ факультети негизида Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 1992 йил 12 майда Тошкент Давлат чет тиллари ҳамда Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтлари негизида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, шунингдек 1992 йил 23 сентябрда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилиши тўғрисида Президент фармонлари чиқди<sup>129</sup>.

Шундай қилиб, олий таълим тизимида ўтказилган ислохотларнинг биринчи босқичида асосан таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, собиқ Иттифоқ даврида шаклланган кадрлар тайёрлаш тизими ва таълим муассасаларини жойлаштиришдаги камчилик ва нуқсонларга барҳам беришга қаратилган эди.

Шу ўринда 1992 йилда ташкил этилган, шунингдек ташқи сиёсий ва иқтисодий ҳамда халқаро муносабатлар соҳаси учун кадрлар етказиб берувчи маскан ҳисобланган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. 1992 йил 23 сентябрда Президент фармонида биноан мазкур университетнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

— халқаро муносабатлар соҳасида етук мутахассислар тайёрлашнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш;

— Университет йўналишига мос турли мактаблар, курслар, семинарлар, методик ва консултатив ишларни ташкил қилиш ва улар фаолиятига хорижий олимлар, мутахассислар ва ишбилармонларни кенг жалб қилиш;

— жаҳон иқтисодиёти ва бизнес, давлатлараро муносабатлар, дипломатия, халқаро ҳуқуқ ва журналистика соҳасида кўп режали тадқиқот ва ишланмалар бўйича илмий марказ-

<sup>129</sup> Тюриков В., Шагулямов Р. По пути независимости: Республика Узбекистан. Люди, события, даты. 1991-2000. — Т.: Узбекистан, 2000. — Б. 173.

лар, кенгашлар, лабораториялар ташкил қилиш ва ҳоказо.

1992 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 526-сон қарори билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг низоми тасдиқланди. Мазкур низомга биноан тўртта йўналиш, яъни халқаро муносабатлар, халқаро ҳуқуқ, халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро журналистика йўналишлари бўйича дипломат кадрлар тайёрлайдиган факультетлар ташкил қилинди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим тизимидаги ислохотларда дипломат кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Бунда таълим мазмуни янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, ўқитишнинг ноанъанавий усуллари яратиш борасида илғор тажрибалар, ўқитишнинг рейтинг усули, табақалаштирилган таълим тизими, яқка тартибда суҳбат-мунозара услубида ўқитиш каби таълим усуллари кенг оммалашди. Шунингдек, таълим соҳасида хорижий мамлакатлар билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Бугунги кунда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида учта факультет, яъни халқаро муносабатлар, халқаро ҳуқуқ ва халқаро иқтисодий муносабатлар факультетлари фаолият кўрсатади. Уларда қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган ишлар олиб борилади:

— жаҳон иқтисодиёти, давлатлараро муносабатлар, дипломатия, ҳуқуқ ва халқаро журналистика соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш;

— худди шундай йўналишдаги чет мамлакатларнинг университетлари билан илмий, маданий ва бошқа амалий алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлаш, улар билан ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида узоқ муддатли шартномалар тузиш;

— мазкур ихтисосликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш, бошқа мамлакатларнинг ўқув юртлари, давлат, жамоат ва хусусий тизимлари, фирмалари, банклари билан ҳамкорлик қилиш; талаба ва ходимларнинг чет элларда малака оширишларини таъминлаш; хорижий мамлакатлар-

нинг элчихоналари, консулхоналари, бошқа ваколатхоналари ҳамда ташкилотлари билан амалий алоқалар асосида халқаро муносабатлар соҳасида кенг ихтисосли мутахассислар тайёрлаш, жаҳон тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш; хорижий олимлар, мутахассислар, ишбилармон кишиларни кенг қўламда жалб этиб, университет ихтисоси бўйича шартнома асосида турли мактаблар, курслар, семинарлар, услубий ва маслаҳат пунктлари ташкил этиш; жаҳон иқтисодиёти ва бизнес, давлатлараро муносабатлар, дипломатия, халқаро ҳуқуқ ва журналистика соҳасида кўп томонлама тадқиқот ва ишланмалар бўйича илмий марказлар, кенгашлар, лабораториялар ташкил қилиш, шу жумладан, шартнома асосида барпо этиш ва ҳоказо. Ўз олдида қўйилган ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда университет кадрларнинг салоҳиятини янада оширишга қаратилган илмий-педагогик фаолиятни янада ривожлантириб борди.

Бунда 1997 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 576-сон қарори билан «Устоз» фонди ташкил этилиши катта аҳамият касб этди. Чунки «Устоз» фонди айнан таълим, биринчи навбатда, олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи профессор ва педагоглардан юқори малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, улар томонидан илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, янги педагогик технологиялар билан танишишни рағбатлантириш учун тузилган эди.

Хусусан, профессор-ўқитувчилар таркибидан юксак малакали кадрлар тайёрлашда яқиндан ёрдам бериш; халқаро ташкилот ва фондлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш; ҳужжат қабул қилиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида ажратиладиган грант талабгорларини танлаб олиш ва белгилаш Фонднинг асосий фаолият йўналишларини ташкил этди. Ушбу жамғарма орқали республиканинг турли босқичдаги педагог кадрлари, шу жумладан, кўплаб ОТМ қаторида ЖИДУнинг профессор-ўқитувчилари таркиби ҳам хорижий давлатлар таълим марказларида тажриба ва малака ошириб келди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ОТМ талабаларининг халқаро ҳамкорлик доирасида иштирок этишига ҳам чуқур эътибор қаратилди. Хусусан, бунда республика «Умид» жамғармасининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этди. Масалан, жамғарманинг 5,5 йиллик фаолияти давомида, яъни 1997 йилдан 2003 йилнинг февраль ойига қадар жами 828 нафар йигит ва қиз жаҳондаги етакчи давлатларнинг ОТМда иқтисодиёт, бизнес ва менежмент, халқаро ҳуқуқ, компьютер фанлари, ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари, қишлоқ хўжалиги, экология ва сув, автомобилсозлик, журналистика, санъат йўналишлари бўйича таълим олишга юборилди<sup>130</sup>. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, хорижнинг нуфузли ОТМда ўқиб келган талабаларнинг 30 фоизи – 242 нафари ЖИДУ ҳиссасига тўғри келган<sup>131</sup>.

Дипломат кадрлар тайёрлаш соҳасида етакчи ҳисобланган университет фаолиятининг дастлабки 13 йили, яъни 1992–2005 йиллар давомида 1740 нафар бакалавр ва 320 нафар магистр ўқишни тамомлаб, давлат идораларида, жумладан ТИВ ва Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида фаолият кўрсатган<sup>132</sup>.

Ўзбекистон университетлари орасида ЖИДУ халқаро ҳамкорлик соҳасида катта тажрибага эга нуфузли ОТМга айланди. Университет дунёнинг етакчи таълим муассасалари ва илмий марказлари ҳамда ЮНЕСКО, КОИКА, ПЕРРЦА, ДААД, КАФЕ, ТАСИС, АЙРЕКС, АКСЕЛС каби халқаро ташкилот ва жамғармалар билан тузилган ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар асосида талаба ва педагогларни ўқитиш, тажриба алмашиш учун қабул қилиш ҳамда ҳамкорлик қилаётган хорижий ОТМга юбориш, чет эл лойиҳалари ва грантларини амалга оширишда кенг иштирок этди. Масалан, С. Сафоевнинг таъкидлашича, биргина 2005 йилнинг ўзида 50 нафар бакалаврият ва икки нафар магистратура талабаси хорижий таълим муассасаларига ўқишга юборилган. Шунингдек, уч

<sup>130</sup> Нормуродова М. «Умид» – Ваган чироғи // Халқ сўзи. – 2003. – 15 фев.

<sup>131</sup> Ўша жойда.

<sup>132</sup> Правда Востока. – 2005. – 28 сент.

нафар аспирант хорижий илмий марказларда диссертация тадқиқоти устида иш олиб борган<sup>133</sup>.

Ҳозирги кунда университет таркибида 200 дан ортиқ профессор-ўқитувчи, 300 нафар университет ходимлари, тўртта марказ, юридик клиника, аналитик форум, дипломатик курслар, академик лицей ва 18 та кафедра фаолият кўрсатмоқда. Университетда саккизта йўналиш бўйича бакалаврият (5 йил) ва магистратура (2 йил) ҳамда учта илмий мутахассислик бўйича докторантурадан иборат уч босқичли таълим тизими амалга оширилмоқда. Шунингдек, университет талабалари еттита тил кафедрасида 13 та хорижий тил бўйича таҳсил оладилар. Университетнинг халқаро алоқалар кўлами ҳам ниҳоятда катта бўлиб, унга кўплаб хорижий мамлакатлар раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари ва давлат котиблари, халқаро ташкилотлар вакиллари ва элчилар ташриф буюрганлар, турли маърузалар билан иштирок этганлар ва бундай ташрифлар мунтазам асосда йўлга қўйилган<sup>134</sup>.

Умуман олганда, мамлакатда дипломатия ва консуллик соҳасида фаолият кўрсатадиган кадрларни тайёрлашга нафақат ЖИДУ, балки Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси (ҳозирда Давлат бошқаруви академияси) ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Зеро, ушбу институт ва тузилмаларда кўплаб таржимонлар, таҳлилчилар, ташқи сиёсат соҳасидаги мутахассислар етишиб чиққан.

<sup>133</sup> Правда Востока. – 2005. – 28 сент.

<sup>134</sup> Universitet haqida // Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг расмий сайти // [www.uwed.uz/uz/pages/about-university-of-world-economy-and-diplomacy](http://www.uwed.uz/uz/pages/about-university-of-world-economy-and-diplomacy)

Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши Шарқ мамлакатлари билан алоқаларни ривожлантириш учун ҳам асос бўлди. Эндиликда мамлакат дипломатиясидан кўп йўналишли асосда, тенг ҳуқуқли ривожланишни ҳисобга олган, ўз жуғрофий жойлашуви ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Корея, араб мамлакатлари, Эрон, Туркия, Афғонистон, Покистон, Малайзия, Индонезия каби кўплаб мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш талаб қилинарди. Аввало, ушбу мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш, савдо-иқтисодий, сиёсий-маданий соҳаларда кенг қамровли ҳамкорлик қилиш ўз-ўзидан уларнинг тили, дини, урф-одатлари ва анъаналарини ўрганишни талаб қилди. Гарчи Ўзбекистонда бу борада катта тажриба тўпланган бўлса-да, мустақилликка эришилганидан сўнгра бу соҳаларни янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мисол учун, 1918 йил Тошкентда ташкил этилган Туркистон шарқшунослик институти Ўрта Осиёдаги шарқшунос кадрлар тайёрловчи илк ва ягона олий ўқув юрти бўлиб, қўшни мамлакатлар учун ҳам шарқшунослик фанининг турли соҳалари бўйича малакали мутахассислар етиштириб берган.

Мазкур билим даргоҳининг тарихига тўхталадиган бўлсак, институт ташкил этилганидан кейинги дастлабки даврларда унда Туркистон ва қўшни хорижий Шарқ мамлакатларининг тарихи, этнографияси, географияси, ўлкашунослиги, ислом тарихи ва мусулмон қонуншунослиги каби фанлар, Шарқ халқларининг тиллари ва адабиётлари ўқитилган. Жумладан, институтда Шарқ тилларидан – араб, форс, хитой, пушту, урду, турк ва маҳаллий тиллардан – ўзбек, тожик, қирғиз, туркман, татар ҳамда Европа тилларидан инглиз, немис ва француз тилларини ўргатиш йўлга қўйилган. Шунингдек, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Шарқий ва Ғарбий Туркистон, Бухоро географияси; ўзбек, қирғиз, форс, тожик, қозоқ, афғон, қорақалпоқ халқлари этнографияси; Ўрта Осиё, Эрон,



Афғонистон, Ҳиндистон ва қадимги дунё тарихи, ислом тарихи, шариат қонунлари каби фанлардан сабоқ берилган. Умуман олганда, талабалардан туркий тиллар, эрон филологияси, арабшунослик ва исломшунослик ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрланган<sup>135</sup>.

Туркистон Шарқшунослик институти 1924 йилда алоҳида факультет сифатида Ўрта Осиё давлат университетига қўшиб юборилган. Факультет фаолияти узоқ давом этмади. 1930 йилга келиб у педагогика факультетига айлантирилди ва 1931 йилда унинг фаолияти батамом тугатилди. Иккинчи жаҳон урушига қадар шарқшунослик таълими узоқ давом этган бўлмаса-да, қисқа вақт ичида мазкур илм даргоҳидан А. К. Боровков, В. В. Решетов, К. Юдахин, И. А. Киссен, Р. Л. Неменова каби таниқли тилшунос олимлар, П. П. Иванов, М. Р. Иванова, М. Массон, В. А. Шиглкин, О. А. Сухарева каби машҳур тарихчи ва этнографлар, Мухтор Авезов, Сотим Улуғзода каби атоқли ёзувчилар ҳамда Д. Г. Вороновский каби бир қанча шарқшунос олимлар етишиб чиқди.

1944 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) қошида қайтадан шарқ факультети таъсис этилди. Фикримизча, бунга 1944 йил 27 сентябрда Ўзбекистон ССРда Ташқи ишлар халқ комиссарлиги тузилгани сабаб бўлган. Факультетда, ўқув режасига кўра, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тарихи ва иқтисоди, тили ва адабиёти ўқитила бошланди. 1947 йили факультет қошида аспирантура ташкил қилинди. Кўпгина ёш мутахассислар собиқ Иттифоқнинг Москва ва Ленинград каби марказий шаҳарларида аспирантурада ўқиб, фан номзоди илмий даражасига эга бўлдилар.

Ўтган аср ўрталаридан факультет кенгайиб, фаолияти такомиллашиб борди. Араб, форс, пушту, ҳинд, урду, хитой, уйғур, турк тиллари билан бир қаторда инглиз, рус ва ўзбек тилларини ўрганишга ҳам катта аҳамият бериб келинди. Талабаларга Шарқ халқларининг мумтоз ва ҳозирги замон ада-

<sup>135</sup> Институтнинг қисқача тарихи // Тошкент давлат шарқшунослик институтининг расмий сайти // <http://tashgiv.uz/institut-haqida/>

биёти бўйича чуқур билим бериш мақсадида 1965 йилда махсус Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси ташкил этилди. Бир оз вақт ўтгач, Ғарбий Европа тиллари кафедраси ташкил қилиниб, факультет бўйича Европа тилларини ўқитиш жараёни таъминланди. Бу орада шарқ тилларини ўқитиш такомиллаштирилиб, талабаларнинг нутқ маҳоратини ўстириш мақсадида факультетга Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, араб мамлакатларидан ўқитувчилар таклиф этила бошланди. Бу ҳол талабаларнинг тилни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта билишларига имкон туғдирди. 1960–1970-йилларнинг ўзида хорижий Шарқ мамлакатларидан 10 нафар мутахассис дарс бериш учун таклиф этилган эди. Ўз навбатида, факультет ўқитувчи ва талабалари ҳам чет мамлакатларга бориб, у ердаги институт ва университетларда ўқиб, малака ошириб қайтдилар.

1990 йилда Тошкент давлат университетининг шарқ факультети негизида Шарқшунослик институти ташкил қилинди. 1991 йил 15 июлда ушбу институт Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан алоҳида тузилма – Тошкент давлат шарқшунослик институтига айлантирилди.

Республикамизнинг замонавий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда институтда шарқшунослик соҳасидаги турли ихтисослик ва йўналишларнинг доираси янада кенгайтирилди. Институт факультет бўлган даврда мутахассислар фақат филология, тарих ва иқтисод бўйича тайёрланган бўлса, ҳозирга келиб бу ўқув масканида 12 мутахассислик бўйича таълим берилади. Факультетда дастлаб 7 та кафедра фаолият кўрсатган бўлса, 2016 йилга келиб уларнинг сони 28 тага етди<sup>136</sup>.

Халқаро муносабатлар соҳасида кадрлар тайёрлашга ихтисослашган ушбу ОТМда ҳам илк ташкилий жараёнлар қийин кечди. Бу ҳақда кўп йиллар давомида Туркия, Англия ва БМТда дипломатик хизматда бўлган республи-

<sup>136</sup> Институтнинг қисқача тарихи // Тошкент давлат шарқшунослик институтининг расмий сайти // <http://tashgiv.uz/institut-haqida/>

камизнинг етук мутахассисларидан бири Анвар Қосимов қуйидагиларни баён этди: «1991 йилда институт ташкил этилиши билан «Халқаро муносабатлар» кафедрасини очдик. Шу соҳага оид мамлакатнинг бошқа олийгоҳлари каби бизда ҳам «Дипломатия асослари», «Халқаро ҳуқуқ», «Халқаро муносабатлар тарихи», «Дипломатик ва консуллик хизмат» каби янги ўқув фанлари киритилди. Деярли йўқ жойдан ўқув-услубий ва методик қўлланмалар, дарсликлар яратила бошланди. Ўқитувчилар етишмаганидан айрим ҳолларда педагогик амалиётга эга бўлмаган соҳа мутахассисларини таълим жараёнига жалб этишга мажбур бўлдик»<sup>137</sup>.

Тошкент давлат шарқшунослик институти ташкил этилгач, араб, форс, дарий, ҳинд, урду, хитой ва уйғур тиллари билан бир қаторда япон, корейс, турк тиллари ва адабиёти ҳам ўқитила бошланди. Ҳозирги кунда институтда 20 тадан ортиқ тил ўргатилмоқда. Институт катта илмий ва кадрлар базасига эга бўлиб, унда етишиб чиққан кўплаб мутахассислар нафақат собиқ совет даврида, балки бугунги кунда ҳам мамлакатимиз ташқи сиёсий ва дипломатик соҳасида фаолият юритмоқдалар. Улар ичида Афғонистон, Эрон, Араб давлатлари, Хитой сингари мамлакатларда фаолият олиб борган ва бугунги кунда фаолият юритаётган кўплаб тажрибали дипломатларни мисол сифатида келтириш мумкин<sup>138</sup>.

Шунингдек, ушбу ўқув даргоҳини тамомлаган мутахассислар бугун қатор Европа давлатларида ҳам элчилик лавозимида меҳнат қилмоқда. Бир вақтнинг ўзида нафақат турли хорижий тилларни, балки зарур сиёсий билимларни эгаллаганликлари боис ушбу институтни тамомлаган мутахассисларнинг кўпчилиги халқаро муносабатлар, ташқи сиёсат ва дипломатия соҳасида, халқаро иқтисодий муносабатларда, бизнес тузилмаларда, Ўзбекистонга инвестиция олиб кирган

<sup>137</sup> Маълумотлар А.М. Қосимов билан бўлган суҳбатдан олинган.

<sup>138</sup> Бугунги кунга қадар Тошкент давлат шарқшунослик институтидан ўнлаб элчилар етишиб чиққан, айни вақтда институтни тамомлаган 6 нафар халқаро муносабатлар бўйича мутахассис мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлардаги элчиси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

халқаро иқтисодий институтлар, компания, ваколатхона ва фирмаларда самарали фаолият олиб бормоқдалар.

Маълумки, таҳлилий фаолият (аналитика) соҳаси ҳар қандай мамлакат дипломатиясида ўта муҳим ўрин тутаети. Зеро, таҳлил қилиш қобилияти дипломат ишининг самарадорлиги ва муваффақиятини таъминлайдиган асослардан биридир. Бугунги дунёнинг тараққиёти ва шиддати ҳар бир дипломатдан ўта кучли таҳлилчиликни талаб қилиши ҳеч кимга сир эмас. Бу борада ҳам мамлакатда жуда салмоқли ишлар амалга оширилган бўлиб, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус Фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳам мамлакатимиз учун замонавий дипломат кадрлар тайёрлашга, уларнинг таҳлилий билим ва кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратаётган ташкилотлардан биридир. Мазкур институтда ишлаган ва зарур билимларга эга, таҳлилий салоҳияти юқори бўлган кадрлар Ташқи ишлар вазирлигида, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги элчихоналарида, хаттоки элчилик даражасида ҳам фаолият кўрсатаётганлигини таъкидлашимиз жоиз<sup>139</sup>.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти ва хўжалигига кенг интеграциялашуви ўз-ўзидан дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан муносабатлар ўрнатиш ва уларни ривожлантиришни талаб қилади. Бунинг учун инвестициявий шароит билан бирга, тегишли кадрлар ва таржимонларга ҳам эҳтиёж сезилади. Зеро, хорижий тилларни чуқур ўрганиш бошқа халқлар билан алоқаларни ривожлантиришнинг энг муҳим омилдир. Мамлакатимизда ушбу омилларнинг ўз вақтида англаб етилиши туфайли 1992 йил 12 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 401-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 15 июндаги 280-сонли Қарори ҳамда 1992 йил 18 июндаги Ўзбекистон Республикаси Олий

<sup>139</sup> Мисол учун, ушбу ташкилотнинг директори лавозимида ишлаган А. Саидов Ўзбекистоннинг Франциядаги Фавкуллода ва мухтор элчиси сифатида фаолият юритган бўлса, ушбу ташкилотда бир неча йил фаолият юритган Д. Қурбонов Ўзбекистоннинг ХХРдаги Фавкуллода ва мухтор элчиси лавозимида ишлади.

ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг 214/182- сонли қўшма буйруғи асосида Республика рус тили педагогика институти ва Тошкент давлат педагогика институти негизида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ташкил этилди<sup>140</sup>. Бугунги кунда ушбу ўқув юртида гарчи тўғридан-тўғри дипломат кадрлар етиштирилмаса-да, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари учун таржимонлар, Ўзбекистоннинг ташқи алоқалари ва савдо муносабатлари, халқаро ҳамкорлиги, бизнес тузилмалари, «Ўзбектуризм», маданий дипломатия учун мутахассислар, пресс-атташелар, таржимонлар ва бошқа мутахассислар тайёрламоқда. Айниқса, халқаро журналистика соҳасида ўқиган мутахассислар Ташқи ишлар вазирлигининг «Жаҳон» ахборот агентлиги учун мухбир ва журналистлар етказиб бермоқда. Улар, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини юксалтиришга қаратилган тадбирлар ўтказиш ва ахборот материаллари тайёрлашда фаол иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатиясини ривожлантириш, ушбу соҳада хизмат қиладиган кадрларни тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини ошириш ва баҳолаш бўйича ҳам мамлакатда кенг миқёсли ислохотлар олиб борилди. Бундай ишлар қаторига Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги элчиларини тасдиқлаш, уларнинг ҳисобот ва режаларини тинглаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатлари доирасига кириши белгилаб қўйилди.

Бундай ваколатнинг Сенатга берилиши, бир томондан, Ўзбекистонда демократик ислохотларнинг чуқурлашуви ва Олий Мажлис ваколатларининг тобора ортиб бориши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ваколатларини Сенатга беришга қаратилган ислохотлар билан ҳамоҳанг амалга оширилишини аниқлатса, иккинчи томондан, энди ҳар бир элчи ёки дипломатик иш билан шуғулланадиган мансабдорнинг фаолияти халқ вакиллари

<sup>140</sup> Universitet haqida // Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг расмий сайти // <http://uzswlu.uz/pages/view/129>

олдида ҳисобот бериши орқали баҳоланишини аниқлатади. Энди дипломат кадрларнинг хорижий мамлакатларда мамлакат учун бажарган ишлари баҳоланади ва мониторинг қилинади, уларнинг кейинги фаолияти Сенат берган баҳога қараб белгиланади.

Бу борада олиб борилган самарали ислохотларнинг яна бири Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг Олий Мажлис Сенати олдида ўз фаолияти борасида ҳисобот беришидир. Ушбу ҳисобот мамлакат ташқи ишлар вазири Олий Мажлис Сенатида вазирлик фаолияти, дипломатик корпус ва консулликлар томонидан амалга оширилган вазифалар, йўл қўйилган камчилик ва хатолар, ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларини амалга оширишнинг вазифалари, эришилган ютуқлар тўғрисида ҳисобот беради. Сенаторлар томонидан берилган саволларга жавоб бериш билан бир қаторда, Сенат томонидан унинг фаолияти баҳоланади ва мониторинг қилинади. Бундай ислохотларнинг амалга оширилиши эса дипломат кадрларнинг салоҳиятини баҳолаш учун янги имкониятлар яратади.

Ўзбекистон дипломатиясининг асосий вазифаси мамлакатнинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлаш, унга нисбатан ташқи томондан бўладиган хавф-хатар ва таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестиция ва сармояларни жалб қилиш, хорижий мамлакатлар билан ўзаро тенг ва ишончли шерикчиликни мустаҳкамлаш, халқаро муносабатлардаги ҳар қандай чигалликни дипломатик йўл билан ечиш салоҳиятига эга бўлиш каби вазифалар қўйилган экан, буларнинг барчаси яна ва яна кадрларнинг салоҳияти, масъулияти, ватанларварлиги ва фидойилигига боғлиқ бўлиб қолаверади.

Мамлакатнинг барча соҳалардаги ютуқлари, имкониятларини, ишлаб чиқариш соҳасини хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилишни ҳам бугунги дипломат кадрларнинг энг муҳим вазифалари қаторига киритиш мумкин. Ўзбекистон маҳсулотлари экспортини кенгайтириш мақсадида мена-

сабзавот, тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, автомобиллар ва бошқа техника воситаларини хорижий мамлакатлардаги харидорларга таклиф қилиш ва кенг реклама қилиш борасида тизимли ишларни амалга ошириш ҳам дипломат кадрларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон давлати томонидан олиб бориладиган ташқи сиёсатнинг асосий мазмунини ҳам бугун кўпроқ иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестиция, туризм ва илмий-техникавий, маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари ташкил қилаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Зеро, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов таъкидлаганидек, «ўтган йил сентябридан ҳозирги вақтгача бўлган давр мобайнида олий даражада 12 та ташриф ташкил этилди ва ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон, Қозоғистон, Россия ва Хитойга буюрган ташрифлари беҳад самарали бўлди. Уларнинг якуналари бўйича 37,7 миллиард АҚШ доллари ҳажмига тенг 239 та шартнома ва битимлар имзоланди. Умуман олганда, ўтган 9 ой давомида имзоланган савдо-сармоявий битимлар ва шартномаларнинг умумий сони 320 дан зиёдни, маблағ ҳажми бўйича 44 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Уларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида 13 мамлакат билан амалий ҳаракатлар режалари («йўл хариталари») тасдиқланди»<sup>141</sup>.

Демак, мамлакатда дипломат кадрларнинг салоҳиятини юксалтириш, уларнинг давлат тараққиёти йўлидаги иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш масаласи ҳам доимо замон талаби бўлиб қолаверган. Гарчи, қанчалик кўп олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот марказлари, академия ва мактаблар ташкил қилинмасин, барибир, замонавий кадрларга бўлган эҳтиёж юқорилигича қолаверади.

<sup>141</sup> O'zbekiston Tashqi ishlar vaziri Abdulaziz Kamilovning O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Senati yalpi majlisidagi nutqi (Toshkent shahri, 27-may 2017y.) // Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти // <http://mfa.uz/uz/about/speech/2017/05/11127/>

Лекин, мамлакат раҳбарияти томонидан олиб борилган самарали ташқи сиёсат ҳам дипломатиянинг тараққиётига, дипломат кадрларнинг билим ва кўникмалари, салоҳияти, тажрибаси ошишига таъсир кўрсатадиган асосий омилга айланади.

Гарчи бугунга қадар кўплаб дипломатик масалалар самарали ҳал қилинган бўлса-да, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, салоҳиятини юксалтириш борасида айрим муаммолар сақланиб қолмоқда. Дипломатик фаолият билан шуғулланадиган кадрларга доимо энг катта талаблар қўйилишига қарамай, уларнинг фаолияти маълум бир даража ва соҳалар билан чекланиб қолаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири томонидан ушбу муаммолар тизимли тарзда қуйидагича кўрсатилди:

1) жамоа бошқарилишининг паст даражаси ва чет эл сармояларини жалб этиш ҳамда ташқи бозорларда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича тўғридан-тўғри вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ходимларга нисбатан талабчанликнинг йўқолгани;

2) ваколатхона фаолият кўрсатаётган бизнес доиралари билан алоқаларни йўлга қўйиш, қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш ишларининг қониқарсиз аҳволдалиги;

3) ваколатхона фаолият кўрсатаётган давлатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ривожланишининг тамойиллари ва суръатлари, шунингдек мамлакат ташқи иқтисодий сиёсати устуворликларининг самарали таҳлил тизими ва доимий мониторинги йўлга қўйилмаганлиги<sup>142</sup>.

Буларнинг барчасига асосий сабаб эса савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилар чет эл сармояларини жалб этиш ва мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишнинг

<sup>142</sup> O'zbekiston Tashqi ishlar vaziri Abdulaziz Kamilovning O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Senati yalpi majlisidagi nutqi (Toshkent shahri, 27-may 2017y.) // Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти // <http://mfa.uz/uz/about/speech/2017/05/11127/>

## Боб бўйича хулоса.

Миллий дипломатиянинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнига таъсир кўрсатган эндоген ва экзоген омиллар, яъни замонавий ташқи сиёсат ва дипломатия соҳасида, айниқса совет даврида тўпланган тажриба; глобаллашув жараёни таъсирида халқаро муносабатлар тизимида янги дунёвий тартибга ўтилиши; совет давлатининг парчаланиши оқибатида қалқиб чиққан минтақавий муаммолар миллий дипломатиянинг оёққа туриши жараёнида тобланишига сабаб бўлди.

Ташқи сиёсатга асос қилиб олинган принциплар Ўзбекистонга нисбатан қизиқишнинг кучайиши жараёнида дипломатияни ошқора ва оддий қилиб шакллантирди. Бу иқтисодий ва сиёсий манфаатларни ҳамда миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш жараёнида вужудга келди, БМТ, МДХ, ЕХХТ каби нуфузли ташкилотлар доирасида фаол қатнашиш имконини берди. Буларнинг барчаси мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига изчил ва ҳар томонлама дадил кириб боришига, Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, фан, маданият, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорлик қилиши учун имкон яратди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб кадрлар тайёрлашга, жумладан дипломатия соҳасида мутахассислар етиштиришга жиддий эътибор қаратилиши натижасида Ўзбекистонда қатор янги олий таълим муассасалари ташкил этилди. Улар орасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институти алоҳида нуфузга эга бўлиб, улар зиммасига жаҳон иқтисодиёти, давлатлараро муносабатлар, дипломатия, халқаро ҳуқуқ ва халқаро журналистика соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклатилди. Бунда ўқув жараёнига республика ва чет эл олимлари, мутахассислари, ишбилармон кишиларининг кенг миқёсда жалб қилингани соҳада кадрларни тайёрлаш ишига ижобий таъсир этди.

уддасидан чиқа олмаётгани, уларнинг касбий тайёргарлик даражаси етарли эмаслиги, хорижий шериклар билан музокаралар олиб бориш бўйича амалий тажрибаси етишмаслиги, ахборот-таҳлил материалларини тайёрлай олмаслиги ҳамда хорижий тилларни билиш даражасининг пастлигидир<sup>143</sup>.

Юқорида қайд этилган муаммоларга қарамасдан, таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилган изчил сиёсат ва ислохотлар туфайли мамлакатда, аксарият соҳаларда бўлгани каби, дипломат кадрлар тайёрлашда ҳам салмоқли ютуқларга эришилди. Муҳими шундаки, деярли нолдан бошлашга тўғри келганига қарамай, зарур норматив ҳужжатлар қабул қилиниши ва тегишли институционал тузилмаларнинг шакллантирилиши тарихан қисқа вақт – чорак аср давомида халқаро муносабатлар соҳасида кадрлар бўшлигини тўлдиришга эришилди ва бунда мутахассисларнинг сифат даражасига алоҳида эътибор берилди.

Бу борада россиялик эксперт Александр Князевнинг Ўзбекистонда мустақиллик йилларида халқаро муносабатлар соҳасида фаолият кўрсатувчи кадрлар тайёрлаш масаласида билдирган қуйидаги фикрларини келтиришимиз жоиз: «Ўзбекистонда янги авлод кадрлари ўсиб келаётганини таъкидлаб ўтган бўлардим. Мамлакатнинг ички тузилмалари учун бошқарув кадрлари тайёрлаш ҳақида бирон фикр айтишим қийин. Аммо ташқи сиёсий, ташқи иқтисодий соҳалар учун кадрлар тайёрлашда Ўзбекистон совет даври амалиётининг ютуқларини сақлабгина қолмай, кадрлар тайёрлаш ва уларни ўқитишда ўсишга эришди. Айтайлик, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кадрлар тайёрлаш сифати жиҳатидан МГИМОдан деярли қолишмайди ва уни битирган ёшлар тегишли давлат идораларида фаол иштирок этаётганини кузатиш мумкин»<sup>144</sup>.

<sup>143</sup> Ўша жойда.

<sup>144</sup> Князев А. Ряд изменений в Конституции Узбекистана – формирование триумвирата // <https://regnum.ru/news/polit/1778791.html> (Душанбе, 17 марта 2014).

### III БОБ.

## ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ АСОСИЙ ВЕКТОРЛАРИ

### 3.1-§. Ўзбекистон замонавий дипломатиясининг йўналиш ва вазифалари

Ташқи сиёсий ва дипломатик фаолият мақсад ва вазифаларининг шаклланган тизими нафақат давлатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишни, балки халқаро муносабатлар тизимида ҳар қандай мамлакат учун ижобий ўзгаришларга эришиш учун мақбул шароитлар яратишни ҳам қамраб олади. Бундай дипломатия бүгун инқироз ҳолатида турган, асосий унсурлари қайта ташкил этилаётган, шаклланган иерархик тузилма изидан чиққан, кучларнинг янги марказлари юзага келаётган шароитда халқаро муносабатлардаги салбий тамойилларни чеклаш учун мўлжалланган.

Охирги чорак аср давомида Ўзбекистон дипломатияси ишлаб чиққан махсус чоралар ушбу тамойилларнинг таъсирини бартараф этиш имконини анча кенгайтиради. Шу боис мамлакатимиз келажакда ўз мудофаа салоҳиятини, иқтисодиётини барқарор мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб, вужудга келатган барча халқаро баҳс-мунозара ва низоларни халқаро ҳуқуқ қоидалари асосида, миллий манфаатлар устуворлигидан келиб чиқиб, имкон қадар тинч, дипломатик йўл билан ҳал қилиш тарафдоридир.

Ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлардаги интеграция жараёнининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, 1991–2016 йилларда Ўзбекистон дипломатиясининг ривожланишини қуйидаги босқичларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

Ўзбекистон дипломатияси ривожланишининг 1991–2000 йилларни ўз ичига олган дастлабки босқичида Ўзбекистон суверен давлат сифатида дунёнинг йирик давлатлари ҳисобланган Россия (1991 йил 20 март), Хитой (1992 йил 2 январь), АҚШ (1992 йил 19 январь) билан, шунингдек Европа ва Осиёнинг тараққий этган давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатди. 1991–1993 йилларнинг ўзида Ўзбекистон 110 та давлат билан дипломатик муносабатларга қирришди. Бу эса шу пайтгача ўрнатилган муносабатларнинг 95,37 фоизини ташкил этади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг манфаатларини икки ва кўп томонлама алоқалар асосида халқаро миқёсда ҳимоя қиладиган расмий механизм шакллантирилди.

1990 йилларда мамлакатимиз дипломатиясининг саъй-ҳаракатлари мамлакатда барқарорлик ва миллий хавфсизликни сақлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳондаги нуфузини ошириш мақсадида МДХ, БМТ, ЕХХТ сингари халқаро ва минтақавий ташкилотлар ва уларнинг институтларига қўшилиш йўлидаги мураккаб масалаларни ҳал қилишга қаратилди.

Шунингдек, мамлакат раҳбарияти бу даврда асосий эътиборни минтақавий муаммоларни ҳал қилиш ва Марказий Осиёда барқарор ривожланишни таъминлаш учун шарт-шароит яратишга интилди. Масалан, 1990 йилларда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов кўплаб нуфузли минбарлардан туриб (масалан, 1993 йилдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида), жаҳон ҳамжамиятини Афғонистондаги воқеалар ривожига нисбатан ҳушёр бўлишга даъват этди. Ушбу ҳаракатлар натижасида 1997–2001 йилларда Ўзбекистон ташаббуси асосида БМТ билан ҳамкорликда Афғонистонга чегарадош давлатлар ҳамда АҚШ ва Россия вакилларида иборат таркибда ташкил этилган «6+2» мулоқот гуруҳи самарали фаолият кўрсатди.

Афғон инқирозини ҳал қилиш бўйича БМТ шафелигида тузилган ушбу гуруҳ фаолиятининг натижасида Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлларидаги умумий принципла-

ри ва ягона ёндашуви ишлаб чиқилди, 1999 йил июль ойида Тошкентда низолашаётган томонларнинг учрашуви ўтказилди ҳамда «Афғонистонда низоларни ҳал қилишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги Тошкент декларацияси қабул қилинди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши мазкур декларация асосида афғон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал қилишда Тошкент учрашуви муҳим қадам бўлганлигини эътироф этувчи тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон дипломатияси ривожининг 2001 йилдан 2010 йилга қадар давом этган навбатдаги босқичини АҚШ бошчилигидаги террорчиликка қарши халқаро уюшманиннг 2001 йилда Афғонистонда бошлаган фаолияти билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш мантиқан тўғри бўлади. Бурилиш нуқтаси деб баҳолаш мумкин бўлган бу даврда ўзбек дипломатиясининг саъй-ҳаракати билан нафақат мамлакатнинг жаҳон ҳамжамияти назаридаги обрўси ошди, балки миллий дипломатия бу даврда узоқ муддатли истиқболда минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ муҳим ташқи сиёсий қарорлар қабул қилишига тўғри келди. Ўзбекистон дипломатияси «улғайиб», ташқи сиёсий фаолиятининг мақсадлари, принциплари ва стратегик устуворликлари тўғрилиги амалда исботланди. Дипломатия шаклланиш босқичидан амалий натижалар берадиган миллий манфаатларини таъминлаш босқичига ўтди.

Наркотик моддаларнинг ғайриқонуний муомалада бўлишига қарши курашни миллий дипломатиямизнинг бу даврдаги фаол ҳаракатларига мисол қилиб келтириш мумкин. БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган «Минг йиллик саммити»да Ўзбекистон раҳбари минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, БМТ фаолиятини ҳамда унинг тузилмаларини ислоҳ қилиш, халқаро террорчиликка қарши кураш бўйича бир қатор муҳим таклифлардан ташқари, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш борасида ташаббуслар кўрсатди. Натижада, БМТ Бош Котибининг 2002 йил октябрь ойида Ўзбекистонга қилган ташрифи чоғида Ўзбекистоннинг

Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан берилган таклиф асосида Тошкентда Наркотик воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича минтақавий ахборот мувофиқлаштириш маркази ташкил этилди.

Бу босқичдаги дипломатик фаолиятнинг яна бир муҳим хусусияти Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо бўлиши билан боғлиқ эди. ШХТнинг 2004 йил июнь ойида Тошкент шаҳрида ташкил этилган Терроризмга қарши кураш миллий маркази глобал террорчиликка қарши тизимининг бошқа тегишли тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик учун очиқ бўлган муҳим бўғинига айланди.

Янги асрнинг дастлабки ўн йиллиги Ўзбекистон дипломатиясидан, бир томондан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш учун очиқликни, бошқа томондан эса, ўша даврда АҚШнинг Марказий Осиёда кучлар марказига айланиб, таъсир ўтказишининг кучайиб кетишига йўл қўймастик учун ўта эҳтиёткорлик ва мослашувчанликни талаб этди. 2005 йил миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг кафолати сифатида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) ишида республика иштирокининг қайта тикланиши муҳим воқеа бўлди. Кейинчалик, тесқари жараён бошланиб, КХШТда етакчи мавқега эга бўлган Россия ўзининг геосиёсий таъсирини кучайтириб, КХШТ фаолиятининг ўзгариши хавфи юзага келганида, Ўзбекистон КХШТдаги иштирокини тўхтатиб туриши борасида қайта баёнот берди. Ниҳоят, бу даврда иқтисодий дипломатия масаласига мамлакат раҳбарияти алоҳида урғу бера бошлади. 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий тараққиётига таҳдид солиши табиий эди.

2010 йилдан бошланган халқаро муносабатлардаги глобал муаммо ва зиддиятларнинг кескинлашуви Ўзбекистон дипломатияси ривожидagi навбатдаги босқичнинг хусусиятини ўзида акс эттирди. Бу давр бутун жаҳон мамлакатлари учун ҳақиқий синовга айланди. Афғонистон ва Ироқда НАТО

ҳарбий ҳаракатларининг авж олиши ва террорчиликнинг фаоллашуви, 2010 йил апрель ойида Қирғизистонда содир этилган навбатдаги «инқилоб», шу йилнинг июнь ойида Жанубий Қирғизистондаги миллатлараро тўқнашувлар – ўзбекларга нисбатан ўтказилган геноцид, «араб баҳори» (2011–2012 йиллар) ва унинг оқибати сифатида Сурия ва Ироқда чўзилиб кетган уруш, террорчилар томонидан «Ироқ-Шом ислом давлати» (ИШИД)нинг ташкил этилиши, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирозининг оқибатлари, Украинада 2014 йилда бошланиб, ривожланиб бораётган ҳалокатли вазият, шу баҳонада АҚШ ва Европанинг етакчи давлатлари томонидан Россияга қарши қўлланилган санкциялар, нефть нархининг кескин тушиб кетиши – буларнинг бари ниҳоятда қалтис давр руҳини ўзида мужассам этди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг бир қисми бўлгани боис салбий тамойиллар таъсирини кўп ҳолларда, билвосита бўлса-да, сезиб турди. Ўзбекистон дипломатияси ривожланиш жараёнида босиб ўтган ҳар бир босқичда халқаро муносабатлар ва ҳодисаларнинг турли сценарийларига муносабат билдириб келди. Бу, энг аввало, ҳарбий ҳамкорлик, террорчилик, диний ва сиёсий экстремизм, наркотик моддалар тажовузи, кибержиноятчилик, ахборот «урушлари», трансмиллий жиноятчилик ва бошқа шунга ўхшаш ҳодисаларга қарши кураш борасидаги дипломатик саъй-ҳаракатлардир. Айни вақтда, миллий дипломатия олдига сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларда халқаро ҳамкорликни изчил ривожлантириш вазифалари ҳам қўйилиб, уларни амалга ошириш борасида салмоқли тажриба тўпланди. Ўзбекистон мазкур йўналишлар бўйича барча мамлакатлар билан очик ҳамкорликнинг ҳамма шакларини фаоллаштиришга, ушбу вазифаларни бажаришда кўп ва икки томонлама дипломатия усулларида кенг фойдаланишга интилди.

Неоинституционализм вакиллари Ди Маггио ва У. Павел таъкидлаганларидек, «маданиятлар, сиёсий тартиботлар ва миллий манфаатлар нуқтаи назаридан давлатларнинг тур-

ли-туманлиги ва фарқларига қарамасдан, дипломатия уларни умумлаштирувчи алоҳида жиҳатдир. Бу ҳол дипломатияга олдиндан айтса бўладиган тарзда ва ташкилий шаклда музокаралар олиб бориш имконини беради, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва мавжудлиги учун умумий ташкилий замин яратади»<sup>145</sup>. Бинобарин, музокаралар олиб бориш учун майдон қанчалик кенг бўлса, қўйилган мақсадларга эришиш имкониятлари ҳам шунчалик катта бўлади.

Фикримизча, замонавий дипломатия учун энг катта майдон вазифасини иқтисодий макон бажара бошлади. Дипломатиянинг ушбу йўналиши ҳақида алоҳида тўхталган австриялик иқтисодчи Готтфрид Хэберлер XX асрнинг ўрталаридаёқ дипломатлар ўз вақтининг деярли 80 фоизини иқтисодий масалаларга сарфлашини кўрсатиб ўтган эди. БМТ Бош қотиби ҳам ташкилот Бюджетидаги иқтисодий ва ижтимоий масалаларга харажатлар улушини белгилаган ҳолда, айнан шундай рақамларни тилга олган. Дипломатиянинг иқтисодий таркибий қисми ўсиб бориши билан давлатлар ташқи ишлар вазирлигидаги иқтисодий департаментлар сони ҳам кўпаяди. Уларнинг айримлари савдо вазирлиги билан бирлаштирилади<sup>146</sup>.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, иқтисодий дипломатиянинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади: 1) хорижий сармояларни жалб қилишда иштирок этиш; 2) маҳсулот ва хизматларнинг хорижий бозорларини ўзлаштиришда ёрдам бериш; 3) халқаро савдо ва сармояларга нисбатан миллий манфаатлар нуқтаи назаридан энг қулай ўйин қоидалари учун курашиш; 4) хорижда мамлакат тадбиркорлиги учун мақбул солиқ тартиботига эришиш<sup>147</sup>.

Ўзбекистонда иқтисодий дипломатиянинг аҳамиятини англаган ҳолда мамлакат раҳбарияти бу масалага алоҳида

<sup>145</sup> Di Maggio P. J., Powell W. The iron cage revisited: institutional isomorphism and collective rationality in organizational fields // The New Institutionalism in Organizational Analysis. – Chicago: University of Chicago Press, 1991.

<sup>146</sup> Щетинин В. Д. Экономическая дипломатия. – М.: Международные отношения, 2001. – С. 11.

<sup>147</sup> Ўша жойда.



этибор қаратди<sup>148</sup>. Чунки совет давридан қолган, бир томонлама ривожланган мажруҳ иқтисодиёт ҳамда бир ижтимоий-иқтисодий (социалистик) тузумдан, мутлақо бошқа мезон (бозор иқтисодиёти)га таянган тузумга ўтилиши республика учун осон кечмади. Ҳатто, «1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узилиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, нақ очарчилик остонасида...» турганимиз ҳақида Ислон Каримов таъкидлаган эди<sup>149</sup>. Бу ҳолатнинг келиб чиқишига республикада шаклланган демографик омил ҳам «салмоқли ҳиссасини қўшди».

Шунинг учун Ўзбекистонда совет даври режали иқтисодий тизимидан эркин бозор муносабатларига эволюцион йўлдан борилиб, «фалажлаб даволаш» принципини рад этган ҳолда ўтилди. Бу халқаро доирада республиканинг янги тузумга, бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос миллий йўли деб тан олинди.

Миллий моделда иқтисодиётни диверсификациялаш асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу мураккаб ишни амалга ошириш учун эса етакчи хорижий давлатлар, компанияларнинг сармоя ва технологияларини жалб этиш орқали замонавий рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур эди.

Юқоридаги вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қатор давлатлар ва хорижий юридик шахслар ўртасида инвестиция баҳсларини ҳал этиш тартиби ҳақидаги Вашингтон конвенциясига, Инвестицияларни кафолатлаш бўйича Сеул конвенциясига қўшилди, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банкига аъзо бўлди, Жаҳон савдо ташкилотига кузатувчи сифатида қабул қилинди. Бир

<sup>148</sup> Ўзбекистон биринчи Президенти И. А. Каримовнинг истиқлолнинг илк йилларидаги ҳар бир маърузасида ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, мамлакат халқ хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқа шу каби масалаларга алоҳида урғу берилган.

<sup>149</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 4.

қанча ҳукуматлараро инвестицияларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, иккиёқлама солиқ олмаслик ҳақидаги келишувларни имзолади.

Биргина 1999 йилнинг ўзида ташқи иқтисодий алоқалар доирасида 207 та халқаро шартнома ва келишув имзоланди. Улардан 10 таси кўп томонлама асосда Европа, Жануби-Шарқий Осиё, Шимолий Америка ва МДХ давлатлари билан имзоланган бўлса, олтитаси мамлакатнинг халқаро конвенцияларга қўшилишига доир эди. Масалан, 1999 йилдан Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим кучга кирди. Жумладан, Ўзбекистон билан Италия, Греция, Болгария, Малайзия ва Грузия ўртасида инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисида, Бельгия, Греция, Малайзия, Финляндия ва Таиланд ўртасида эса иккиёқлама солиқ олишдан воз кечиш тўғрисида битимлар имзоланди<sup>150</sup>.

Шунингдек, «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Навоий вилоятида эркин иқтисодий-индустриал ҳудуд ташкил этиш тўғрисида», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Ангрен маҳсус индустриал ҳудудини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда бошқа бир қанча қарорлар қабул қилинди<sup>151</sup>.

Хуллас, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳити, хорижий сармоядорлар учун кенг ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар тизими яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалари учун имтиёзларни, хусусийлаштириш жараёнида хорижий сармоядорлар иштирокини, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни рағбатлантиришни ўз

<sup>150</sup> ЎзР МДА. Ф. М-6, 2-рўйхат, 161-иш, 4-варак.

<sup>151</sup> Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Т.: Akademiya, 2013. – Б. 279.

ичига олувчи хорижий сармояларга эга корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларнинг яхлит тизими ишлаб чиқилди.

Юқорида кўрилган чора-тадбирлар билан бир қаторда миллий иқтисодий дипломатияни фаол ишга солиш орқали 1990 йилларнинг ўзида хорижий инвестиция ва технологиялар ёрдамида саноатнинг автомобилсозлик, нефть-газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, маиший электроника, замонавий озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати ҳамда қатор бошқа мутлақо янги тармоқлари яратилди. Улар ичида автомобилсозлик алоҳида ўрин эгаллади. 1996 йилда Андижон вилоятининг Асака шахрида Жанубий Кореянинг «ДЭУ моторз» корпорацияси билан биргаликда фойдаланишга топширилган заводда енгил автомобиллар, кейинчалик Самарқанд шахрида ишга туширилган «СамКочавто» заводида автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Аммо республикамизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига жаҳон бозорида катта талаб бўлишига қарамай, ушбу комплекс корхоналарида эскирган технологиялар қўлланилиши натижасида миллий агросаноат соҳасида ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт имкониятлари рўёбга чиқмай қолди. Маркетинг ўтказиш кўникмалари йўқлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг анъанавий етказувчилари билан рақобатга оид муаммолар, транспортда ташиш қийинчиликлари кабилар экспорт фаолиятининг самарадорлигини пасайтирди<sup>152</sup>.

Янги аср бошига келиб давлат иқтисодий дипломатия ёрдамида мамлакатнинг ташқи иқтисодий жозибадорлигини яхшилаш ҳамда иқтисодий ўсиш мақсадларини амалга оширишга қаратилган масалалар билан фаол шуғуллана бошлади. Бу эса халқаро муносабатларда иштирок этишнинг барча мақсадлари орасида иқтисодий дипломатиянинг вазифалари кўпайганидан далолат берарди. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясида иқтисодий

дипломатиянинг миллий ривожланиш стратегиясига сезиларли ўрин ажратилганини ҳам таъкидлаш зарур.

Бу ҳолат молиялаштириш манбалари бўйича инвестициялар таркибини диверсификациялашга ижобий таъсир этди. Ўсишнинг янада юқори суръатлари ҳисобига марказлашмаган манбалардан олинадиган инвестициялар, биринчи навбатда, хусусий ва бевосита чет эл инвестицияларининг улуши ошди. 1990 йилда мамлакат инвестициялари портфелида хорижий инвестициялар умуман бўлмагани ҳолда, 2000 йилга келиб хорижий инвестиция ва кредитларнинг улуши 23,2 % ни ташкил қилди, уларнинг 19,8 % – ҳукуматнинг бевосита кафолати остида жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлар, 3,4 % эса тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эди<sup>153</sup>. Янги аср бошида тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари янада ортиб, 2011 йилда 2003 йилга нисбатан саккиз баробар кўпайди<sup>154</sup>.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Ривожланиш халқаро ассоциацияси каби иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Хусусан, 2008 йилга қадар биргина Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Ривожланиш халқаро ассоциацияси билан 16 та лойиҳа асосида амалга оширилган ҳамкорликнинг қиймати 717 млн АҚШ долларига тенг бўлди<sup>155</sup>.

Умуман олганда, Ўзбекистон очик бозор иқтисодиёти ва кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорликни шакллантириш бўйича салмоқли ишларни амалга оширди. Ҳозирги вақтда Германия, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция, Италия, Корея Республикаси, Туркия, Россия, Хитой сингари мамлакатлар билан иқтисодий муносабатлар жадал ривожланмоқда. Жаҳоннинг 78 та мамлакатига экспорт амалга оширилмоқда.

<sup>153</sup> Рахимов М. А., Раҳматуллаев Ш. М., Турсунова Р. Ю., Назаров Р. Р. Очерки новейшей истории Узбекистана. 2-е изд. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2016. – С. 144.

<sup>154</sup> Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Т.: Akademiya, 2013. – Б. 280.

<sup>155</sup> Сотрудничество Республики Узбекистан с международными организациями // <http://www.gov.uz>

Экспорт таркибида жиддий ўзгаришлар юз берди, хусусан хомашё экспортининг улуши камайди, айти вақтда тайёр маҳсулот, жумладан қайта ишлов бериш даражаси чуқур бўлган маҳсулотлар экспортининг ҳажми ортди. Масалан, 2015 йил ўртасида МДХга аъзо давлатларнинг ўзида Ўзбекистон автосаноатининг 250 дан ортиқ дилерлари фаолият кўрсатган. Шу билан бирга, маҳсулотнинг Афғонистон, Бразилия, Индонезия, Туркия, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатларга экспорт қилиниши йўлга қўйилди<sup>156</sup>.

Узоқ хориж мамлакатлари орасида Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилди. Бунда 1996 йилда имзоланган томонлар ўртасидаги шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг кучга кириши алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳол ЕИнинг Ўзбекистонга ва умуман минтақамизга қизиқиши ортиб бораётгани билан боғлиқ. Шу боис ЕИнинг Марказий Осиё бўйича 2007–2013 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда томонлар ўртасида сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Битимга мувофиқ ҳозирги кунда Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида қўшма тузилмалар фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкорлик кенгаши, Ҳамкорлик қўмитаси, Парламент ҳамкорлиги қўмитаси, адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва йўлдош масалалар бўйича қўшимча қўмиталар ана шулар жумласидандир. Мамлакатимизда ЕИ билан турли соҳаларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмининг ортиб бораётгани бунга мисол бўла олади<sup>157</sup>.

Жумладан, ЕИ давлатларидан Германия билан Ўзбекистон ўртасида яқин иқтисодий алоқалар йўлга қўйилган. 2013 йилда икки давлат ўртасидаги савдо айланмасининг қиймати 591,2 млн АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Респу-

<sup>156</sup> Маметова М. 19 июля 1996 года сошел с конвейера первый узбекский автомобиль // [www.12news.uz/news/2015/07/19-июля-1996-года-сошел-с-конвейера-первый-уз/](http://www.12news.uz/news/2015/07/19-июля-1996-года-сошел-с-конвейера-первый-уз/)

<sup>157</sup> ТИВ ЖА. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «Мустақиллик даври: озод ва обод Ватан» бўлимига тақдим этилган материаллар. 2015 й.

бликаси Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлигида ГФРнинг 39 та компанияси, жумладан «Сименс», «Даймлер-Бенц», «Тиссен-Крупп», «БАСФ», «Люфтганза», «Алкатель», «Байер», «Ферросталь» кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ўзбекистон-Германия қўшма корхоналари орасида «ЎЗМАН-Авто», «ЎзКлаасАгро», «ЎзЛемкенАгро», «Кнауф Гипс Бухоро», «ДойчеКабель АГ Ташкент» кабилар аккредитациядан ўтди. Ўзбекистон билан яқиндан иқтисодий ҳамкорлик қилган давлатлар қаторида Буюк Британия, Франция, Латвия, Италия ва бошқаларни алоҳида қайд этиш мумкин<sup>158</sup>.

Иқтисодий дипломатиянинг йўналишларидан бири халқаро савдо-ярмарка тадбирларининг ташкил этилишидир. Масалан, 2015 йилнинг 26 октябрь – 2 ноябрь кунлари «Ўзэкспомарказ»да IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўтказилиб, унда, бир томондан, мамлакатимизнинг 1700 га яқин корхона ва компаниялари, жумладан, мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари иштирок этди (бу ерда уларнинг 20 000 дан ортиқ турдаги маҳсулотлари намойиш этилди), бошқа томондан, 50 та давлат, хусусан Германия, Италия, Ҳиндистон, Буюк Британия, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Туркия ва бошқа мамлакатлардан 1200 дан ортиқ фирма ва компаниялар вакиллари қатнашди. Тармоқ ва корхоналарнинг 80 та тақдими бўлиб ўтди. Уларда техник ва технологик имкониятлар намойиш этилди, ишлаб чиқариш ва техника йўналишидаги материаллар, эҳтиёт қисмлар ҳамда тайёр буюмлар етказиб бериш ёки харид қилиш борасида шартномалар тузилди<sup>159</sup>.

2015 йилнинг апрель-июнь ойларида мамлакатнинг барча ҳудудларида маҳаллий ярмаркалар, шунингдек Тошкентда 6 та тармоқ ярмаркаси бўлиб ўтди. Уларни деярли 90 минг киши келиб кўрди. 4800 дан ортиқ корхона 22 мингдан ортиқ турдаги маҳсулотларини тақдим этди, ушбу маҳсулотлардан

<sup>158</sup> ТИВ ЖА. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «Мустақиллик даври: озод ва обод Ватан» бўлимига тақдим этилган материаллар. 2015 й.

<sup>159</sup> Расширилась локализация, укрепилась кооперация // Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти // [mf.uz/ru/press/news/2015/11/5781/](http://mf.uz/ru/press/news/2015/11/5781/)

710 таси 2015 йилда ўзлаштирилди. Худудий ярмаркаларда 377,5 млрд сўмлик шартномалар, шунингдек 180,8 млн АҚШ доллари миқдордаги маҳсулотни экспорт қилиш юзасидан битимлар имзоланди. Корхоналарнинг тармоққа оид саноат ярмаркаларида 617,9 млрд сўмлик келишувларга эришилди<sup>160</sup>.

Шунингдек, 2015 йил 15–16 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган XI Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркасида 700 минг тонна ўзбек пахта толасини сотиб олиш ҳамда мамлакат тўқимачилик маҳсулотини етказиб бериш учун 800 млн АҚШ долларидан ортиқроқ қийматга эга бўлган шартномалар тузилди. Унда жаҳоннинг 40 та мамлакати фирма ва компанияларининг 1000 дан ортиқ вакиллари иштирок этди. Бугунги кунда Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажмига кўра жаҳонда 6-ўринни, уни экспорт қилиш бўйича эса 5-ўринни эгаллаб турибди<sup>161</sup>.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти сезиларли даражада кучайди, ташқи бозорларга етказиб бериладиган маҳсулотлар таркиби хомашё йўналишидан катта қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот етказиб бериш томон оғишмай ўзгариб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатнинг энгил саноат корхоналари ўз маҳсулотини жаҳоннинг 55 та мамлакатига экспорт қилмоқда ва экспорт географияси мунтазам кенгайиб бормоқда. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоқлари корхоналари ўз маҳсулотларини МДХ, Европа мамлакатларига, шунингдек ХХР, АҚШ, Канада ва бир қатор араб давлатларига етказиб бермоқда. Айрим мамлакатларда, хусусан АҚШда дилерлик бўлимлари фаолият кўрсатмоқда, улар жаҳон бозорида яхшироқ мўлжал олишга

<sup>160</sup> Тешаев А. Локализация и кооперация — важные тренды экономики. // «Народное слово» газетасининг расмий сайти <http://narodnoeslovo.uz/index.php/homepage/i-tisodijot/item/5260>

<sup>161</sup> Маметова М., Шамсиддинов Ё. Узбекистан – стабильный и надежный партнер на мировом хлопковом рынке // Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг расмий сайти // [http://uza.uz/ru/business/uzbekistan-stabilnyy-i-nadezhnyy-partner-na-mirovom-khlopkov-16-10-2015?sphrase\\_id=1254564](http://uza.uz/ru/business/uzbekistan-stabilnyy-i-nadezhnyy-partner-na-mirovom-khlopkov-16-10-2015?sphrase_id=1254564) 16.10.2015

имкон беради<sup>162</sup>.

Умуман олганда, мустақиллик йилларида импорт ўрнини босувчи ва оммавий экспортга йўналтирилган ҳамда иқтисодий тизимни шакллантиришга қаратилган чоратадбирларнинг амалга оширилиши, нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг жадаллашуви бу даврдаги ислохотларнинг асосий белгиси бўлди. Аввалги босқичлар доирасида мамлакат иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда мутлақо янги тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида чуқур ўйланган ва ўз вақтида бошланган, узоқ истиқболга мўлжалланган ишлар натижасини берди. Муҳими шундаки, ушбу босқичда мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар синовдан муваффақиятли ўтди. 2008 йилда бошланган ва жаҳоннинг аксарият мамлакатларида асоратлари тўлалигича бар-тараф этилмаган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий зарар етказмади. Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиши ва унда кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши миллий моделнинг янада такомиллашишига хизмат қилди.

Мамлакат иқтисодий тизимининг жаҳон хўжалигига ўзига хос тарзда интеграциялашуви Ўзбекистоннинг ташқи қарзи минимал даражада бўлишини, яъни ЯИМнинг 18 фоизидан ошмаслигини таъминлади<sup>163</sup>. Аммо бу Ўзбекистон иқтисодиётида барча муаммолар ўз ечимини топганини аниқлашмайди, албатта. Айниқса, валюта конвертацияси масаласидаги муаммолар мамлакат иқтисодига янада кўпроқ инвестициялар кириб келишига тўсқинлик қилмоқда. Бун-

<sup>162</sup> Маметова М. Востребованность узбекского хлопка и текстиля на мировом рынке постоянно растет // Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг расмий сайти // [uza.uz/ru/business/vostrebovanost-uzbekskogo-khlopka-i-tekstilya-na-mirovom-ry-15-10-2015?sphrase\\_id=1254575](http://uza.uz/ru/business/vostrebovanost-uzbekskogo-khlopka-i-tekstilya-na-mirovom-ry-15-10-2015?sphrase_id=1254575) 15.10.2015

<sup>163</sup> <http://www.mfer.uz/ru/news/news-uzb/rustam-azimov-uzbekistan-ne-gotov-k-rassmotreniyu-predlozheniya-o-sozdanii-zony-svobodnoy-torgovli>

дан ташқари, глобаллашув жараёни Ўзбекистон сингари ёш давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарор ривожланишига таҳдид солмоқда.

Хусусан, халқаро миқёсдаги сиёсий можаролар жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, бир томондан АҚШ ва ЕИ, бошқа томондан Россиянинг қарама-қаршилиги туфайли «катта саккизлик» яна «катта еттиликка» айланди, етакчи мамлакатлар раҳбарларининг ташриф ва мулоқотлари кескин камайиб, улар «ўзларининг клуб манфаатлари бўйича» тарқаб кетди. Халқаро барқарорлик заифлашган сари БРИКС мамлакатлари ўртасида янги узоқ муддатли муносабатлар кучая бошлади. Буларнинг барчаси жаҳон молиявий тизимини издан чиқармоқда. Оқибатда, Ўзбекистон учун стратегик муҳим бўлган олтин, пахта ҳамда рангли металларнинг жаҳондаги нархи тушиб кетди.

Айни вақтда, ўтган аср охирларидан бошлаб дунё миқёсида трансмиллий корпорацияларнинг иқтисодий қудрати билан бирга сиёсий нуфузи ҳам ортиб бормоқда. Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ Конференциясининг (ЮНКТАД) маълумотларига қараганда, глобаллашувдан бор-йўғи 82 мингта трансмиллий корпорация фойда кўрган. Уларнинг тахминан 3 мингтаси асосий роль ўйнамоқда. Булар орасида 150 га яқин банк ва 500 га яқин «мегамонстр» даражасига етган трансмиллий корпорациялар (ТМК) мавжуд. Масалан, ўзининг телефон, планшет ва маиший техникаси билан машҳур Samsung ТМК гаджетлар ишлаб чиқаришдан ташқари, капитал киритиш ва инфратузилмавий қурилиш билан ҳам фаол шуғулланмоқда, кемасозлик борасида дунёдаги етакчи мамлакатлар рўйхатига кирган, шунингдек қурол-яроғ, хусусан мураккаб технологик қурол-яроғлар ишлаб чиқармоқда. Умуман олганда, ЮНКТАДнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2008 йилда жаҳондаги 500 та етакчи ТМКга дунё хомашё маҳсулотлари савдосининг 70 фоизи, технологиялар савдосининг 80 фоизидан ортиғи тўғри келган. 400 та ТМК ер

куррасидаги барча бевосита сармоя киритишларнинг ярмини назорат қилмоқда<sup>164</sup>.

Ушбу тамойилларнинг ҳаммаси нафақат сиёсий, балки ижтимоий-иқтисодий соҳага ҳам беқарорлик унсурларини олиб киргани ҳолда халқаро муносабатларнинг ривожланиш жараёнига жиддий тузатишлар киритмоқда. Бошқача айтганда, бугунги глобаллашув жараёни ва жаҳон бозорларида ўсиб бораётган рақобат дипломатиянинг аҳамиятини оширмоқда. У халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принцип ва нормаларини ҳисобга олган ҳолда, давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шериклик асосида манфаатлар мувозанатини ўрнатишнинг демократик механизмига айланиб бормоқда.

Иқтисодий дипломатия назарияси бўйича мутахассис ҳисобланган *И. Мавлонов, иқтисодий дипломатияни «жаҳон майдонида миллий иқтисодий манфаатларни амалга ошириш ва дипломатик усуллар билан иқтисодий хавфсизликни ҳимоя қилиш борасидаги фаолият»<sup>165</sup> сифатида таърифлаган.*

Масалан, эмбарго, савдо, молия-кредит ва бошқа иқтисодий воситалар ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий мажбурлов чоралари (санкциялар) қўллаш орқали ташқи иқтисодий алоқаларга муайян чекловлар қўювчи иқтисодий жазолаш сиёсатининг асосига айланди. Унинг ёрдамида давлат сиёсий раҳбарият сиймосида муайян хатти-ҳаракатга ёки қарорлар қабул қилишга мажбур этилади. Иқтисодий жазо (санкция) мамлакатда сиёсий беқарорлик ҳамда ижтимоий кескинлик (портлаш) келтириб чиқариш орқали сиёсий тартиботни ўзгартириш учун мўлжалланган. Рухсат этилган жамоавий таъсир кўрсатиш сиёсати бўлган эмбарго бугунга келиб «мақбул» сиёсий тартиботга эга бўлмаган давлатда «инқилоблар» келтириб чиқариш ва бу сиёсатга ўзининг тобе иттифоқчиларини БМТ рухсатсиз ҳам жалб қилиш воситаларига эга айрим давлатлар томонидан тазйиқ

<sup>164</sup> Запольскис А. Системная ошибка проекта глобализации мира. 20 апреля 2015 г. // [www.imperiya.by/politics1-25386.html](http://www.imperiya.by/politics1-25386.html)

<sup>165</sup> Мавланов И. Р. Экономическая дипломатия Индии в условиях трансформации мирового порядка. – Т.: УМЭД, 2010. – С. 112.

ўтказиш воситасига айланиб бормоқда. Ахборот маконининг кенгайиши ва чексизлигидан ахборот урушлари ҳамда киберхужумлар ташкил этишда фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари, сиёсий мақсадларга қаратилган иқтисодий чоралар ҳозирги кунда глобал иқтисодий хусусиятга эга бўлган воситалар орқали қўлланилмоқда. Масалан, нефть нарҳини тушириш борасидаги ўйин ана шулар жумласидандир. Бу ҳодисанинг тахминан уч ғояси мавжуд.

Биринчиси объектив сабаблар (жаҳон иқтисодиёти ўсиш суръатларининг пасайиб бораётгани боис истеъмолнинг камайиши) билан боғлиқ бўлиб, бу ўринда уларни кўриб чиқмаймиз.

Иккинчи ғоя муайян бир давлатнинг иқтисодиётига қарши қаратилган ҳаракатлар билан боғлиқ. Шу боис, бу жиҳатдан ҳам иқтисодий дипломатия масалаларини ўрганиш қизиқарли кўринади.

Учинчи ғоя – уюштирилган сиёсий жараён, яъни биринчи тахминга кўра, рақобатчиларни бартараф этиш мақсадига эга. Масалан, сланец нефти қазиб олувчиларга қарши йўналтирилган.

Шунга қарамай, иқтисодий дипломатия доимотинчлик-барқарорликни мустаҳкамлашга, давлатларнинг барқарорлиги, аҳолининг фаровонлигини оширишга хизмат қилади. У минтақавий ва минтақалараро яқин ҳамкорликнинг таянчига айланмоқда. Жумладан, Евросиё маконидаги бирлашув ҳамкорлик жараёнларининг жадаллашиши учун табиий шароитлар яратмоқда. Германия, Япония, Сингапур, Малайзия, Миср, Хитой ва Ҳиндистонда тўпланган тажриба асосида муваффақиятли амалга оширилдиган иқтисодий дипломатия муқаррар глобаллашув босими ва салбий таъсирини бартараф этишга ёрдам берган ҳолда, давлатлар қудратининг мустаҳкамлашини яна бир бор тасдиқламоқда. Бундай дипломатия халқлар ўртасида эзгулик, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик қарор топишига хизмат қилади<sup>166</sup>.

<sup>166</sup> Касымов А., Гиясов Б. Экономическая дипломатия на современном этапе // <http://pv.uz/today/> 27.01.07.

Шундай қилиб, бир томондан, давлатларнинг барқарор ривожланиши учун қулай шароит яратадиган, бошқа томондан эса, иқтисодиёт, озиқ-овқат, энергетика, экология, ахборот, гуманитар хавфсизлик соҳаларига бевосита ҳамда яширин хавф солаётган глобаллашув тамойиллари ташқи сиёсий фаолият мақсадларини амалга оширишда иқтисодий дипломатияни олдинги ўринга чиқарди. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясида бу масалага алоҳида урғу берилди.

Жаҳон иқтисодиёти тобора байналмилаллашиб бораётган ҳозирги пайтда мамлакатлар, минтақалар ва умуман, жаҳон сиёсий ривожланишининг бошқа асосий муаммолари ҳақидаги аввалги тасаввурлар буткул ўзгариб кетди. Глобал миқёсдаги ҳар қандай инқироз иқтисоди заиф давлатларга таъсир кўрсатиши табиий ҳолга айланди. Шундай вазиятда иқтисодий дипломатия нафақат иқтисодий манфаатларни, балки миллий хавфсизлик манфаатларини ҳам келишувлар орқали барқарорлаштиришнинг самарали йўли эканлиги ўз тасдиғини топди. Халқаро муносабатлар тизими ва тегишли иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига қараб, мамлакатларнинг миллий манфаатларини ҳимоялаш эҳтиёжи ошиб боради. Бу ерда иқтисодий дипломатия давлат ташқи сиёсий доктринасининг энг муҳим, марказий унсур бўлиб, у маҳсулотлар, хизматлар ва интеллектуал мулк объектлари борасидаги халқаро савдони тартибга солиш, сармоя ва иш кучининг чегаралар орқали ҳаракатини, минтақавий ҳамкорлик ва валютани бошқаришни қамраб олади. Иқтисодий дипломатия ички бозорда миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва жаҳон бозорида маҳсулотлар ҳамда хизматларнинг рақобатбардош мавқеини таъминлаш учун мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга мўлжалланган. Дипломатия мамлакат манфаатлари учун халқаро битимлар тузиш, шунингдек кўп томонлама иқтисодий муносабатларда иштирок этиш орқали кўзланган мақсадларни амалга оширади.

Протекционизм ҳамда савдо эркинлигини таъминлаш дипломатия фаолиятининг бу борадаги асосий йўналиши сифатида юзага чиқади. Булардан фойдаланиш мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда халқаро иқтисодий муносабатлардаги иштирокининг хусусиятлари билан боғлиқ.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ташқи сиёсатида юқорида таҳлил қилинган фаолият билан бирга дипломатиянинг парламент, оммавий дипломатия каби трендлари ривожланди. Айни вақтда бу йўналишлар мамлакатимизнинг замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги ўрнини янада мустаҳкамлаши, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш учун кенг имкониятлар яратиши билан бирга, ўзига хос муаммолар ҳам келтириб чиқармоқда.

Давлатнинг ташқи сиёсий вазифаларини амалга оширишда парламент дипломатиясининг ўрни салмоқлидир. Мустақиллик йилларида бу соҳада кечган жараёнлар ушбу йўналишдаги дипломатия асосан 2005 йилдан, яъни икки палатали парламенга ўтилиши билан фаоллашганидан даволат берди.

Бунга БМТнинг 2000 йил 8 сентябрдаги «Минг йиллик» декларациясида «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан миллий парламентларнинг умумжаҳон ташкилоти – Парламентлараро Иттифоқ – ўртасида турли соҳаларда, жумладан тинчлик ва хавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари, демократия ҳамда гендер масалалари соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш»<sup>167</sup> мақсади белгилангани сабаб бўлди.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикасида парламент дипломатиясини парламентлараро ҳамкорлик шакл ва усуллари доирасида ривожлантириш ҳамда давлат ва жамиятни демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга қаратилган ишончли механизмга айлантириш вазифаси

<sup>167</sup> Декларация тысячелетия Организации Объединенных Наций. // Принята резолюцией 55/2 Генеральной Ассамблеи от 8 сентября 2000 года. // Организация Объединенных Наций // [http://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/summitdecl.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/summitdecl.shtml).

қўйилди. Бу вазифа 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан яна бир бор таъкидлаб ўтилган бўлиб, унда хорижий мамлакатлар парламент фаолияти тажрибасини ўрганиш, шунингдек Европа Иттифоқининг етакчи мамлакатлари парламентлари билан мулоқотни кучайтириш зарурлиги тўғрисида сўз юритилган эди<sup>168</sup>.

Парламент дипломатияси Олий Мажлиснинг ҳар икки палатаси томонидан парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, парламент фаолиятини ташкил этиш борасида тажриба алмашиш, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш сингари соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ташкил топган йилданоқ эътиборини парламент дипломатияси фаолиятини кенгайтиришга қаратди. 2005–2009 йиллар мобайнида юқори палатага 95 та делегация ташриф буюрди, улардан 45 таси парламент делегациялари эди. Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг 50 нафар раҳбари ва вакили Сенатга ташриф буюрди. Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган 62 та дипломатик ваколатхона ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Сенат раҳбарияти ва аъзолари билан учрашувлари ташкил этилди. Парламентлар ўртасида алоқалар ўрнатиш ва уларни ривожлантириш, парламентларнинг иш тажрибаси билан танишиш, тажриба алмашиш мақсадида Сенат делегацияси хорижий мамлакатларга беш марта ташриф буюрди. Хусусан, Сенат раиси раҳбарлигидаги Сенат делегациясининг Францияга (2006 йил 7–10 ноябрь), Россия Федерациясига (2007 йил 4–5 июнь), Саудия Арабистонига (2008 йил 14–19 июнь); Ташқи ишлар бўйича қўмита

<sup>168</sup> Қаранг: Каримов И. А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Жаҳон инкирозларининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. Т. 18. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 115.

раиси бошчилигидаги Сенат делегациясининг Хитой Халқ Республикасига (2005 йил 15–21 июнь), Финляндияга (2007 йил 25–29 ноябрь) расмий сафарлари уюштирилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон парламенти аъзолари президентлик ва парламент сайловларида халқаро кузатувчилар сифатида саккиз бор иштирок этдилар, шунингдек тож кийдириш маросимларида ва парламентлар дастлабки йиғилишининг тантанали очилишларида қатнашдилар. Сенаторлар конференция ва семинарларда иштирок этиш учун 19 та мамлакатга ташриф буюрдилар<sup>169</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлган халқаро муносабатлар хорижий мамлакатларнинг парламентлари ва ҳукуматлари, халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг элчихоналари билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликнинг турли шакллари орқали амалга оширилмоқда. Айниқса, 2010–2014 йилларда бир қатор тадбирлар, жумладан чет эл парламентларининг вакиллари, сиёсатчилари ва дипломатлари билан музокаралар олиб бориш учун ўзаро ташрифлар ўтказилди. Қонунчилик палатасида чет эл парламентлари билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда Япония, Буюк Британия, Канада, Франция, Италия, Корея Республикаси, Латвия, Бельгия каби мамлакатлар ҳамда Европа Иттифоқига аъзо яна тўққизта мамлакат парламенти билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузилган<sup>170</sup>.

2010–2014 йиллардаги даврда қабул қилинган чет эл делегациялари сони 259 тани ташкил этди, бунда уларнинг асосий қисми (130 дан зиёди) хорижий мамлакатлар пар-

<sup>169</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг идоравий архиви. Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг 2005–2009 йиллар фаолияти тўғрисида хисоботи. Индекс № 16/1-02. 1-рўйхат, 318-иш, 20–22-варақлар.

<sup>170</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг идоравий архиви. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг 2010–2014 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ахборот. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг идоравий архиви. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг баённомалари папкаси. – Б. 143.

ламентлари ва ҳукуматларининг вакиллари дир. Ўтган давр билан қиёслаганда Қонунчилик палатасига келган давлат ва ҳукумат бошлиқлари, парламентлар раҳбарлари, шунингдек бошқа юқори мартабали шахсларнинг сони сезиларли даражада кўпайди. Жумладан, чет эл парламентларининг раҳбарияти билан 12 марта учрашув ўтказилди. ХХР Бутунхитой халқ вакиллари йиғилишининг раиси У. Банго, Саудия Арабистони Қироллиги Консульгатив кенгашининг раиси Абдулла Шайх, Корея Республикаси парламентининг спикери Пак Хи Тэ, Россия Федерацияси Федерал йиғини Федерация кенгашининг раиси В. Матвиенко, Ҳиндистон Бош вазири – Парламент юқори палатасининг раиси Х. Ансори, Венгрия Миллий Кенгашининг раиси Л. Кёвер, Малайзия Сенатининг Президенти Тан Сари Абу Заҳар Уджанг ана шулар жумласидандир.

Чет эллик меҳмонларни қабул қилиш билан бирга, амалий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида хорижий мамлакатларга делегациялар жўнатиш Қонунчилик палатаси халқаро фаолиятининг ҳам муҳим жиҳати бўлди. 2010–2014 йиллар мобайнида Европа, Осиё ва Шимолий Америка қитъаларидаги мамлакатларга Қонунчилик палатасидан 84 та делегация юборилди. Жами Қонунчилик палатаси Девонининг чет эл сафарларига юборилган депутатлари ва ходимларининг сони 155 кишини ташкил этди. Халқаро муносабатларни ривожлантиришда Европа Иттифоқи мамлакатлари асосий йўналиш бўлди. Ушбу мамлакатларга 50 марта ташриф буюрилди<sup>171</sup>.

Шундай қилиб, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлаш доирасида қуйи ва юқори палаталар томонидан мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш, ташқи сиёсий масалаларни ҳал қилишда ёрдам кўрсатишга мўлжалланган фаол дипломатик ишлар

<sup>171</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг идоравий архиви. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг 2010–2014 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ахборот. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг идоравий архиви. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг баённомалари папкаси. – 144–145-варақлар.



олиб борилди. Парламент делегациялари алмашуви мунтазам кенгайиб, халқаро алоқалар мустаҳкамланди.

Олий Мажлис халқаро фаолиятининг муҳим йўналишларидан яна бири Европа парламенти билан ҳамкорлик бўлиб, ҳар икки томон ўртасида кенг қамровли муносабатлар ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги Битим доирасида яратилган «Ўзбекистон – ЕИ» Парламент ҳамкорлиги қўмитаси (ПХҚ) йиғилишлари бунинг тасдиғидир. Парламент ҳамкорлиги қўмитасининг 2010–2014 йилларда ўтказилган учта мажлисидан иккитаси Тошкентда, биттаси Брюсселда бўлиб ўтди<sup>172</sup>.

Палаталар раҳбарияти Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган элчихоналар ва халқаро ваколатхоналар раҳбарлари билан доимий асосда учрашувлар ўтказмоқда. Депутатлар ва сенаторлар халқаро ташкилотлар ҳомийлигида Тошкентда ўтказиладиган халқаро анжуманлар, форум ва семинарларда мунтазам иштирок этди.

Парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлашнинг бошқа бир муҳим йўналиши депутатлар ва сенаторларнинг халқаро кузатувчилар сифатида иштирок этишидир. Парламент аъзолари ушбу йўналишда турли мамлакатлардаги референдумларда президентлик ва парламент сайловларида иштирок этмоқда.

2016 йил 13 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш, жаҳон миқёсида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, вилоятлар ҳудудларига чет эл инвестициялари ва замонавий технологияларни жалб қилиш, туризмни ривожлантириш, мамлакатнинг халқаро имижини мустаҳкамлаш, шунингдек ушбу соҳалардаги парламент назоратини кучайтириш мақсадида Сенат раисининг биринчи ўринбосари лавозимини жорий этиш ҳақида қарор қабул қилинди ва бу лавозимга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати-

<sup>172</sup> Ўша манба. – 143-варақ

нинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси Содиқ Сафоев сайланди<sup>173</sup>.

Ўзбекистонда парламент дипломатиясини ривожлантириш мақсадида нафақат халқаро битимларни рўйхатдан ўтказиш тартиби ва қўллаш мониторингидан фойдаланилди, балки парламентлараро ташкилот ва уюшмаларда иштирок этиш, давлатлараро ва ҳукуматлараро тузилмалар билан ҳамкорлик қилиш, давлатнинг ташқи сиёсий ташаббусларини ҳаётга жорий этиш орқали парламент фаолияти барча йўналишларда такомиллаштирилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик механизми ташқи сиёсий, ташқи иқтисодий тузилмалар ва парламент идораларининг мураккаб тизимидан иборат бўлиб, буларнинг ҳар бири ўз ваколатлари доирасида ташқи сиёсат мақсадларига эришишга кўмаклашди. Шу ўринда дипломатик фаолиятга турлича ёндашув мамлакат дипломатияси олдида турган вазифаларнинг мураккаблигидан келиб чиқишини таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятида мутаносибликни шакллантириши дипломатияга таянадиган барча жойларда маъқулланадиган миллатлараро даражадаги норматив мантқиқ ифодаси сифатида баҳоланади<sup>174</sup>. Бу жараён дипломатиянинг табиати асосида қарор топган.

Дунё тартиботини ўзгартираётган глобаллашув шароитида оммавий дипломатияни ривожлантириш зарурати кучаймоқда. Жумладан, чет эл оммавий ахборот воситаларининг эътибори оммавий дипломатиянинг давлат олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатга ижобий қарашларини, давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ички сиёсий ва халқаро ҳаётга нисбатан расмий ёндашуви тўғрисидаги ишончли ахборотни халқаро жамоатчиликка етказишга қаратилган. Оммавий дипломатиянинг вазифаси – халқаро

<sup>173</sup> Содиқ Сафоев Сенат раисининг биринчи ўринбосари бўлди <http://kun.uz/news/2016/12/13/sodik-safoev-senat-raising-birinci-urimbosari-buldi>

<sup>174</sup> March J. G., Olsen J. P. Rediscovering Institutions. The Organizational Basis of Politics // The Free Press. – New York, 1989. – С. 22.

майдонда муайян давлат ҳаракатларининг хорижий мамлакатлар жамоатчилиги томонидан, шу жумладан ўз мамлакатни фуқаролари ва хорижий шериклар ўртасидаги мулоқотни кенгайтириш орқали қўллаб-қувватланишини таъминлаш.

«Оммавий дипломатия» ибораси Тафт университети ҳуқуқ ва дипломатия мактабининг декани Эдмунд Галлион томонидан 1965 йилда илмий муомалага киритилган. Унинг фикрича, оммавий дипломатиянинг вазифаси бошқа мамлакатларга ахборот етказиш орқали ижтимоий фикрга таъсир этишга йўналтирилган ва ҳукумат томонидан молиялаштириладиган дастурлар ишлаб чиқишдир<sup>175</sup>.

Халқаро тажрибага эътибор берсак, жаҳоннинг ривожланган ва етакчи давлатлари оммавий дипломатиядан унумли фойдаланаётгани кўзга ташланади. Масалан, АҚШ ОАВларида Вашингтон ташқи сиёсатининг ўткир қирраларини «силлиқлашга» мойиллик кузатилади. Бу ерда «CNN самараси» номли назария ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ кечаю кундуз ахборот етказишнинг ривожланган тармоғи Америка халқининг мамлакат ташқи ва ички сиёсати борасидаги фикрини шакллантиради. Шу орқали ОАВ АҚШни дунёга демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси сифатида кўрсатмоқда. АҚШ миллий ижтимоий радиосидаги «This American Life» шоуси билан боғлиқ бир кўриниш бунинг ёрқин мисолларидан биридир. Мазкур шоу электрон журналистика соҳасидаги буюк хизматлар учун бериладиган ўта нуфузли Пибоди мукофотида сазовор бўлган. Шоуда 1982 йилда бутун бир қишлоқ аҳли ёвузларча ўлдирилгани тўғрисида ҳикоя қилинади<sup>176</sup>. Аммо эшиттириш муаллифлари бу ишларда АҚШнинг ҳам роли борлигини «унутиб қўйган».

Россия президентининг маъмуриятида ташқи сиёсатга оид ахборот таъминоти учун масъул тузилмалар мавжуд. РФ президенти матбуот хизмати бошқармасининг аккредита-

<sup>175</sup> Wolf Ch. Jr., Rosen B. Public Diplomacy: How to Think about and Improve It // [www.rand.org](http://www.rand.org)

<sup>176</sup> [www.thisamericanlife.org/radio-archives/episode/465/what-happened-at-dos-eres](http://www.thisamericanlife.org/radio-archives/episode/465/what-happened-at-dos-eres).

ция ва брифинглар бўлими ОАВ билан ташкилий ишларни юритиш, хусусан РФ президентининг сафардаги учрашув ва нутқларини ахборотда ёритиш учун хизмат қилади. Тезкор ахборот бўлими ОАВ мониторинги ва унинг яқунларига кўра тегишли ахборот материалларини тузиш билан шуғулланади, унда РФ президенти фаолиятининг ОАВдаги асосий баҳолари ўз аксини топади. 2009 йил май ойи охирида РФ президенти маъмуриятида хорижда Россиянинг қиёфасини яхшилашга мўлжалланган норасмий комиссия ташкил этилган эди. Бу тузилмага президент маъмуриятининг раҳбари ва унинг ўринбосари бошчилик қилади. ТИВ раҳбари ва халқаро масалалар бўйича президент ёрдамчиси ҳам шу комиссия таркибига киритилган. Янги ташкилотнинг вазифаси салбий ахборот сабаблари пайдо бўлишининг олдини олиш, бунга йўл қўймастик ҳамда уларга қарши кураш стратегиясини ишлаб чиқишга қаратилган.

Шунингдек, инкирозли вазиятлар вужудга келганда алоқани таъминлаш учун хорижга чиқиб кетаётган фуқаролар билан мулоқот қилишнинг бевосита каналларини яратиш амалиётидан ҳам фойдаланилди. Масалан, МТС уяли операторининг барча мижозлари хорижга келгач Россия элчихоналари билан фавқулодда боғланиш учун телефон рақамлари кўрсатилган бепул SMS хабарлари оладилар. 2012 йил август ҳолатига кўра, Россия ТИВ сайтида 45 та Twitter-аккаунтлар ҳисобга олинган бўлиб, улардан иккитаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Геннадий Гатиловга ва Россиянинг Буюк Британиядаги элчиси Александр Яковенкога тегишлидир. Яқинда Россия ТИВ веб-сайти интерфейси янгиланди. Шу билан бирга, 2012 йил июнь ойида Россия ТИВ YouTube да биринчи аккаунтни ишга туширди. Бундан ташқари, тез орада Facebook да муассасалар саҳифаларини яратиш ва Twitter даги элчихоналар микроблоглари сонини кўпайтириш режалаштирилди.

Россияда ташқи сиёсатни ахборот билан таъминлашни ташкил этишдаги мувофиқлаштирувчи роль ТИВ ахборот ва матбуот департаментига (АМД) юклатилган. АМД тарки-

бида бир неча бўлимлар мавжуд. Улар орасида тезкор ахборот бўлимининг фаолият соҳаси – ташқи сиёсий масалалар бўйича расмий ахборотни бевосита тарқатиш, бошқача айтганда, Россиянинг хорижий муаммоларга расмий ёндашуви-ни Россия ва жаҳон жамоатчилигига етказишдир.

Россия ТИВ ОАВлар билан ишлаш бўлимининг вазифаси Россия ОАВнинг вакиллари билан ҳамкорлик қилишдир. Унинг фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири – ташқи ишлар вазирининг хорижга сафарларини ахборот билан таъминлаш. ОАВ тезкор мониторинги бўлими маҳсулотнинг уч тури – тезкор маълумотлар, матбуот шарҳи ҳамда марказий сиёсий матбуот учун ташқи сиёсий шарҳ – яратиш билан шуғулланади. ОАВларда ташқи сиёсий ҳодисаларни ёритишдаги ўзига хосликларни кузатиб бориш ҳам шу бўлимнинг вазифасига киради.

Айни вақтда Россия ташқи сиёсатини ахборот билан таъминлашда йирик ахборот агентликлари иштирок этаётганини таъкидлаш жоиз. Булардан энг йириги ИТАР-ТАСС бўлиб, у Россия ва МДХ мамлакатларида 80 дан ортиқ, узоқ хориж мамлакатларида 60 га яқин бўлинма ва мухбирлик пунктларига эга. Агентлик ахборотнинг 45 та тезкор тасмаларини чиқаради, улардан олтитаси чет тилларда чиқади. Россиянинг «Новости» Халқаро ахборот агентлиги (РАА) бутун Россия ва хориждаги шу каби агентликлар орасида энг кўп иқтибос келтириладиган манба бўлиб, бу кўрсаткич бўйича агентлик нафақат ОАВда, балки рус тилидаги блоглар орасида ҳам етакчилик қилмоқда. Агентлик ўз сайтларини 14 тилда юритади, 20 дан ортиқ янгиликлар тасмаларини яратади, жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатларида ваколотхоналари ва мухбирлик пунктларига, хорижда чиқадиган босма ОАВ нашрларига эга.

«Интерфакс» аввал бошданок хорижда Россия тўғрисида ҳаққоний ахборот тарқатишга мўлжаллаб ташкил қилинган эди. Мазкур агентлик «Интерфакс-Америка», «Интерфакс-Европа», «Интерфакс-Германия» сингари шўъба қорхоналарига, минтақалар ва МДХ мамлакатларида иш юритувчи

алоҳида ахборот агентликларига эга. Бу эса ахборотнинг бузиб кўрсатилиши ва салбий изоҳлар берилиши хавфини анча камайтирган ҳолда, чет эл фуқароларига ахборотни тўғридан-тўғри, воситачиларсиз етказиш имконини беради. Агентлик ишидаги бундай ўзига хослик унга ташқи сиёсий ахборотни етказишнинг самарали канали бўлиш имконини беради. «Голос России» давлат радиоэшиттиришлар компанияси ва «Russia Today» телеканали халқаро хабар етказиш воситалари бўлиб, жаҳон жамоатчилигига Россия нуқтаи назарининг етказилишини таъминламоқда<sup>177</sup>.

Шундай қилиб, бугун хорижий аудиторияга таъсир кўрсатиш учун ташқи сиёсий фаолият тарғиботининг захираси ва воситаси сифатида рақамли дипломатиядан кенг фойдаланишга мойиллик кузатилмоқда. Масалан, оммавий дипломатия ижтимоий тармоқлардаги мулоқот билан тўлдирилди. Бунинг оқибатида «твиломаси»<sup>178</sup> пайдо бўлди, ижтимоий тармоқларга кираётган президентлар, бош вазирлар, вазирлар, ташқи сиёсий муассасалар раҳбарлари ва элчилар эса «твиломатларга» айланиб бормоқда<sup>179</sup>. Ташқи сиёсатни тарғиб қилиш воситаси сифатидаги янги медиа ресурслар (ижтимоий тармоқлар, блоглар) хорижий аудиторияга улкан таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда деярли ҳар бир фуқаро, агар истаса, реал вақт тартибида ҳар қандай ташқи сиёсий ҳодисага ва қандайдир мамлакатнинг тарғиботига қўшилиши ва ҳатто муайян таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай шароитда ташқи сиёсатни тарғиб қилиш воситаси сифатидаги таҳлилий, ижтимоий-сиёсий медиа-лар ва ННТлар алоҳида ролга эга.

Соҳадаги ушбу тамойиллар давлат дипломатик фаолият-

<sup>177</sup> Официальный сайт Международной информационной группы «Интерфакс» // [www.group.interfax.ru](http://www.group.interfax.ru)

<sup>178</sup> Твиломаси – «твиттер» ва «дипломатия» сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган сўз бўлиб, информацион жамият шароитида давлатнинг расмий шахслари (твиломатлар) ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда жамоатчиликни ўз томонига оғдириши.

<sup>179</sup> Сайфуллаев Д. Б. Информационное обеспечение внешней политики государства: сравнительный анализ опыта России и США // Вестник ПАГС. – 2014. – № 1. – С. 42.

тининг таркибий қисми сифатида мамлакатнинг янги ташқи сиёсий қиёфасини шакллантириш борасида ялпи ва узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқилишини тақозо этмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларнинг замонавий суръати эҳтиёжларини қондиришга, давлат ташқи сиёсатини самарали амалга оширишга имкон яратади, Ўзбекистоннинг холис қиёфасини шакллантиришда ёрдам беради.

Таҳдилларнинг кўрсатишича, ушбу йўналишдаги фаолият айрим вазирлик ва муассасалар билан бирга халқаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда хорижда Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш борасидаги давлатнинг муҳим вазифаси сифатида оммавий дипломатияни ривожлантиришга эътибор кучая бошлади. Хусусан, 1995 йил ноябрда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотларнинг бориши, жамиятдаги демократик янгиланишлар жараёни тўғрисида холис ахборот тарқатиш, миллий ва халқаро ахборот агентликлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, республикамизнинг жаҳон ахборот маконига қўшилишини тезлаштириш мақсадида «Жаҳон» ахборот агентлиги ташкил этилган<sup>180</sup>. 2016 йил 3 августдан «Youtube» интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг канали ўз ишини бошлади<sup>181</sup>. 2016 йил 10 ноябрда эса мамлакат ташқи ишлар вазирининг виртуал қабулхонаси очилди<sup>182</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия хизмати давлат олий раҳбарияти томонидан белгиланган ташқи сиёсий вазифаларни бажариш воситасидир. Шу аснода, ташқи ва

<sup>180</sup> Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги // Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти // <http://mfa.uz/uz/about/subordinate/>

<sup>181</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг youtube тармоғидаги расмий канали // [www.youtube.com/channel/UCeYfCfsLf6WtH-C2Je8DVoA](http://www.youtube.com/channel/UCeYfCfsLf6WtH-C2Je8DVoA)

<sup>182</sup> Открыта виртуальная приемная Министра иностранных дел Узбекистана // Информационное агентство УзРепорт // [http://news.uzreport.uz/news\\_3\\_r\\_145971.html](http://news.uzreport.uz/news_3_r_145971.html)

ички омиллардаги ўзгаришларни, халқаро майдондаги янги хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда унинг муайян роли, фаолият шакллари ва усулларини чуқур ислоҳ қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамон долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ижобий қиёфасини яратиш борасидаги асосий иш Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг хориждаги муассасалари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, шунингдек республика Савдо-саноат палатасининг зиммасига тушади. Аммо уларнинг жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг халқаро имижини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари деярли мувофиқлаштирилмаган, ушбу йўналишда улар фаолиятининг ягона режаси мавжуд эмас. Шунингдек, пиар (тарғибот ва ташвиқот) ва лобби соҳасида малакали кадрлар етишмаслиги ҳам кузатилмоқда. Оммавий дипломатиянинг самардорлиги кўп жиҳатдан ана шуларга ҳам боғлиқ. Бу республикада ўз кадрлари салоҳиятини ривожлантириш ҳамда уларнинг сафини мунтазам равишда кенгайтириб бориш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон оммавий дипломатиясидаги бугунги вазиятни бир хилда баҳолаб бўлмайди, чунки турли вазирлик ва муассасалар томонидан ушбу соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар уларнинг фаоллик даражасига кўра бир-биридан кескин фарқ қилади. Ушбу чора-тадбирларнинг натижаси жаҳондаги долзарб муаммоларга муносабатда республика роли ва мавқеининг ўсишида, халқаро муаммолар бўйича Ўзбекистон томони илгари сурган муҳим ташаббусларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланиши, мамлакатга хорижий сармоялар ва сайёҳлар оқимининг кўпайиши, жаҳон бозорларига экспорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажмининг ортиши кабиларда намоён бўлади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, қўлга киририлган аниқ натижани, оммавий дипломатиянинг саъй-ҳаракатларини баҳолаш учун анча кўп вақт талаб қилиниши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон дипломатияси мустақилликнинг дастлабки йилларида замонавий дипломатияга хос кенг қўламли масалаларни ҳал қилишга киришди. Бу кейинги йилларда мамлакатнинг халқаро нуфузи ошиб боришига асос яратди. Дипломатия мавжуд муаммоларни тажриба асосида, миллий манфаатларга ҳамда халқаро ҳуқуқ принциплари ва меъёрлари талабларига таянган ҳолда оқилона ҳал қилишга интиланган тарзда «йўл-йўлакай» шаклланди. Тинчлик ва барқарорликка эришишда икки ва кўп томонлама халқаро муносабатларнинг парламент дипломатияси, иқтисодий дипломатия каби усуллари яхши самара берди.

Буларнинг барчаси мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига изчил ва ҳар томонлама дадил кириб боришига, Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, фан, маданият, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорлик қилиши учун имкон яратди.

### **3.2-§. Минтақавий муаммолар ечимида Ўзбекистон дипломатиясининг фаолияти**

Марказий Осиё минтақасига салбий таъсири тобора кучайиб бораётган муаммолар минтақалараро умумий манфаатлар ва қадриятларга асосланган ҳамда минтақа хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашга имкон яратувчи минтақавий дипломатияни шакллантириш заруратини юзага келтирди. Умумий муаммоларни ҳал қилиш борасида Марказий Осиё давлатларининг кенг доирадаги дипломатик фаоллиги бунинг асосий шартига айланди.

Бугунги кунда Марказий Осиё минтақасининг муаммоли масалаларига асосан Ўзбекистон миллий хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан ёндашилади. Тадқиқотчи У. Ҳасановнинг фикрича, бунга сабаб шуки, «Совет Иттифоқининг таназзули ва шўролардан қолган маконда ўзининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий устуворликларига эга янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши Марказий Осиёда буткул янги геосиёсий вазиятни вужудга келтирди.

Минтақадаги янги мустақил давлатлар олдида ички ижтимоий-сиёсий бирлашув, ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларни кенгайтириш вазифаси пайдо бўлди. Буларнинг барчаси уларнинг ҳар бири олдида илгари мавжуд бўлмаган миллий хавфсизлик масалаларини кўтариб чиқди»<sup>183</sup>.

Аммо минтақавий дипломатиянинг вужудга келиши ва ривожланиши минтақада хавфсизликни таъминлашнинг барча ўзига хос жиҳатларини қамрай олмайди. Бугунги кунда нафақат ушбу масалага кенгроқ ёндашиш ҳамда миллий ва маҳаллий хавфсизликка таҳдид ва хатарларни келтириб чиқарадиган шароитларни пухта ўрганиш, балки Марказий Осиё минтақаси ривожига тўсиқ бўлаётган омилларни таҳлил қилиб, хулосалар чиқариш ҳам зарур. Айрим омиллар тизимли хусусиятга эгаллиги ва тарихий жараёнлар шароитида шаклланиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантириш муаммолари, аввало, ушбу ҳудудда жойлашган давлатларнинг мазкур масала юзасидан умумий фикрга, тўхтамга келмаганлигидадир. «Минтақавий хавфсизликнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш натижасида, – деб ёзади И. Бобоқулов, – ҳозирги вақтда минтақа давлатларининг энг долзарб халқаро-ҳуқуқий муаммолар бўйича келишувга эриша олмагани ҳолатини қайд этишга тўғри келади. Шунингдек, халқаро-ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишнинг муайян вазифаларини турлича тушуниш мавжуд, умумий муаммоларни ҳал қилишда халқаро битимларни қўллаш масаласида томонларнинг қарашлари турлича экани ҳолати ҳам бор»<sup>184</sup>.

Янги миллий давлатчиликни шакллантириш ва мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида миллий манфаатлар устун қўйилиши табиий ва шубҳасиздир. Бу ҳам минтақавий дипломатиянинг самарали амалга оширилишига салбий таъсир ўтказмоқда. Шу ўринда «минтақавий

<sup>183</sup> Ҳасанов У. А. Региональная безопасность и национальные интересы (Центральноазиатский регион). – М.: Вагриус-плюс, 2004. – С. 78.

<sup>184</sup> Бобоқулов И. И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. – Т.: УМЭД, 2010. – С. 148–150.

дипломатия» тушунчасини ҳам ойдинлаштириб олишимиз зарур. Энг аввало, гап ривожланишнинг долзарб масалалари бўйича минтақа мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги масалаларини тизимли равишда ҳал этишга қодир дипломатик фаолият тўғрисида бормоқда. Биз минтақавий дипломатия деганда, кўпроқ минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатларни назарда тутамиз. Муайян минтақавий муаммога нисбатан дипломатик саъй-ҳаракатлар тўғрисида сўз юритилган бўлса, «минтақавий дипломатия» тушунчаси қўшни давлатлар доирасида икки томонлама асосда амалга оширилган чоралар ва шартномалар мажмуини англатади.

Шу маънода, минтақавий дипломатия асосида умумгеографик, иқтисодий, маънавий-тарихий, маданий-цивилизация ва сиёсий манфаатлар қарор топган. Ташқи сиёсатнинг уйғунлаштирилган мақсадларини амалга оширишга давлатларнинг минтақавий маконда ўзаро боғлиқ ҳаракатларини бирлаштириш киради.

Бир қатор тадқиқотларда кўп томонлама дипломатия минтақавий, минтақалараро ва субминтақавий дипломатияга бўлинади. Дарвоқе, «субминтақа» тушунчасининг аниқ таърифи мавжуд эмас. Масалан, А. В. Торкунов раҳбарлигидаги мутахассислар минтақа ва субминтақанинг институционал-ҳуқуқий фарқини белгилаш қийинлигининг бир қатор сабаблари бор, деб ҳисоблашади<sup>185</sup>. Масалан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти минтақавий ташкилот ҳисобланади, ЕХХТнинг ҳудудий қамровида жойлашган МДҲ ҳам минтақавий ташкилотдир. Шу аснода, ўз таркибига кўра Ҳамдўстликдан кичикроқ бўлган КХШТ ҳам буткул қонуний тарзда БМТ Низомининг VIII боби маъносида минтақавий ташкилот мақомига даъвогарлик қилмоқда.

Бошқа томондан, Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ҚИХТ) ёки Болтиқ денгизи давлатлари кенгаши (БДДК) денгиз хавзаларига «боғланган» ташкилотларнинг

<sup>185</sup> Современные международные отношения. Учебник. – М.: Аспект Пресс, 2012. – С. 383.

субминтақавий хусусиятга эга эканлиги шубҳа уйғотмайди<sup>186</sup>. Шу нуқтаи назардан, ШХТга таъриф бериш қийинроқ, чунки у Евросиё нуқтаи назаридан – субминтақавий, Европа ва Осиё нуқтаи назаридан – минтақалараро, глобал маънода эса минтақавий ташкилотдир.

Минтақавий дипломатия ривожланиши учун муайян шароитлар бўлиши зарур. Уларнинг моҳияти юқорида баён этилган минтақавий дипломатия таърифининг ўзида акс этган. Аммо давлатларнинг сиёсий иродаси биринчи шарт эканини қўшиб қўйиш зарур. Худудий умумийлик, транспорт йўллари, сув хўжалиги ва энергетика объектларидан биргаликда фойдаланиш зарурати, шунингдек халқларнинг маданий, тил ва маънавий жиҳатдан яқинлиги фақат мақбул шароитлардир. Буларнинг ўзи минтақавий дипломатия ривожланиши учун ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қила олмайди. Устига-устак, муайян сиёсий шароитларда, давлатлараро зиддиятлар чуқурлашаётган ҳолатда ушбу омиллар бошқача маъно касб этиши ва минтақада яшаётган айрим миллатлар ўзлари сезмаган ҳолда бузғунчи миллатга айланишлари мумкин.

Марказий Осиё мамлакатлари барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда миллий ҳамда минтақавий манфаатларни уйғунлаштиришда минтақавий дипломатиянинг роли яққол сезилади. Нисбатан фаол минтақавий дипломатия минтақавий элиталарнинг яқинлашуви, уларда умумий «минтақавий онг» шаклланиши учун шароитлар яратади. Тадқиқотчи Н. Қосимова шу муносабат билан таъкидлаганидек, «минтақавий онг» тушунчасини назардан қочириб бўлмайди. «У кўпчилик тадқиқотчилар учун замонавий минтақалашувни таҳлил қилишда марказий нуқтага айланмоқда. Айрим миллатлар сингари минтақаларга ҳам ўзига хос жиҳатларга эга ҳамжамиятлар сифатида қараш мумкин. Минтақавий онг умумий маданият, тарих, диний анъаналар каби ички омиллар алоҳида

<sup>186</sup> Современные международные отношения. Учебник. – М.: Аспект Пресс, 2012. – С. 383.

роль ўйнайдиган ўзига хос ҳамжамиятга мансубликни келтириб чиқаради»<sup>187</sup>.

Ҳозирча Марказий Осиёда минтақавий дипломатия ўз ривожининг дастлабки босқичида турибди. Минтақавий манфаатлар тўлиқ англаб етилмаган ҳолда «тансчегаравий сув ҳавзаларидан биргаликда фойдаланиш», «эркин савдо», «трансмиллий транспорт коммуникацияларни ривожлантириш» сингари масалалар бўйича турлича қараш ва ёндашувлар юзага келади. Бунинг натижасида минтақа мамлакатлари тансчегаравий сув ҳавзаларидан фойдаланиш, экологияни асраш, диний экстремизм ғояларининг тарқалишига қарши курашиш, иқтисодий бирлашувга эришиш каби муаммоларни ҳал қилишда бир нуқтадан силжимаяпти.

Минтақавий дипломатия бугунги кунда фақат катта субминтақавий лойиҳа тариқасида ШХТ доирасидагина ривожланмоқда, бу ерда аъзо давлатларнинг ҳуқуқи тенг, аммо лойиҳа кенг кўламли эканлиги боис унда айрим давлатлар манфаатлари устуворлик қилмоқда. Туркменистон анъанавий жиҳатдан сиёсий бетарафлик мавқеини эгаллагани ҳолда, фақат Оролни қутқариш жамғармасига аъзо бўлиб, МДХга уюшган аъзо сифатида кирган. Ўзбекистон ЕвразЭСдан чиқиб (2008 йил), КХШТга аъзолигини тўхтатганидан сўнг (2012 йил) Марказий Осиё мамлакатлари фақат уч халқаро уюшма билан боғланиб турибди:

1. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (1991 йил).
2. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (1993 йил).
3. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (2001 йил)<sup>188</sup>.

Минтақавий манфаатлар уйғунлигининг заифлигига субъектив сабаблар ҳам таъсир кўрсатмоқда. Аввало, дипломатия сиёсатчилар бошқарадиган сиёсий механизм эканини ҳам назардан қочирмаслик зарур. Бу ерда кўп нарса уму-

<sup>187</sup> Касьмова Н. А. Соединенные Штаты Америки в региональных интеграционных процессах. Политико-экономический аспект. – Т.: УМЭД, 2002. – С. 15–16.

<sup>188</sup> См.: Тураева М. О. Транспортная инфраструктура стран Центральной Азии в условиях современной регионализации: Доклад. – М.: Институт экономики РАН, 2014. – С. 14.

мий манфаатларга таянадиган ҳамда лойиҳаларни халқаро ҳуқуқий нормалар асосида шакллантириш учун ўзаро ён беришни назарда туғувчи шартномаларга эришиш ёки мавжуд келишувларни бажаришга бўлган сиёсий иродага боғлиқ. Шу билан бирга, давлатлараро ҳамкорлик, стратегик шериклик учун юксак даражадаги ўзаро ишончга эришиш, узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш муҳим. Шу аснода, шерикларда жаҳон сиёсатининг асосий масалалари бўйича манфаатлар мос тушиши ёки бир-бирига яқин бўлиши муҳим. Бу уларга ўзларининг халқаро муаммолар бўйича нуқтаи назарларини уйғунлаштириш имконини беради<sup>189</sup>.

Ўзбекистон Республикаси минтақавий муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатларига боғлиқ бўлган Марказий Осиё минтақасининг тинчлиги ва фаровонлиги Республика ташқи сиёсий фаолиятининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепциясида минтақадаги тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, минтақавий хавфсизликнинг асосий муаммоларини, шу жумладан, Афғонистондаги вазиятни тартибга солишда кўмаклашиш борасидаги муаммоларни ҳал қилиш, тансчегаравий сув оқими захираларидан самарали фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш, чегараларни қайта белгилаш жараёнларини ниҳоясига етказиш, экологик барқарорликни таъминлаш, тансчегаравий таҳдидларга қарши кураш борасида самарали чоралар кўриш, барча қўшни мамлакатлар билан яқин, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш Марказий Осиё сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгилаб берилган.

Шунингдек, Концепцияда мазкур ташқи сиёсат йўналишларининг жуда муҳим принциплари ҳам мустаҳкамланган. Унда Ўзбекистон ўзининг яқин қўшниларига нисбатан очик, хайрихоҳликка асосланган, амалий сиёсат олиб бориши, минтақа давлатларининг уму-

<sup>189</sup> Иктибос манбаи: Бобоқулов И. И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. – Т.: УМЭД, 2010. – С. 147.

мий манфаатларини, долзарб сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммоларини ҳисобга олиб ҳал қилиши кўрсатилган. Бу билан Марказий Осиё минтақаси давлатларининг муаммолари ташқи кучлар аралашувисиз, ўзлари томонидан ҳал қилиниши лозимлигига яна бир бор эътибор қаратилади<sup>190</sup>.

Бундан мақсад:

энг аввало, Марказий Осиёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор тараққиёт минтақасига айлантириш;

иккинчидан, жаҳоннинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлари билан стратегик ҳамкорликнинг мувозанатлашган кўп қиррали тизимини шакллантириш, минтақада геосиёсий мувозанатни сақлаб туриш;

учинчидан, мавжуд ёки вужудга келаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш йўлларини топиш, Марказий Осиё минтақасидаги можароли вазиятларнинг олдини олиш учун сиёсий, дипломатик ва халқаро ҳуқуқий механизмлардан самарали фойдаланиш;

тўртинчидан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишда кўмаклашиш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш, трансчегаравий сув захираларидан оқилона фойдаланиш сингари минтақавий ва халқаро сиёсатнинг муҳим йўналишлари бўйича Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларини илгари суриш;

<sup>190</sup> Қаранг: Сафоев С. Ҳозирги замон халқаро муносабатлари ва парламентларо ҳамкорлик // XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари: Ўзбекистон Республикаси микёсида илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 24 март 2015 йил. – Б. 4–5; Жўраев Қ. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси ҳамда ташқи сиёсат ва минтақавий хавфсизлик масалаларини тадқиқ қилишнинг долзарб йўналишлари // Ўша манба. – Б. 7–8; Убайдуллаев З. С. «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни: ташқи сиёсатдаги ўрни ва моҳияти» (парламент амалиётидан) // Ўша манба. – Б. 15; Йингиталиев Ш. М. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси – миллий манфаатлар ва амалиёт уйғунлиги // «Ўзбек дипломатия мақбабининг шаклланиши ва ривожланиши масалалари» мавзусидаги давра суҳбаги материаллари. 2012 йил 22 сентябрь. – Т.: ЖИДУ, 2012. – Б. 6–14; Концепция тасдиқланди // XXI аср газетасининг расмий сайти // 21asr.uz/o-zlidep-fraktsiiasida/kontseptciia-tasdi-landi.html.

бешинчидан, минтақанинг географик жиҳатдан ёпиқлигини (денгиз йўлларидан узоқлигини) бартараф этиш учун истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, йирик жаҳон бозорларига ишончли чиқишни таъминловчи транспорт-коммуникация йўлларининг кўп турли тизимини шакллантириш.

Ўзбекистон мазкур тизимда асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон минтақа аҳолисининг қарийб ярми истиқомат қилаётган, Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар ва нотинчлик ҳукм сураётган Афғонистон билан бевосита чегарадош бўлган давлат сифатида таҳдид ва хавф-хатарнинг умумийлигини, Марказий Осиё минтақаси ва у ерда яшаётган халқлар тақдири учун масъулиятини яхши англайди<sup>191</sup>.

Шу боис Ўзбекистон афғон муаммосини ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда. Юқорида Ўзбекистон Республикасининг «6+2» ва «6+3» ташаббуслари тўғрисида сўз юритилган эди. Улар Афғонистондаги вазиятни изига тушириш жараёнида жаҳон ҳамжамияти фикрига таъсир кўрсатди. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов МДХ давлатлари раҳбарлари кенгаши тор доирадаги таркибининг 2013 йил 28 октябрда бўлиб ўтган йиғилишидаги нутқида: «Бугун дунёдаги аксарият мамлакатлар ва халқаро экспертлар ҳамжамияти афғон муаммосини ҳал этишнинг ягона йўли – бу, жафокаш Афғонистон давлати муаммосининг сиёсий тинч ечимини топиш, ўзаро курашаётган турли томонлар ўртасида БМТ шафелигида музокаралар ўтказиш ва муросага келиш зарур, деган хулосага келмоқда»<sup>192</sup>, – деган эди. Шу маънода, дипломатик стратегия ҳам Ўзбекистон Афғонистонга қўшни мамлакат сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик сиёсатига қатъий риоя қилаётгани билан изоҳланади.

<sup>191</sup> Каримов И. А. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзланган нутқ // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 233.

<sup>192</sup> Каримов И. А. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлисида сўзланган нутқ // Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т. 22. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 62.



Ўзбекистоннинг ушбу масалага ёндашуви хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун минтақадаги барча мамлакатлар иштирокида чоралар кўришга даъватни ўз ичига олган эди. Афғонистон 35 йилдан ортиқ вақт мобайнида уруш ҳолатидан чиқмаётгани, иқтисодиётининг ниҳоятда ночорлиги ҳамда бугунги кунда вояга етган ёшларнинг аксарияти қурол ушлаш ва ундан фойдаланишдан бошқа нарсани эплай олмаслиги ҳисобга олинган бўлса, вазиятнинг ниҳоятда мураккаблиги яққол намоён бўлади.

Муаммонинг сиёсий ечимини топишга даъват 2014 йилда бўлиб ўтган Афғонистондаги сайловлар масаласига ҳам тегишли эди. Бунга боғлиқ ҳолда Ислоҳ Каримов: «Бундай шароитларда ҳар бир мамлакат ўзи қабул қиладиган чоратадбирларни амалга ошириши, шунингдек Афғонистондан қўшинларни чиқариш жараёнида ён-атрофдаги мамлакатларга зиён етказмаслигидан манфаатдор томонларнинг ўзаро мувофиқлашган ва маслаҳатлашган ҳолда иш тутиши, энг муҳими, юзага келаётган шароитда аввало Афғонистоннинг ўзида тартибсизлик ва зўравонликка йўл қўймаслик мамлакатларимиз ва умуман, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу борада манфаатдор қудратли давлатлар амалий ёрдам кўрсатиши муҳим ва даркор»<sup>193</sup>, – деган эди.

Орадан бир йил ўтиб, Афғонистондаги вазият ёмонлашгач, МДХ давлатлари раҳбарлари Кенгашининг 2015 йил 15-16 октябрда бўлиб ўтган йиғилишида Президент Ислоҳ Каримов сиёсий бошқарувнинг устуворлиги ёндашувидан чекинмаган ҳолда босқинчи тўдалар Афғонистоннинг жанубидан шимолга ва шимоли-шарққа кўчаётгани, бинобарин, чегара ҳудудларида кескинлик ортаётгани борасидаги ташвиши ва хавотирини баён қилган эди. 2015 йилнинг кузида толиблар томонидан мамлакатнинг айрим ҳудудларини эгаллаб олишга уриниш бу ҳаракат ҳанузгача сезиларли

<sup>193</sup> Каримов И. А. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқ // Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислоҳотлар йўлининг тасдиғидир. Т. 22. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 63.

ҳарбий салоҳиятга эга эканидан далолат берди.

Шу боис, Афғонистон қуролли кучлари ҳозирча толибларга қарши мустақил равишда курашишга, ҳукумат эса мамлакат хавфсизлиги нуқтаи назаридан вазиятни тўлиқ назорат қилишга қодир эмас. Ислоҳ Каримов шуни ҳисобга олиб, Ироқнинг аянчли тажрибаси такрорланмаслиги учун, кўплаб таҳлилчиларнинг фикрига таянган ҳолда, Афғонистонда АЙСАФ ҳарбий қўшинлари сонини кўпайтириш ва хизмат муддатини бир неча йилга узайтиришга чақирган эди: «Афғонистондаги вазият қандай кечишидан қатъи назар, шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Афғонистон муаммосини фақат бир йўл, яъни БМТ шафелигида тинч сиёсий музокаралар ўтказиш ва ўзаро курашаётган томонларни муросага келтириш орқалигина ҳал этиш мумкин. Бошқа йўл йўқ»<sup>194</sup>.

Шунингдек, Сурия ва Ироқ ҳудудларида зўравонликка асосланган ҳарбий хуружлари ҳамон давом этаётган ИШИД вакиллари Афғонистон ҳудудига суқилиб кираётгани тўғрисида маълумот пайдо бўла бошлади. АЙСАФ тинчликпарвар кучларининг олиб чиқиб кетилиши ҳамда ИШИД жангариларининг Афғонистонга суқилиб кириши эҳтимоли бўлган шароитларда дипломатиянинг вазифаси айрим сиёсий кучлар ҳамда уларни қўллаб-қувватловчи давлатларнинг тартибсизлик ўрнатишга уринишларига тўсқинлик қилувчи сиёсий, иқтисодий механизмларни излашдан иборат бўлиши лозим.

2015 йилнинг 9-10 июль кунлари Россия Федерациясининг Уфа шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги мажлисида Ислоҳ Каримов афғон муаммосининг ҳарбий ечими йўқлиги, тинч сиёсий музокаралар орқали, донор мамлакатлар ва БМТнинг фаол иштирокида молиявий-иқтисодий

<sup>194</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди // Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг расмий сайти // [uza.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-islom-karimov-17.10.2015](http://uza.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-islom-karimov-17.10.2015).

Ўзбекистоннинг ушбу масалага ёндашуви хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун минтақадаги барча мамлакатлар иштирокида чоралар кўришга даъватни ўз ичига олган эди. Афғонистон 35 йилдан ортиқ вақт мобайнида уруш ҳолатидан чиқмаётгани, иқтисодиётининг ниҳоятда ночорлиги ҳамда бугунги кунда вояга етган ёшларнинг аксарияти қурол ушлаш ва ундан фойдаланишдан бошқа нарсани эплай олмаслиги ҳисобга олинадиган бўлса, вазиятнинг ниҳоятда мураккаблиги яққол намоён бўлади.

Муаммонинг сиёсий ечимини топишга даъват 2014 йилда бўлиб ўтган Афғонистондаги сайловлар масаласига ҳам тегишли эди. Бунга боғлиқ ҳолда Ислон Каримов: «Бундай шароитларда ҳар бир мамлакат ўзи қабул қиладиган чоратadbирларни амалга ошириши, шунингдек Афғонистондан қўшинларни чиқариш жараёнида ён-атрофдаги мамлакатларга зиён етказмаслигидан манфаатдор томонларнинг ўзаро мувофиқлашган ва маслаҳатлашган ҳолда иш тутиши, энг муҳими, юзага келаётган шароитда аввало Афғонистоннинг ўзида тартибсизлик ва зўравонликка йўл қўймаслик мамлакатларимиз ва умуман, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу борада манфаатдор қудратли давлатлар амалий ёрдам кўрсатиши муҳим ва даркор»<sup>193</sup>, – деган эди.

Орадан бир йил ўтиб, Афғонистондаги вазият ёмонлашгач, МДХ давлатлари раҳбарлари Кенгашининг 2015 йил 15-16 октябрда бўлиб ўтган йиғилишида Президент Ислон Каримов сиёсий бошқарувнинг устуворлиги ёндашувидан чекинмаган ҳолда босқинчи тўдалар Афғонистоннинг жанубидан шимолга ва шимоли-шарққа кўчаётгани, бинобарин, чегара ҳудудларида кескинлик ортаётгани борасидаги ташвиши ва хавотирини баён қилган эди. 2015 йилнинг кузида толиблар томонидан мамлакатнинг айрим ҳудудларини эгаллаб олишга уриниш бу ҳаракат ҳанузгача сезиларли

<sup>193</sup> Каримов И. А. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқ // Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т. 22. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 63.

ҳарбий салоҳиятга эга эканидан далолат берди.

Шу боис, Афғонистон қуролли кучлари ҳозирча толибларга қарши мустақил равишда курашишга, ҳукумат эса мамлакат хавфсизлиги нуқтаи назаридан вазиятни тўлиқ назорат қилишга қодир эмас. Ислон Каримов шуни ҳисобга олиб, Ироқнинг аянчли тажрибаси такрорланмаслиги учун, кўплаб таҳлилчиларнинг фикрига таянган ҳолда, Афғонистонда АЙСАФ ҳарбий қўшинлари сонини кўпайтириш ва хизмат муддатини бир неча йилга узайтиришга чақирган эди: «Афғонистондаги вазият қандай кечишидан қатъи назар, шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Афғонистон муаммосини фақат бир йўл, яъни БМТ шафелигида тинч сиёсий музокаралар ўтказиш ва ўзаро курашаётган томонларни мурасага келтириш орқалигина ҳал этиш мумкин. Бошқа йўл йўқ»<sup>194</sup>.

Шунингдек, Сурия ва Ироқ ҳудудларида зўравонликка асосланган ҳарбий хуружлари ҳамон давом этаётган ИШИД вакиллари Афғонистон ҳудудига суқилиб кираётгани тўғрисида маълумот пайдо бўла бошлади. АЙСАФ тинчликпарвар кучларининг олиб чиқиб кетилиши ҳамда ИШИД жангариларининг Афғонистонга суқилиб кириши эҳтимоли бўлган шароитларда дипломатиянинг вазифаси айрим сиёсий кучлар ҳамда уларни қўллаб-қувватловчи давлатларнинг тартибсизлик ўрнатишга уринишларига тўсқинлик қилувчи сиёсий, иқтисодий механизмларни излашдан иборат бўлиши лозим.

2015 йилнинг 9-10 июль кунлари Россия Федерациясининг Уфа шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги мажлисида Ислон Каримов афғон муаммосининг ҳарбий ечими йўқлиги, тинч сиёсий музокаралар орқали, донор мамлакатлар ва БМТнинг фаол иштирокида молиявий-иқтисодий

<sup>194</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди // Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг расмий сайти // [uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-islom-karimov-17.10.2015](http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-islom-karimov-17.10.2015).

хамда гуманитар ёрдам кўрсатган ҳолда қарама-қарши томонлар ўртасида ички келишувга эришиш афғон муаммосининг ягона ечими экани борасидаги қарашларини билдирди. У Ўзбекистон қўшни мамлакат сифатида Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда давом этаётганини, транспорт-коммуникация тармоқларини барпо этиш борасидаги лойиҳаларни амалга ошираётганини, унинг аҳолисини электр энергияси билан таъминлаётганини кўрсатиб ўтди. Ўзбекистон умумий манфаатлардан келиб чиққан ва афғон халқи иродасини ҳурмат қилган ҳолда Афғонистон билан икки томонлама асосдаги муносабатларини давом эттиришини таъкидлади<sup>195</sup>.

Афғонистонда транспорт йўллари қурилиши, унга электр қуввати етказиб берилиши натижасида минтақалараро савдо-иқтисодий ҳамкорлик, инвестиция фаоллиги кучаймоқда, ижтимоий ва саноат инфратузилмаси ривожланмоқда. Дунё бозорлари билан Марказий Осиёни боғловчи транспорт-коммуникация соҳасида йирик инфратузилмавий лойиҳаларнинг амалга оширилиши минтақавий дипломатиянинг натижаси бўлди.

2002 йил 16 декабрда Афғонистон билан Ўзбекистонни боғловчи амалда ягона темир йўл бўлган ўзбек-афғон чегарасидаги «Ҳайратон» кўпригини очиш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди. 2010 йил охиридан бошлаб Афғонистонга Ўзбекистон орқали АҚШ ва НАТОнинг ҳарбий бўлмаган юкларини ўтказиш тўғрисидаги келишувларни амалда жорий қилиш бошланди. 2002 йил бошидан Афғонистонга электр қуввати етказиб бериш тикланди. 2010 йилда «Ҳайратон–Пулихумри–Кобул» электр тармоғи ишга туширилганидан сўнг Кобулга электр қуввати етказиб берилди бошланди. Афғонистоннинг қабул қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, электр қуввати етказиб бериш ҳажми 150 дан 300 мВтга қадар кўпайтирилди.

<sup>195</sup> Қаранг: Эльмуродов М. ШХТнинг УФА саммити // Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги // [uza.uz/oz/politics/sh-tning-ufa-sammiti-11-07-2015](http://uza.uz/oz/politics/sh-tning-ufa-sammiti-11-07-2015).

Афғонистон инфратузилмасини тиклаш мақсадида Ўзбекистон ташаббуси асосида 2003 йил 17–18 июнда Биринчи Президент Ислоҳ Каримовнинг Техронга расмий ташрифи чоғида Халқаро транс-афғон транспорт йўлагини яратиш тўғрисидаги уч томонлама (Ўзбекистон, Эрон ва Афғонистон ўртасида) шартнома имзоланди.

2007 йил июлида томонларнинг икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари доирасида Тошкентда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ўзбек-афғон ҳукуматлараро комиссиясининг биринчи йиғилиши ўтказилди<sup>196</sup>. 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон ўртасида оптик толали алоқани йўлга қўйиш соҳасида ҳамкорликни жадаллаштириш бошланди. Ўзбекистон ва Афғонистонни боғловчи оптик-толали алоқа тармоғини очишга бағишланган расмий маросим 2009 йил 7–9 июль кунлари Ҳайратон шаҳрида бўлиб ўтди.

2008 йил 20 ноябрда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида «Ҳайратон – Мозори Шариф» темир йўлини қуриш тўғрисидаги Меморандум имзоланди. Қурилиш ишлари 2010 йил ноябрь ойида (7 ойу 15 кунда), яъни шартномада кўзда тутилган муддатдан 130 кун олдин ниҳоясига етказилди. Барпо этилган темир йўл 106,5 км узунликка эга бўлиб, асосий йўлнинг узунлиги 75 км га тенг. Йўлнинг ўтказиш қуввати бир кеча-кундузда 8 жуфт поезд ёки йилига 9 млн тоннадан ортиқ юкни ташкил этади. Лойиҳа доирасида 2 та станция, 2 та разъезд, Мозори Шариф бекатида контейнер майдони қурилди, шунингдек Ҳайратонда ишлатилаётган бекат модернизация қилинди<sup>197</sup>.

2011 йилнинг август ойида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ҳамда Афғонистон ҳукумати ўртасида «Ҳайратон – Мозори Шариф» темир йўлини ишлатиш бўйича уч йиллик

<sup>196</sup> В Ташкенте прошло заседание узбекско-афганской комиссии по торгово-экономическому сотрудничеству // [afghanistan.ru/doc/9533.html](http://afghanistan.ru/doc/9533.html) 19.07.2007

<sup>197</sup> Ўзбек-Афғон муносабатлари ҳамда Ўзбекистоннинг Афғонистон Ислоҳ Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тикланишига қўшган ҳиссаси // Халқаро ҳамкорлик // Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти // [www.mfa.uz/uz/cooperation/countries/200/](http://www.mfa.uz/uz/cooperation/countries/200/)

шартнома имзоланди. 2012 йил февралда темир йўлдан фойдаланиш бошланди. Афғон ҳукуматининг илтимосига кўра, темир йўлнинг Мозори Шариф – Кобул қисмида 11 та кўприк ва кечув барпо этилди. Ушбу коммуникация иншоотлари Афғонистонни иқтисодий тиклаш жараёнининг дастлабки босқичида мамлакатнинг шимоли билан маркази ўртасида узлуксиз алоқани таъминлади. 2010 йилда Мозори Шариф шаҳрида «Азия трейдинг» афғон компанияси билан ҳамкорликда «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ дистрибьютерлик маркази очилди. Кўрилган тадбирлар натижасида 2014 йилда мамлакатлар ўртасида товар айирбошлаш қиймати 600,9 млн АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда афғон тадбиркорлари иштирокидаги 122 та корхона фаолият юритмоқда. Улардан 39 таси 100 фоизли хорижий сармояга эга. 2015 йил апрелда Тошкентда савдо, транспорт ва энергетика бўйича ўзбек-афғон комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда тадбирнинг қўшма баённомаси имзоланди<sup>198</sup>.

Ўзбекистон эришган муваффақиятлар билан чекланиб қолиш ниятида эмас ва бу темир йўлни Хиротга, ундан сўнг Эронгача давом эттиришни режалаштирмоқда. Темир йўл Қундуз, Хулм ва Найбобод сингари афғон шаҳарлари орқали ўтади<sup>199</sup>. Шунингдек, транспорт коммуникацияларининг узоклиги ва денгиз бандаргоҳларига бевосита чиқиш йўлининг мавжуд эмаслиги муаммоларини ҳал қилиш учун 2015–2019 йилларга мўлжалланган Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тузилган бўлиб, унда автомобиль ва темир йўлларни, логистика ва коммуникация марказларини янада ривожлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Деярли 10 млрд АҚШ дол-

<sup>198</sup> Ўзбекистон Республикасининг Ўрта, Яқин Шарқ ва Африка давлатлари билан ҳамкорлиги // Халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти // [mfa.uz/uz/cooperation/countries/200/](http://mfa.uz/uz/cooperation/countries/200/)

<sup>199</sup> Тураева М. О. Транспортная инфраструктура стран Центральной Азии в условиях современной регионализации: Доклад. – М.: Институт экономики РАН, 2014. – С. 62.

лари қийматига эга бўлган 150 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган<sup>200</sup>.

«Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Уммон – Қатар» халқаро транспорт коммуникациясининг минтақавий лойиҳаси ана шулар жумласидандир. Уни яратиш тўғрисидаги битим 2011 йил апрелда Ашхободда имзоланган эди. Мазкур транспорт-транзит йўли Марказий Осиёни Форс ва Уммон кўрфазларидаги Эрон бандаргоҳлари билан боғлашга мўлжалланган. 2013 йилда Қатар лойиҳадан чиқди ва ўшандан бери лойиҳа «Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Уммон» (ЎТЭУ) деб аталмоқда. Шунингдек, БМТ доирасида 2020 йилга қадар Урумчи-Хоргос (ХХР) – Кўргас (Қозоғистон) – Олма-Ота – Тароз – Чимкент – Қўнисбоев (Қозоғистон) – Яллама (Ўзбекистон) йўлини очиш режалаштирилган.

2013 йил июлида «Ўзбекистон темир йўллари» ОАЖ томонидан Қамчиқ довони орқали узунлиги 129 км бўлган «Ангрен-Поп» янги электрлашган темир йўл қурилиши бошланди. Қиймати 1,9 млрд АҚШ доллари бўлган бу лойиҳани Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, давлат бюджети, Ўзбекистон темир йўллари ДАЖ ўз маблағлари ҳамда халқаро молиявий институтларнинг 1 млрд АҚШ доллари қийматдаги кредитлари ҳисобидан молиялаштирилди. Лойиҳада иккита тоннель қурилиши кўзда тутилган эди. «Ангрен-Поп» йўналишининг асосий объекти сифатида Қамчиқ довони орқали тоғ ости йўли қурилди. Бунинг учун 2013 йилнинг сентябрида Хитой Эксимбанки Ўзбекистонга ер ости йўлини қуриш учун 350 млн АҚШ доллари кредит ажратди ва айнан ўшанда «China Railway Tunnel Group» Хитой компанияси билан 455 млн АҚШ доллари қийматга эга қурилишга шартнома имзоланган эди.

<sup>200</sup> Программа действий Кабинета Министров Республики Узбекистан на ближайшую и долгосрочную перспективу (представлена 23 января 2015 года на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан) // ТИВ ЖА. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «Мустақиллик даври: озод ва обод Ватан» бўлимига тақдим этилган материаллар. 2015 й.

Бу Марказий Осиёдаги энг узун тоннелдир (умумий узунлиги – 19,2 км). Ўзбекистон нуқтаи назаридан янги темир йўлнинг асосий вазифаси Тожикистон ҳудуди орқали темир йўл бўйлаб маҳсулотларни ташишнинг муқобил йўли бўлиши учун уч вилоят (Андижон, Наманган ва Фарғона)ни Ўзбекистоннинг бошқа қисмлари билан боғлашдир. Янги темир йўл Хитойни Ўзбекистон орқали Европа мамлакатлари билан боғлаши лозим. ХХРнинг Ўзбекистондаги элчиси Сунь Лицзе Хитой газетаси «Жэньминь жибао»га берган интервьюсида Қамчиқ довони орқали ўтадиган тоғ ости темир йўли Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг энг йирик лойиҳаси эканини ва Ипак йўли иқтисодий «камари» қурилишида муҳим лойиҳа эканини таъкидлаган<sup>201</sup>.

Бу Ўзбекистон минтақанинг транспорт инфратузилмаси ривожига, мамлакат ва умуман, минтақанинг транзит салоҳиятини кучайтиришга, ниҳоят, Тинч океанига чиқишни таъминлашга ўз улушини қўшган ҳолда транспорт алоқаларини диверсификация қилиш вазифасини бажармоқда. Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш Марказий Осиёнинг бирлашувига туртки бериши ҳамда минтақага мансуб бўлмаган мамлакатлар иштирокидаги икки ва кўп томонлама муносабатлар даражасида минтақа давлатлари дипломатиясининг фаоллашувига самарали таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳозирги кунда 20 та халқаро транспорт йўналишлари, шу жумладан, Ғарбий Европа ва Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги алоқаларда стратегик аҳамиятга эга бўлган «Е-40» ва «Е-60» халқаро автомобиль йўллари Ўзбекистон орқали ўтган. Бугун қурилиши жадал давом этаётган Ўзбек миллий магистрალი ҳам улкан халқаро аҳамиятга эга бўлиб, Россия ва Шарқий Европа мамлакатларига чиқиш учун қулай ҳамда қисқа бўлган «Ўш – Қашғар» магистраль автомобиль йўли орқали Хитойда қуриляётган

<sup>201</sup> Тураева М. О. Транспортная инфраструктура стран Центральной Азии в условиях современной регионализации: Доклад. – М.: Институт экономики РАН, 2014. – С. 100–108.

Буюк ипак йўли йўналишидаги тезюрар автомобиль йўли билан боғланади. Келажақда Ҳиндистон ярим ороли Жанубий Осиё, Яқин Шарқ, Ғарбий Европани боғловчи режалаштирилган йўллар ушбу магистралга «қўшилиб кетади». Маълумотларга кўра, иқтисодий ўсиш йилига 8 фоизни ташкил этганида автомобилда юк ташиш 9,4 фоизга ошиб боради. Натижада, 2030 йилга бориб, автомобиль йўллари орқали ташиладиган юклар ҳажми 4,6 баробар ортади<sup>202</sup>. Шу аснода, геосиёсий туркум сифатидаги минтақавий сиёсат давлатнинг транспорт коммуникация инфратузилмаси самарадорлигини кўрсата олса, минтақадаги бир неча давлатлар унга қўшилиши мумкин.

Ўзбекистон дипломатияси олдида турган яна бир долзарб вазифа экологик муаммоларни минтақа даражасида ҳал қилишдир. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармасини ташкил қилиш ташаббускорларидан бири бўлди. 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Ислом Каримов ушбу масалани кўтариб чиқди ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини Орол денгизи муаммоларига қаратди. 2000 йил 8 сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ «Мингйиллик саммити»да Ислом Каримов БМТнинг Атроф муҳит бўйича дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари кенгашини тузиш ташаббусини илгари сурди. Ўзбекистон ушбу соҳадаги асосий халқаро ҳужжатларга, шу жумладан, трансчегаравий сув оқимлари ҳамда халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш конвенциясига қўшилди. Ислом Каримов ташаббуси билан 2008 йилда Тошкентда БМТ кўмагида ўтказилган «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуидаги халқаро конференция Оролбўйида экологик аҳволни яхшилашда муҳим роль ўйнади. Мазкур конференцияда ишлаб чиқилган Ҳаракат режаси 2011–2015 йилларда

<sup>202</sup> Современные дороги ведут к новым рубежам // Народное слово. – 2015. – 24 июля.

Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича учинчи дастурнинг асосини ташкил қилди<sup>203</sup>.

2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича қўмитаси билан биргаликда Экоҳаракат томонидан Оролбўйи минтақасида табиий муҳитнинг аҳволи тўғрисидаги ахборотни жамлаш ҳамда унга ишлов бериш амалга оширилди. Бу ахборот БМТ Бош қотибига унинг 2010 йилда Ўзбекистонга ташрифи чоғида етказилди. Ўшанда Бош қотиб Пан Ги Мун Ўзбекистон ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) иштирокчиси бўлган бошқа мамлакатларнинг Орол инқирози оқибатларини юмшатишга доир саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берди.

2010 йил октябрда Экоҳаракат делегацияси АҚШ, Бельгия ва Швейцарияга амалга оширилган сафарлари чоғида 30 дан ортиқ учрашувларда ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашган тадбирларда, шунингдек Европа парламенти БМТ, Европа комиссияси ва ЕХХТ билан биргаликда Европарламент томонидан уюштирилган «Орол денгизининг экологик ҳалокати. Қуриётган денгизни қутқара оламизми?» мавзусидаги эшитувларда иштирок этди.

Тошкентда 2010 йил ноябрда ўтказилган «Марказий Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал қилиш учун халқаро ҳуқуқий механизмларни қўллаш» мавзусидаги конференция муҳим халқаро воқеа бўлди. Унда 36 та хорижий мамлакатдан 100 дан ортиқ экспертлар ва 60 та халқаро ташкилот, Ўзбекистондаги 32 та хорижий давлатлар элчихона ва ваколатхоналарининг вакиллари, жаҳондаги етакчи тадқиқот марказларининг машҳур олимлари, давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасалари ва ННТларнинг раҳбарлари иштирок этди.

<sup>203</sup> Маметова М. «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги //www.uza.uz/oz/society/say-arakatlarni-muvofi-lashtirish-y-lida1 29.10.2014.

2011 йил май ойида Тошкентда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида «VI Умумжаҳон сув форуми истиқболига – сув хавфсизлигига эришиш борасидаги муштарак ҳаракатлар» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Унда Умумжаҳон сув кенгаши ва БМТ Минг йиллик ривожли мақсадларининг асосий устувор йўналишлари доирасида Амударё ва Сирдарё оралиғидаги сув ҳавзасининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи иқлим ўзгаришлари ва инсон фаолиятидан келиб чиқадиган таъсирнинг салбий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда инсон фаолияти ҳамда атроф муҳитнинг барча соҳаларини сув билан кафолатли ва барқарор таъминлаш соҳасидаги минтақавий муаммолар ҳар томонлама муҳокама қилинди<sup>204</sup>.

Оролни қутқариш халқаро фонди (ОҚХФ) таъсисчи давлатларининг саъй-ҳаракатлари билан Орол денгизи инқирозининг олдини олиш ва оқибатларини юмшатишга қаратилган улкан ишлар амалга оширилмоқда. 1993–2010 йиллар даврида жамғарма мазкур ҳавза давлатларига ёрдам кўрсатишнинг икки дастурини (ПБАМ-1, ПБАМ-2) амалга оширди. Бу дастурлар вазифасига сув захираларини биргаликда бошқариш механизмларини ривожлантириш, экологик кулфат ҳудудини қайта жонлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва саломатлигини яхшилаш, турмуш даражасини кўтариш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратиш киритилган эди. 2003–2010 йилларда ПБАМ-2 лойиҳаларини амалга оширишга МФСА таъсисчиларининг қўшган умумий улуши 2 млрд АҚШ долларидан ошди.

2011–2015 йилларга мўлжалланган Орол денгизи ҳавзаси мамлакатларига ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаракат Дастурини (ПБАМ-3) амалга ошириш 2011 йилдан бошланди. Уни жамғарманинг Ижроия қўмитаси сув хўжалигини мувофиқлаштириш ва миллий экспертлар ҳамда БМТ тизимидаги ташкилотлар, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа Иттифоқи ва бошқаларнинг давлатлараро комисси-

<sup>204</sup> Алиханов Б. Консолидация усилий даст результат //mfa.uz/ru/press/news/2014/10/2729/

ялари билан биргаликда ишлаб чиқди. Дастурнинг 300 дан ортиқ лойиҳаларини амалга ошириш учун 8,5 млрд АҚШ долларидан ортиқ маблағ ажратилган<sup>205</sup>.

1993 йил январда Тошкентда Ўзбекистон ташаббуси билан, таъсисчилари Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон бўлган Оролни қутқариш халқаро фондини (ОҚХФ) ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Фондга Ўзбекистон раислик қилган 1997–1999 йилларда ОҚХФнинг ҳуқуқий асосини ривожлантириш, Орол денгизи ҳавзасида барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилган эди. 2013–2017 йилларда Ўзбекистон ОҚХФга қайта раислик қилди. 2013 йил 16 сентябрда, Ислом Каримов ташаббусига кўра, ОҚХФнинг «Оролнинг қуриши оқибатларини бартараф этиш ва Орол бўйида экотизим ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури» БМТ Бош Ассамблеясининг 68-сессияси расмий ҳужжати сифатида тарқатилди. Мазкур дастур БМТ Бош котиби Пан Ги Мун томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Унда Орол инқирози оқибатларига қарши курашиш соҳасида қуйидаги муҳим чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутилди:

I. Орол бўйида ҳаёт кечириш, генофондни сақлаб қолиш учун шароитлар яратиш;

II. Сув захираларини бошқариш ва улардан тежамли фойдаланиш тизимини такомиллаштириш. Орол денгизи акваториясидаги табиий сув ҳавзалари тизимини сақлаб туриш;

III. Орол денгизининг қуриб қолган тубида дарахт кўчатлари ўтказиш бўйича кенг қўламли тадбирларни амалга ошириш ва минтақанинг саҳрога айланишининг олдини олиш;

IV. Биохилма-хилликни сақлаш, биологик ресурсларни тиклаш, ҳайвонот ва ўсимлик оламини муҳофаза қилиш;

V. ОҚХФ доирасида минтақа мамлакатларининг ин-

<sup>205</sup> Шералиев Н. Турсунов Н. Проблема Арала в центре внимания мировой общественности // Правда Востока. – 2014. – 10 окт.

ституционал асосларини янада такомиллаштириш ва ҳамкорлигини мустақкамлаш, шунингдек Орол денгизи ҳалокати билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш<sup>206</sup>.

2013 йилдан бошлаб Оролни қутқариш халқаро фонди БМТ, Европа Иттифоқи, етакчи халқаро ташкилот ва молиявий институтлар ёрдамида 300 дан ортиқ лойиҳаларни ўз ичига олган ҳамда амалга оширилиши учун 8,5 млрд АҚШ долларидан кўпроқ маблағ сафарбар қилиниши мўлжалланган Орол денгизи ҳавзаси мамлакатларига ёрдам кўрсатиш бўйича навбатдаги учинчи Дастурни амалга оширомоқда<sup>207</sup>. 2013 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 68-сессиясида Ўзбекистон томонидан таклиф этилган «Оролнинг қуриши оқибатларини бартараф этиш ва Орол бўйида экотизим ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури» расмий ҳужжат сифатида маъқулланди<sup>208</sup>.

Минтақавий дипломатия БМТ ҳомийлиги остида асосий вазифаси қуйидаги асосий йўналишларда манзилли дастурлар ва лойиҳалар бўйича саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириш ва амалга ошириш бўлган Орол денгизи ва Орол бўйи ҳудуди бўйича қуйидаги мақсадларда махсус жамғарма ташкил этишга интилиб келди:

– аҳолининг саломатлигини ҳимоя қилиш ва генофондини сақлаб қолиш, Оролбўйи ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва мазкур ҳудудда яшаётган аҳолининг муносиб ҳаётини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш борасида самарали рағбатлар тизимини ишлаб чиқиш;

– Оролбўйининг экологик мувозанатини сақлаш, саҳрога

<sup>206</sup> Орол денгизи муаммоси // Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигининг расмий сайти // [mfa.uz/uz/cooperation/ara/1405/](http://mfa.uz/uz/cooperation/ara/1405/)

<sup>207</sup> Каримов И. А. «Орол денгизи минтақасида экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига табрик сўзи // Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т. 22. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

<sup>208</sup> Выступление министра иностранных дел Республики Узбекистан Абдулазиза Камилова на саммите ООН по устойчивому развитию (Нью-Йорк, 25 сентября 2015г.). / <http://mfa.uz/ru/press/news/2015/09/5375/>

айланишга қарши кураш бўйича изчил чоралар кўриш, сувдан оқилона фойдаланишни жорий этиш;

– ҳайвонот ва ўсимлик оламининг био хилма-хиллигини тиклаш, ҳозирги вақтда йўқ бўлиб кетиш арафасида турган мислсиз флора ва фаунани (наботот ва ҳайвонот оламини) сақлаб қолиш;

– минтақанинг чекланган сув захираларидан, биринчи навбатда, трансчегаравий сув йўллари – Амударё ва Сирдарёнинг сувларидан минтақадаги барча мамлакатлар манфаатлари йўлида ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланиш<sup>209</sup>.

Минтақада ҳал қилиниши қийин бўлган муаммолар мавжуд. Минтақавий дипломатия амалга оширган саъй-ҳаракатларга қарамасдан ҳозирча белгиланган мақсадга эришилгани йўқ. Гап Тожикистондаги Роғун ГЭСи ва Қирғизистон Республикасидаги Қамбарота 1-ГЭСи қурилишлари лойиҳалари тўғрисида бормоқда. Ҳар икки тоғли республиканинг сув захиралари улкан гидроэнергетик салоҳиятга эга. Шу аснода, бу қурилишлар дарёларнинг қуйи ўзанида жойлашган мамлакатларга, уларнинг қишлоқ хўжалиги ривожига жиддий таҳдид солади. Шу билан бирга, тўғонларнинг зилзиладан дарз кетиши, шунингдек сув омборларини тўлдириш вақтида дарёларнинг қуйи ҳавзаларида сув етишмаслиги, айни пайтда, қишда сувни оқизиб юбориш сингари хатарлар мавжудки, у Ўзбекистонда экинларни суғориш учун сув танқислиги янада кучайишига олиб келади.

Роғун ГЭСи ишга туширилишининг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсири эҳтимолини таҳлилдан ўтказган бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг хулосаларига кўра, ГЭСнинг ишга туширилиши туфайли сув танқислигидан Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига йилига 600 млн АҚШ доллари миқдорида зарар етказилиши, ялпи ички маҳсулотининг

<sup>209</sup> Выступление министра иностранных дел Республики Узбекистан Абдулазиза Камилова на саммите ООН по устойчивому развитию (Нью-Йорк, 25 сентября 2015г.). /<http://mfa.uz/ru/press/news/2015/09/5375/>

2 фоизга камайиши ва 300 минг киши ишсиз қолиши мумкин<sup>210</sup>.

*Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Жаҳон банкининг «Роғун ГЭСининг таклиф этилаётган лойиҳасини келгусида кўриб чиқиш учун асосий масалалар» ва трансчегаравий сув захираларидан фойдаланиш масалалари лойиҳасини муҳокама қилиш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматларининг вакиллари учрашувидаги маърузасида Ўзбекистон Роғун ГЭСи қурилишининг лойиҳаси «экспертизаси» деб аталмиш оралиқ босқичларда ўтказилган йиғилишларда иштирок этмаганини таъкидлади.* Уни барпо этиш жараёни, маслаҳатчиларни танлаш, молиялаштириш, экспертизанинг якуний натижасига боғлиқ бўлган техник вазифалар ва бошқа ўта муҳим мезонларни белгилаш мустақилликнинг халқаро эътироф этилган меъёрларига, лойиҳани баҳолашдаги беғаразлик, холислик ва шаффофлик меъёрларига мос келмаслигига кенг жамоатчиликнинг ишончи комил.

Бу ишончнинг сабаби, аввало, шундаки, оддий мантиққа ва соғлом фикрга зид равишда Жаҳон банки томонидан молиялаштириладиган тендер ва «экспертиза» ушбу жараёндан энг манфаатдор бўлган Тожикистон Республикаси ҳукуматига юклатилди. Ҳолбуки, бу мутлақо нотўғри иш, чунки барча манфаатдор томонларнинг манфаатларини тенг ҳисобга олиш борасидаги умумқабул қилинган меъёрларга буткул зиддир. Экспертиза ниҳоясига етгунга қадар ГЭС иншоотларини қуриш борасидаги ишларнинг тўхтатилиши – яна бир муҳим масала. Қурилишнинг мақсадга мувофиқлиги аниқланмасдан туриб объект майдонида тўлақонли қурилиш-монтаж ишлари олиб бориш оддий мантиққа зид келади.

Жаҳон банки Роғун ГЭСида қайта тиклаш чоралари ниқоби остида ГЭС майдонида мақсадга йўналтирилган қурилиш ишлари олиб борилаётганини ва бу мақсадлар учун Тожикистон давлат бюджетидан йилига 300 млн АҚШ

<sup>210</sup> Обидов Н. Таджикистан готовит техногенную катастрофу Центрально-Азиатскому региону // Офиц. сайт журнала «Карнавал» // [www.journal-karnaval.ru/strani-mira/i\\_nematzhon-obidov-tadzhikistan-gotovit-tehnogennuyu-katastrofu-tsentralno-aziatskomu-regionu/](http://www.journal-karnaval.ru/strani-mira/i_nematzhon-obidov-tadzhikistan-gotovit-tehnogennuyu-katastrofu-tsentralno-aziatskomu-regionu/) 18.02.2015 г.



доллари ажратилганининг гувоҳи бўлган ҳолда, ўзбек томонининг хавотири асосли эканига бир неча бор ишонч ҳосил қилган. Ушбу маблағлар ҳажми қайта тиклаш эмас, балки ўтказилаётган қурилиш ишлари кўламидан аниқ гувоҳлик бермоқда<sup>211</sup>.

Ўзбекистоннинг бу борадаги позицияси малакали амалга оширилганлик ва тўлақонлиликка даъво қилаётган экспертиза хулосасининг экологик мувозанатга ва Амударёнинг бутун ҳавзасидаги оқим тартибига яширин салбий таъсирини ҳар томонлама баҳолаш, шунингдек улкан лойиҳа бўлган Роғун ГЭСи қурилишига муқобил самарали лойиҳаларни ба-тафсил таҳлилдан ўтказиш бўлиши лозим<sup>212</sup>.

Умуман, Амударё ва Сирдарё оқимларида, яъни миллионлаб инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти кечадиган дарё ҳавзаларида улкан тўғонлар ва йирик ГЭСлар барпо этилиши натижасида ушбу дарёларнинг табиий оқими ўзгариши, сув-экология мувозанати тубдан издан чиқиши хавфи мавжуд. Бу эса Орол муаммосини янада чуқурлаштириши ҳамда улкан ҳудуднинг экологик хавфи янада кучайиб, дарёларнинг қуйи оқимларида сув билан таъминлашни янада қийинлаштириши мумкин.

Ўзбекистон дипломатияси бу муаммонинг Марказий Осиёдаги сув захираларининг оқилона ва адолатли тақсимланишини кафолатловчи ҳамда минтақадаги барча давлатларнинг манфаатлари ҳисобга олинишини таъминловчи халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига мос равишда кўриб чиқилишига интиломоқда<sup>213</sup>. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон ёндашуви БМТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Ислон тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро ташкилот ва молиявий институтлар, шунингдек бошқа мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон дипломатияси келгусида ҳам

<sup>211</sup> mfa.uz/ru/cooperation/ara/2104/?sphrase\_id=203488

<sup>212</sup> mfa.uz/ru/cooperation/ara/2104/?sphrase\_id=203488

<sup>213</sup> Участие делегации Узбекистана в заседании СМВД ОБСЕ // Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти //mfa.uz/ru/press/news/2015/12/6122/

ушбу масалани ҳал қилиш бўйича иш олиб боради. Бу ишга дарёларнинг қуйи оқимида жойлашган барча мамлакатлар кўшилса, ушбу жараён янада самарали бўлиши мумкин.

Минтақавий муаммоларни муштарак лойиҳалар орқали бартараф этишга интилиш минтақа мамлакатларини икки томонлама муносабатларни қайта кўриб чиқишга яқинлаштирамоқда. Марказий Осиё халқаро майдонда асосий минтақалардан бирига айланиш имконига эга. Бошқа минтақалардан фарқли ўлароқ, бу ерда ички захиралардан фойдаланган ҳолда саноат, технологиялар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун зарур шaroит мавжуд. Бошқача айтганда, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик алоҳида олинган давлатга нисбатан катта самарадорликни таъминлайди ва шу боис жаҳон бозорида рақобатбардошликни оширишнинг энг яхши воситасидир.

Қандай кўринишда бўлмасин, минтақавий муаммоларни ҳал қилиш чоғида сиёсий кучлар жойлашуви ҳамда иқтисодий ёки сиёсий вазият ўзгаради. Марказий Осиё ҳар бир умумий ҳаракат билан ўз рақобатбардошлигини оширади. Минтақа миллий иқтисодиётининг ўсиши нафақат халқаро савдо ва сармоялар жалб қилиш ҳажмининг кўпайишига, балки биров-бировдан ортик бўлмаган ҳамкорликка тенг муносабатга ҳам боғлиқ экани яққол кўриниб турибди.

Минтақа бўйича қўшнилар ўртасидаги муносабатларнинг келгусидаги ривожланиши кўп жиҳатдан Жанубий чеғаралардан бўлаётган таҳдид ва хавф-хатарга барҳам бериш орқали хавфсизлик тизимини мустаҳкамлашга ҳам боғлиқ. Марказий Осиё доирасида ўзаро муносабатларни келишувлар асосида йўлга қўйиш дипломатиянинг минтақадаги ички турини ривожлантириш ҳамда ҳамкорликни яхшилаш зарурати кучаймоқда. Шу боис, минтақа давлатларининг умумий манфаатларини таъминлашда минтақавий муаммоларни ҳал қилиш доирасидаги жамоавий ҳаракат етакчи ўрин тутаети. Бутун минтақанинг мақсадлари, ҳаракат усуллари ва воситаларини аниқ акс эттирувчи ялпи дастурлар асосида ишлаб чиқиладиган минтақавий лойиҳаларгина

умумий муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилишида ёрдам беради.

Боб бўйича хулоса.

Ўзбекистон Республикаси дипломатияси охиригача аср давомидаги ривожланиш жараёнида уч босқични босиб ўтди. Ҳар бир босқич доирасида миллий дипломатиянинг шаклланиши ва ривожланишига глобал ва минтақавий даражада юз берган ижобий ёки салбий ўзгаришлар таъсир этди. Шу билан бирга, мамлакат ичкарисида кечган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ташқи сиёсат ва дипломатия олдида турган янги вазифаларни белгилаб келди.

Мустақиллик йилларида совет даврининг режали иқтисодий тизимдан эркин бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ муаммолар мамлакат барқарорлигига таҳдид сола бошлади. Шунинг учун ҳисобга олиб, мамлакат раҳбарияти иқтисодиётга устуворлик берди ва ташқи сиёсатда ҳам иқтисодий дипломатияга муҳим йўналиш сифатида қаралди. Умуман, иқтисодий дипломатия Ўзбекистон халқ хўжалигига хорижий сармояларни жалб қилишда, маҳсулотлар ва хизматларнинг хорижий бозорларини ўзлаштиришда, мамлакат тадбиркорлигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ташқи сиёсатида дипломатиянинг парламент, оммавий дипломатия каби замонавий трендлари ривожлангани аниқланди. Айни вақтда бу йўналишлар мамлакатимизнинг замонавий халқаро муносабатлар тизимида янада мустаҳкамланишига, миллий манфаатларни ҳимоя қилишга кенг имкониятлар яратди. Айниқса, парламент дипломатияси доирасида Ўзбекистон глобал ва минтақавий даражада тинчлик ва ҳавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари, демократия ҳамда гендер масалалари соҳаларида бошқа давлатлар парламентлари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйганини таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожини таъминлашда муаммоларни икки ва кўп томонлама асосда фаол минтақавий дипломатия ёрдамида ҳал

қилишга жиддий эътибор қаратди. Бу борада Орол муаммолари ва трансчегаравий сувдан фойдаланиш, минтақада ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш сингари дипломатик лойиҳани муваффақиятли амалга оширишга эришди. Буни кўп томонлама минтақавий битимлар, шу жумладан, ривожланган мамлакатлар иштирокида амалга оширишга ҳаракат қилди.

Хусусан, Ўзбекистон трансчегаравий сувлардан фойдаланиш масалалари бўйича асосий эътиборни минтақавий мулоқотни ривожлантиришга қарата олди. Бунда Амударё ва Сирдарё ҳавзасида жойлашган мамлакатларни ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам энергетика соҳаларида сувдан оқилона мувозанатлашган ҳолатда фойдаланиш борасидаги келишилган ёндашувларга эришишга чорлади. Шунингдек, Ўзбекистон минтақавий бирлашув ва ташқи сиёсий муносабатлар мавжуд захиралардан оқилона фойдаланилган ҳамда атроф-муҳит сақлаб қолинган ҳолда амалга оширилишини ёқлаб чиқди.

Ўзбекистон Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш жараёнининг фаол иштирокчилардан бирига айланди. Барча манфаатдор томонлар, шу жумладан, Россия ва АҚШнинг эътиборини сиёсий ечим топишга иқтисодий ва олдини олиш дипломатиясидан фойдаланишга қаратди. Афғонистон учун коммуникатив шароитлар яратиш масаласини ҳал қилишда, шунингдек минтақанинг географик ёпиқлигини бартараф этиш учун транспорт коммуникация йўлакларини шакллантириш борасида муайян муваффақиятларга эришди.

## ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси дипломатияси мамлакат тараққиёти учун халқаро шарт-шароитларни таъминловчи етакчи сиёсий институт сифатида замонавий мезонлар асосида шаклланди. Бу жараён глобал ва минтақавий хусусиятга эга ташқи сиёсий омиллар таъсирида, шунингдек бир ижтимоий-сиёсий тизимдан бошқасига ўтиш шароитида юз берди. Ташқи сиёсатда янги тизимни шакллантиришнинг асосий стратегияси сифатида демократик қадриятларга ва замонавий цивилизациянинг устун жиҳатларига асосланган тинчликпарвар стратегия танланди. Ўзбекистон дипломатияси мамлакатни жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси даражасига кўтариш, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси ва субъектига айлантириш мақсадларига йўналтирилди.

2. Глобаллашув жараёнлари туфайли халқаро муносабатлар характери ва геосиёсий вазиятдаги ўзгаришлар, халқаро сиёсатдаги мураккаблашувлар дипломатия соҳаси анъанавий таркибий тузилишининг жиддий ўзгаришига сабаб бўлди. Шунга қарамай, дипломатия давлат ташқи сиёсатини амалга оширишнинг мураккаб усули, шунингдек давлатнинг халқаро муносабатларда халқаро ҳуқуқ ва тегишли тартиботлар асосида кафолатланган ва тенг ҳуқуқли тарзда иштирок этишига имкон берадиган кўп томонлама механизм сифатида ўз ролини нафақат сақлаб қолгани, балки такомиллаштириб бораётгани ҳам кузатилмоқда.

Шуни ҳисобга олиб, дипломатия турли тарихий даврларда унга таъсир кўрсатадиган омиллар билан бирга жараён, тарихий ҳодиса сифатида ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар доирасида ишлаб чиқилган усул ва воситалар, назарий концепция ва йўналишлар доирасида олиб борилган тадқиқот ва мактаблар билан ҳам боғлиқлиги исботланди. Бунда реализм, институционализм, либерализм сингари

классик концепциялар билан бир қаторда, ноклассик назариялар, яъни неомарксизм, Франция социологик мактаби, конструктивизм каби «мактаб»лар доирасида ҳам ўрганилишини алоҳида қайд этиш лозим. Шу билан бирга, дипломатия ахборот воситалари, нотиклик санъати ҳамда ҳуқуқшуносликка асосланган илмий-таҳлилий ёндашув ва усулларни ўзига сингдирган ҳолда ривожланишнинг узоқ тарихий йўлини босиб ўтди.

3. Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистондипломатиясимиллийвахорижийтадқиқотчилар учун долзарб илмий тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз олимлари томонидан мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар аксарият ҳолларда дипломатия тарихига, аниқроғи унинг қадимдан XX аср ўргаларигача бўлган даврига бағишланган. Замонавий дипломатиянинг долзарб муаммолари эса асосан Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, олдидаги вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилган. Шу билан бирга, тарихчи олимларнинг ишларида Ўзбекистон дипломатияси қадимий анъана ва тарихга эга эканлиги, бу борада тарихий тажриба мавжудлиги, мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг жаҳон ҳамаиятига интеграциялашув жараёни факт ва далилий ашёлар асосида ўрганилган.

Шу билан бирга, замонавий жараёнлар, шу жумладан, халқаро муносабатлар, ташқи сиёсат ва дипломатия муаммоларини ўрганишда биргина тарихий тадқиқот усулидан фойдаланиш етарли самара бермаслигини исботлади. Шуни ҳисобга олиб, мамлакат ижтимоий-гуманитар соҳа олимлари олдида тарих, иқтисодиёт, социология, сиёсатшунослик, юриспруденция ва бошқа фанлар доирасида мультидисциплинар тадқиқотлар сафини кенгайтириш долзарб вазифадир. Шундагина замонавий муаммоларни, шу жумладан, халқаро муносабатлар доирасидаги муносабатларни ўрганиш тизимли бўлишини таъминлайди.

4. Мустақиллик йилларида мамлакат раҳбарияти иқтисодиётга устуворлик берди ва ташқи сиёсатда ҳам

иқтисодий дипломатияга муҳим йўналиш сифатида қаралди. Бундай ёндашув мамлакат халқ хўжалигига хорижий сармояларни жалб қилишда, маҳсулот ва хизматларнинг хорижий бозорларини ўзлаштиришда, мамлакат тадбиркорлигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади; шу билан бирга, Ўзбекистон ташқи сиёсатида дипломатиянинг парламент, оммавий дипломатия каби замонавий трендлари ривожланганини кўрсатди. Айни вақтда бу йўналишлар мамлакатимизнинг замонавий халқаро муносабатлар тизимида янада мустақамланишига, миллий манфаатларни ҳимоя қилишига кенг имкониятлар яратди. Айниқса, парламент дипломатияси доирасида Ўзбекистон глобал ва минтақавий даражада тинчлик ва хавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари, демократия ҳамда гендер масалалари соҳаларида бошқа давлатлар парламентлари билан изчил ҳамкорликнинг йўлга қўйилишига эришди.

5. Минтақавий дипломатиянинг янада ривожланиши Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ҳамда фаровонликни таъминлашнинг энг муҳим шартидир. Ўзбекистон дипломатиясининг устувор йўналишларидан бири глобал даражадаги барқарорлик ва тинчликни сақлаш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдир. Кўп томонлама минтақавий дипломатия Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликка ҳамда глобал миқёсдаги геосиёсий жараёнларнинг умумий ҳолатига салбий таъсир этиши мумкин бўлган вазиятларни таҳлил қилиш асосига қурилган.

Шунингдек, Марказий Осиёда узоқ вақт давомида шакланган ва турли омиллар таъсирида янгидан вужудга келган минтақавий муаммолар минтақавий дипломатияни янада ривожлантиришни долзарб вазифага айлантirdи. Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиниши ва минтақамизда ядровий қуроллар тарқалишининг олдини олиш борасида эришилган амалий натижалар Ўзбекистон дипломатиясининг салмоқли ютуғи бўлди.

6. Халқаро глобаллашувнинг чуқурлашуви ва мураккаб тарзда кечаётган янги дунёвий тартиботнинг шаклланиши шароитида, шунингдек қудратли давлатларнинг жаҳонда геосиёсий етакчиликка уринишлари тобора авж олаётган ҳозирги вазиятда Ўзбекистон дипломатиясининг тактик ва стратегик имкониятларини муттасил такомиллаштириб бориш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси дипломатиясининг етакчи мақсад ва вазифалари таркибида глобал даражадаги беқарорликлар туфайли вужудга келиш эҳтимоли бўлган таҳдидларга нисбатан олдини олиш чораларини кўриш лаёқатини ошириб бориш вазифалари бажарилди. Натижада мамлакат дипломатияси фаолиятининг самарадорлиги сезиларли даражада ошди.

7. Ўзбекистон дипломатияси нисбатан қисқа тарихий давр ичида замонавий, айни вақтда мураккаб халқаро муносабат ва жараёнларнинг турли сценарийларига нисбатан давлатимизнинг туб манфаат ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мутаносиб жавоб қайтариш салоҳиятига эга бўлди. Бу замонавий Ўзбекистон дипломатиясида ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларда реалистик ёндашувнинг устун келганлигидан далолат беради. Айнан реалистик ёндашув мамлакатимиз миллий манфаатларини рўёбга чиқаришнинг, хавфсизлик ва барқарорликнинг ҳамда дунё миқёсидаги мунозарали муаммоларни ҳал этишнинг етакчи омили бўлиб хизмат қилмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 76 б.
2. Программа действий Кабинета Министров Республики Узбекистан на ближайшую и долгосрочную перспективу (представлена 23 января 2015 года на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан) // ТИВ ЖА. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «Мустақиллик даври: озод ва обод Ватан» бўлимига тақдим этилган материаллар. 2015 й.
3. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-350-сонли (1992 йил 21 февраль) фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1992. – № 4. – 202-модда.
4. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 140-сонли (1994 йил 16 март) қарори // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1994. – № 3. – 16-модда.
5. Ўзбекистон ССР қонунлари ва ЎзССР Олий Совети Президиуми Фармонлари тўплами (1938–1973). – Т.: Ўзбекистон, 1973. – 320 б.
6. Мирзиёев Ш. М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи. – 2016. – 19 окт.
7. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
8. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.

9. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
10. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
11. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
12. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 320 б.
13. Каримов И. А. Жаҳон инқирозларининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. Т. 18. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 280 б.
14. Каримов И. А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т. 22. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 367 б.
15. Каримов И. А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 302 б.

### Архив материаллари

16. Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «Мустақиллик даври: озод ва обод Ватан» бўлимига тақдим этилган материаллар. 2015 й.
17. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг идоравий архиви. Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг 2005–2009 йиллар фаолияти тўғрисида ҳисоботи. Индекс № 16/1-02. 1-рўйхат. 318-иш.
18. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг идоравий архиви. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг 2010–2014 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ахборот. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг идоравий архиви. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг баённомалари папкаси.
19. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. Ф. М-37, 1-рўйхат, 6-иш.

20. ЎзР МДА. Ф. М-37, 1-рўйхат, 622-иш.
21. ЎзР МДА. Ф. М-37, 1-рўйхат, 3623-иш.
22. ЎзР МДА. Ф. М-6, 2-рўйхат, 161-иш.
23. ЎзР МДА. Ф. 2037, 7-рўйхат, 38-иш.
24. С. М. Мирқосимов билан бўлган суҳбат матни.
25. А.М. Қосимов билан бўлган суҳбат матни.

**Монография, илмий мақола, патент, илмий  
гўпламлар**

**Ўзбек тилидаги адабиётлар**

26. Агзамова Г. Элчи йироқни яқин, яқинни меҳрибон қилгучидир... // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2016. – 286 б.
27. Жўраев Қ. Ташқи сиёсий фаолият соҳасида миллий қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим масалалари // XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: ТДШИ, 2016. – 304 б.
28. Жўраев Қ. Ўзбекистон дипломатияси мустақиллик йилларида: ютуқлар ва вазифалар // Халқаро муносабатлар. – 2002. – № 2. – Б. 55–58.
29. Жўраев Қ. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси ҳамда ташқи сиёсат ва минтақавий хавфсизлик масалаларини тадқиқ қилишнинг долзарб йўналишлари // XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари: Ўзбекистон Республикаси миқёсида илмий-амалий конференция материаллари (2015 йил 24 март). – Т.: ТошДШИ, 2015. – Б. 9–12.
30. Йигиталиев Ш. М. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси – миллий манфаатлар ва амалиёт уйғунлиги // «Ўзбек дипломатия мактабининг шаклланиши ва ривожланиши масалалари» мавзусидаги давра суҳбати материаллари. 2012 йил 22 сентябрь. – Т.: ЖИДУ, 2012. – Б. 6–14.

31. Кўчаров Ч. Ш. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари (геосиёсий таҳлил тажрибаси). – Т.: Фан, 2008. – 260 б.
32. Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Т.: Akademiya, 2013. – 388 б.
33. Низомулмулк. Сиёсатнома. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – 239 б.
34. Нормуронова М. «Умид» – Ватан чироғи // Халқ сўзи. – 2003. – 15 фев.
35. Нуриддинов Ҳ. Ўзбекистоннинг кўп векторли замонавий дипломатиясининг ШХТ доирасида ривож топиш истиқболлари // Халқаро муносабатлар. – № 1. – 2010. – Б. 99–104.
36. Отахўжаев А. Антик ва илк ўрта асрлардаги дипломатик муносабатларнинг манбаларда ёритилиши // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2016. – 286 б.
37. Ражабов Қ., Қандов Б., Шоймардонов И. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 448 б.
38. Ртвеладзе Э., Саидов А. Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги даврда дипломатик муносабатларнинг ривожланиши. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2001. – 40 б.
39. Сафоев С. Ҳозирги замон халқаро муносабатлари ва парламентлараро ҳамкорлик // XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри (2015 йил 24 март). – Т.: ТошДШИ, 2015. – Б. 6–9.
40. Убайдуллаев З. С. «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни: ташқи сиёсатдаги ўрни ва моҳияти» (парламент амалиётидан) // XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри (2015 йил 24 март). – Т.: ТошДШИ, 2015. – Б. 23–27.

41. Фармонов Р., Жўраев Қ. Халқаро муносабатлар тарихи. – Т.: ЖИДУ, 2014. – 198 б.
42. Хоназаров Қ. Дипломатиямизда биринчи қалдирғоч кадрлар. – Т.: ЖИДУ, 2011. – 94 б.
43. Ўзбек дипломатияси тарихидан / М. М. Хайруллаев умумий таҳрири остида. – Т.: ЖИДУ, 2003. – 376 б.
44. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида миллий маъруза – 2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил) – Т.: Chinor ENK, 2008. – 270 б.
45. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К. 2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – 688 б.
46. Қирғизбоев А. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. – Т.: Фан, 2004. – 280 б.
47. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик: Олий ўқув юрглари талабалари учун қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 524 б.
48. Ҳозирги замон халқаро муносабатлари ва парламентлараро ҳамкорлик // XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: ТДШИ, 2015. – Б. 6–12.

### Рус тилидаги адабиётлар

49. Абдуллаева Л. М. Особенности дипломатического протокола и этикета: практика Республики Узбекистан. Учебное пособие. – Т.: Zar Qalam, 2005. – 176 с.
50. Абдуллаева Л., Юлдашева Г. Терминологический толковый словарь по дипломатическому и консульскому праву. – Т.: ТДЮИ, 2005. – 114 с.
51. Алимов Р. М. Центральная Азия: Общность интересов. – Т.: Шарқ, 2005. – 464 с.
52. Арифханов Ш. Р. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. – Т.: Шарқ, 2008. – 202 с.
53. Ахтамзян А. А. Эволюция основных понятий и терминов дипломатии // Российская дипломатия: история и современность. – М.: РОССПЭН, 2001. – С. 387–397.

54. Баймуратов М. А. Международное публичное право. – Киев, 2004. – 552 с.
55. Барышников Д. Н., Костюк Р. В., Ткаченко С. Л. Эффективность дипломатии. – СПб.: ВВМ, 2009. – 164 с.
56. Баталов Э. Я. Человек, мир, политика. – М.: Научно-образовательный форум по международным отношениям, 2008. – 330 с.
57. Бжезинский З. Еще один шанс // Три президента и кризис Американской сверхдержавы. – М.: Междунар. отношения, 2007.
58. Бобокулов И. И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. – Т.: Университет мировой экономики и дипломатии, 2010. – 186 с.
59. Вахидов А. Роль системного повышения квалификации дипломатических кадров // Вопросы формирования и развития узбекской школы дипломатии: Мат-лы круглого стола. – Т.: УМЭД, 2012. – 44 с.
60. Гиясов Б. Т. и др. Международные отношения и дипломатия на современном этапе. – Т.: ТДШИ, 2009. – 318 с.
61. Дипломатический словарь / Отв. ред. А. А. Громыко. Т. 1. – М.: Наука, 1984. – 424 с.
62. Жураев С. А. Новые тенденции публичной дипломатии // XX асрда жаҳон сиёсатида архитектуроник ўзгаришлар: Realpolitik концепцияси ва Ўзбекистон амалиёти: Илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: ТДШИ, 2014. – 359 б.
63. Исламходжаев Х. С. Государственное управление в сфере внешнеэкономических связей: Учебное пособие. – Т.: ТГЮИ, 2012. – 275 с.
64. История дипломатии. 2-е издание. Т. 1. – М.: Госполитиздат, 1959. – 899 с.
65. История международных отношений и дипломатии. – Т.: НУУИМУ, 2002. – 60 с.
66. Касымов А. М., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 112 с.

67. Касымова Н.А. Соединенные Штаты Америки в региональных интеграционных процессах. Политико-экономический аспект. – Т.: УМЭД, 2002. – 183 с.

68. Киссинджер Г. Дипломатия / Пер. с англ. В. В. Львова; Послел. Г. А. Арбатова. – М.: Ладомир, 1997. – 745 с.

69. Курбанов Ш. Стратегия прорыва // Народное слово. – 2000. – 27 янв.

70. Лебедева М. М. Мировая политика в XXI веке: акторы, процессы, проблемы. – М.: МГИМО-Университет, 2009. – 142 с.

71. Мавланов И. Р. Мировой порядок в XXI веке: современные концепции и их трансформация // XXI асрада жахон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри / Масъул муҳаррир Ш. А. Ёвқочев. – Т.: ТДШИ, 2015. – 424 с.

72. Мавланов И. Р. Развитие экономической дипломатии Республики Узбекистан, современные вызовы и некоторые подходы к их преодолению // Вопросы формирования и развития узбекской школы дипломатии: Мат-лы круглого стола. – Т.: УМЭД, 2012. – С. 23–32.

73. Мавланов И. Р. Экономическая дипломатия Индии в условиях трансформации мирового порядка. – Т.: УМЭД, 2010. – 362 с.

74. Международное публичное право. – Т.: Zarqalam; ТГЮИ; ЦИПЧГП, 2003. – 552 с.

75. Нечаева Ю. В. Происхождение дипломатии // Дипломатический вестник Приднестровья. – 2011. – № 6. – С. 45–49.

76. Нуриддинов Э. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Т.: Чўлпон, 2002. – 216 с.

77. О предоставлении союзным республикам полномочий в области внешних сношений и о преобразованиях в связи с этим народного комиссариата иностранных дел из общесоюзного в союзно-республиканский народный комиссариат. Закон от 1 февраля 1944 г. // Сб. законов СССР и Указов ПВС СССР. 1938–1958 гг. – М.: Юрид. энциклоп., 1959.

78. Основные направления внешней политики и дипломатии Республики Узбекистан в трудах И. А. Каримова. – Т.: УМЭД, 2006. – 132 с.

79. Основы общей теории международных отношений / Под ред. А.С. Манькина. – М., 2009. – 592 с.

80. Попов В. И. Современная дипломатия: теория и практика: Курс лекций. Часть 1: Дипломатия – наука и искусство / ДА МИД РФ. – М.: Научная книга, 2000. – 576 с.

81. Расулов А. Становление и формирование дипломатии и дипломатической службы Республики Узбекистан и подготовка дипломатов в современных условиях // Вопросы формирования и развития узбекской школы дипломатии: Мат-лы круглого стола. – Т.: УМЭД, 2012. – С. 38–44.

82. Рахимов М. А., Рахматуллаев Ш. М., Турсунова Р. Ю., Назаров Р. Р. Очерки новейшей истории Узбекистана. 2-е изд. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2016. – 376 с.

83. Саидов А. Х. Узбекистан и ОБСЕ: грани сотрудничества. – Т.: ТДЮИ, 1998. – 72 с.

84. Саидова Л. Правовые основы дипломатической деятельности Республики Узбекистан. – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2001. – 200 с.

85. Сайфуллаев Д. Б. Информационное обеспечение внешней политики государства: сравнительный анализ опыта России и США // Вестник ПАГС. – 2014. – № 1. – С. 40–44.

86. Сатоу Э. Руководство по дипломатической практике. – М.: ИМО, 1961. – 496 с.

87. Сборник научных публикаций общества молодых ученых УМЭД. – Т.: УМЭД, 2011. – 250 с.

88. Селянинов О. П. Тетради по дипломатической службе государств. – М.: МГИМО, 1998. – 210 с.

89. Современные дороги ведут к новым рубежам // Народное слово. – 2015. – 24 июля.

90. Современные международные отношения и мировая политика / А. Б. Торкунов, И. Г. Тюлин, А. Ю. Мельвиль и др. – М.: Просвещение, 2005. – 990 с.



91. Современные международные отношения: Учебник / Под. ред. А. В. Торкунова, А. В. Мальгина. – М.: Аспект Пресс, 2012. – 688 с.
92. Современные международные отношения: Учебник / Под. ред. А. В. Торкунова. – М.: РОССПЭН, 1999. – 420 с.
93. Стратегический взгляд: Америка и глобальный кризис // Збигнев Бжезинский; [пер. с англ. М. Н. Десятовой]. – М.: АСТ, 2015. – 288 с.
94. Стрежнева М. В., Руденкова Д. Э. Европейский союз: архитектура внешней политики. – М.: ИМЭМО РАН, 2016. – 135 с.
95. Теория международных отношений на рубеже столетий / Под ред. К. Буса и С.Смита; Пер. с англ. / Общ. ред. и предисл. П. А. Цыганкова. – М.: Гардарики, 2002. – 392 с.
96. Теория международных отношений: Хрестоматия / Сост., науч. ред. и коммент. П. А. Цыганкова. – М.: Гардарики, 2002. – 400 с.
97. Тураева М. О. Транспортная инфраструктура стран Центральной Азии в условиях современной регионализации: Доклад. – М.: Институт экономики РАН, 2014. – 62 с.
98. Тюриков В., Шагулямов Р. По пути независимости: Республика Узбекистан. Люди, события, даты. 1991-2000. – Т.: Узбекистан, 2000. – 477 с.
99. Умарахунов И. М. Республика Узбекистан и международное право. – Т.: Узбекистан, 1998. – 309 с.
100. Файзуллаев А. Психологические аспекты дипломатической деятельности // Международные отношения. – 2003. – № 3. – С. 50–57.
101. Файзуллаев А. Мотивация и личность дипломата // Международные отношения. – 2004. – № 2. – С. 62–70.
102. Фельтхем Р. Дж. Настольная книга дипломата / Пер. с англ. В. Е. Улаховича. – Мн.: ООО «Новое знание», 2004. – 304 с.
103. Хасанов У. А. Региональная безопасность и национальные интересы (Центральноазиатский регион). – М.: Вагриус-плюс, 2004. – 192 с.
104. Хидоятов Г. А. Основы дипломатии. – Т.: УМЕТ, 2002. – 344 с.
105. Шералиев Н., Турсунов Н. Проблема Арала в центре

внимания мировой общественности // Правда Востока. – 2014. – 28 сент.

106. Щетинин В. Д. Экономическая дипломатия. – М.: Международные отношения, 2001. – 280 с.

107. Экономическая дипломатия в условиях глобализации / Под редакцией Л. М. Капица. – М.: Московский государственный институт международных отношений (у), МИД РФ, 2009. – 624 с.

### Инглиз тилидаги адабиётлар

108. *Allworth E.* The Modern Uzbeks: From the Fourteenth Century to the Present. – Stanford, 1990. – 341 p.

109. *Barry H. Steiner.* Diplomacy and international theory // Review of International Studies. Vol. 30. Issue 04. – Oct 2004. – P. 485–508.

110. *Burchill, Scott and Linklater, Andrew.* Introduction // Theories of International Relations / Ed. Scott Burchill ... [et al.], p.6. Palgrave, 2005. – P. 48–56.

111. *Der Derian J.* On Diplomacy: A Genealogy of Western Estrangement. – Oxford: Blackwell Publishers, 1987. – 219 p.

112. *Di Maggio P. J., Powell W.* The iron cage revisited: institutional isomorphism and collective rationality in organizational fields // The New Institutionalism in Organizational Analysis. – Chicago: University of Chicago Press, 1991. – P. 37–52.

113. *Huntington S. P.* The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. – New York: Simon & Schuster Paperbacks, 2003. – 367 p.

114. *Keens-Soper, Maurice.* Françoise de Callieres and Diplomatic Theory // The Historical Journal. – Vol. 16. – No. 3. – September 1973. – P. 485–508.

115. *Kenneth N. Waltz.* Man, the State and War: A Theoretical Analysis. – New York: Columbia University Press, 1959. – P. 159–186.

116. *Lamy, Steven.* Contemporary mainstream approaches: neo-realism and neo-liberalism // The Globalisation of World

Politics / Smith, Baylis and Owens, Oxford University Press, 4th ed. – P. 127–128.

117. *March J. G., Olsen J. P.* Rediscovering Institutions. The Organizational Basis of Politics // The Free Press. – New York, 1989. – P. 18–26.

118. Oxford Dictionary of English. – Oxford: Oxford University Press, 2003. – 496 p.

119. *Sharp, Paul.* Diplomatic Theory of International Relations. Cambridge: Cambridge University Press, 2009. – 184 p.

120. *Sharp, Paul.* For Diplomacy: Representation and the Study of International Relations // International Studies Review. – Vol. 1. – No 1. – P. 28–36.

121. *Chandler David.* International Statebuilding – The Rise of the Post-Liberal Paradigm. – Abingdon, Oxon: Routledge, 2010. – P. 43–90.

122. *Wendt, Alexander.* Anarchy is what states make of it: the social construction of power politics // International Organization. – Vol. 46. – No 2. – 1992. – P. 66–76.

### Диссертация ва авторефератлар

123. Асадова Р. Сотрудничество между Узбекистаном и Индией в области экономики и культуры: исторические основы и современное состояние (1991–2001). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2007. – 30 с.

124. Асирбабаева К. С. Республика Узбекистан и Республика Корея: процессы модернизации и перспективы сотрудничества. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2007. – 28 с.

125. Атаджанова С. Научно-техническое и культурное сотрудничество Республики Узбекистан с Казахстаном и Кыргызстаном (1991–2001). Дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2007. – 24 с.

126. Бабахажоева Л. Основные тенденции и направления международного культурно-гуманитарного сотрудничества Республики Узбекистан. Автореф. дис. ... д-ра ист. наук. – Т.: Институт истории, 2011. – 40 с.

127. Бекмуратов Х. И. Ўзбекистоннинг Туркия билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги (1991–2000 йиллар). Тарих фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2001. – 25 с.

128. Дурдыева А. А. Дипломатические структуры и инструменты дипломатии Европейского Союза и государств-членов: соотношение и взаимосвязь. Дис. ... канд. полит. наук. – М., 2017. – 245 с.

129. Зиядуллаева Л. Н. Внешнеэкономические связи Республики Узбекистан в условиях глобализации и регионализации мирового хозяйства: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – М., 2006. – 20 с.

130. Зиямов Н. Роль Узбекистана в межгосударственном экономическом и культурном сотрудничестве стран Центральной Азии (1991–2001 гг.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2002. – 28 с.

131. Ибрагимова Н. Ш. Сравнительный анализ политических взаимоотношений Республики Узбекистан с Республикой Индия и Исламской Республикой Пакистан на современном этапе. Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Т., 2004. – 26 с.

132. Матхолиқов Қ. Ўзбекистон Республикаси ва Европанинг франкафон давлатлари ўртасида маданий алоқалар тарихи (Франция, Швейцария ва Бельгия мисолида (1991–2005)). Тарих фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2008. – 28 б.

133. Махкамова Д. Узбекистан в системе международных культурных связей (особенности и закономерности исторического развития). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2005. – 26 с.

134. Муминова Г. М. Политико-правовой аспект сотрудничества Республики Узбекистан и Европейского Союза. Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Т., 2007. – 28 с.

135. Нишанов Д. Б. Внешняя политика Республики Узбекистан в 90-е годы XX века. Дис. ... канд. ист. наук. – М., 2008. – 183 с.

136. Пулатова С. А. Развитие международных культурных связей независимого Узбекистана и их значение как фактора укрепления его стабильности. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 1994. – 22 с.

137. Рахимов М. А. Сотрудничество Узбекистана с зарубежными странами и международными организациями в обеспе-

чении стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии (1991–2010 гг.). Дис. ... д-ра ист. наук. – Т., 2012. – 280 с.

138. Рахимов М. Сотрудничество Республики Узбекистан со специализированными учреждениями ООН в 1991–1999 гг. (на примере ЮНЕСКО). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2000. – 30 с.

139. Раҳимбаева Д. В. Ўзбекистонда дипломатия хизматининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1944–2001 йиллар. Ташқи ишлар вазирлиги мисолида). Тарих фан. д-ри ... дис. – Т., 2007. – 25 с.

140. Табак Г. А. Роль культурных и исторических традиций во внешней политике Республики Узбекистан. Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Т., 2004. – 26 с.

141. Ташматова К. Экономическое и культурное сотрудничество Узбекистана и других государств Центральной Азии с Китайской Народной Республикой (1991–2011 гг.). Дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2012. – 29 с.

142. Тулаганова Н. У. Становление и развитие движения породнённых городов в Узбекистане (1961–1985 гг.) Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 1987. – 25 с.

143. Туляганова Н. У. Афганский конфликт и его последствия в контексте становления новой системы безопасности в Центральной Азии. Автореф. дис. ... д-ра полит. наук. – Т., 2006. – 50 с.

144. Хасанов У. А. Национальные интересы Республики Узбекистан и проблемы безопасности в Центральноазиатском регионе. Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – М., 2003. – 22 с.

145. Хасанов У. А. Национальные интересы Республики Узбекистан и проблемы безопасности в Центральноазиатском регионе. Дис. ... канд. пед. наук. – М., 2003. – 199 с.

146. Холлиев А. Экономические, научно-технические и культурные связи независимого Узбекистана с Великобританией и США. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 1998. – 50 с.

147. Шарапов А. А. Осиё-Тинч океани минтақаси дав-

латлари Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлари тизимида (ХХР, Япония, Жанубий Корея, Малайзия мисолида). Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Т., 2008. – 28 с.

148. Шарапова С. Ш. Многосторонняя дипломатия Республики Узбекистан: участие в универсальных, региональных и субрегиональных организациях, межгосударственных объединениях. Автореф. дис. ... д-ра полит. наук. – Т., 2006. – 50 с.

### Интернет манбалар

149. What Happened At Dos Erres – This American Life // [www.thisamericanlife.org/radio-archives/episode/465/what-happened-at-dos-erres](http://www.thisamericanlife.org/radio-archives/episode/465/what-happened-at-dos-erres).

150. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг youtube тармоғидаги расмий канали // [www.youtube.com/channel/UCeYfCfsLf6WtH-C2Je8DVoA](http://www.youtube.com/channel/UCeYfCfsLf6WtH-C2Je8DVoA)

151. Political Realism [Internet Encyclopedia of Philosophy] // [www.iep.utm.edu/polreal/](http://www.iep.utm.edu/polreal/)

152. O'zbekiston Tashqi ishlar vaziri Abdulaziz Kamilovning O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Senati yalpi majlisidagi nutqi (Toshkent shahri, 27-may 2017y.) // Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти // [mfa.uz/uz/about/speech/2017/05/11127/](http://mfa.uz/uz/about/speech/2017/05/11127/)

153. Universitet haqida // Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг расмий сайти // [www.uwed.uz/uz/pages/about-university-of-world-economy-and-diplomacy](http://www.uwed.uz/uz/pages/about-university-of-world-economy-and-diplomacy)

154. Universitet haqida // Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг расмий сайти // [uzswlu.uz/pages/view/129](http://uzswlu.uz/pages/view/129)

155. *Wolf Ch. Jr., Rosen B. Public Diplomacy: How to Think about and Improve It.* // [www.rand.org](http://www.rand.org)

156. Алиханов Б. Консолидация усилий даст результат // [mfa.uz/ru/press/news/2014/10/2729/](http://mfa.uz/ru/press/news/2014/10/2729/)

157. В Ташкенте прошло заседание узбекско-афганской комиссии по торгово-экономическому сотрудничеству // [afghanistan.ru/doc/9533.html](http://afghanistan.ru/doc/9533.html) 19.07.2007.

158. Выступление министра иностранных дел Республики Узбекистан Абдулазиза Камилова на саммите ООН по устойчивому развитию (Нью-Йорк, 25 сентября 2015г.) // mfa.uz/ru/press/news/2015/09/5375/

159. Декларация тысячелетия Организации Объединенных Наций. // Принята резолюцией 55/2 Генеральной Ассамблеи от 8 сентября 2000 года // Организация Объединенных Наций // www.un.org/ru/documents/decl\_conv/declarations/summitdecl.shtml.

160. Запольскис А. Системная ошибка проекта глобализации мира. // 20 апреля 2015. // www.imperiya.by/politics1-25386.html

161. Институтнинг қисқача тарихи // Тошкент давлат шарқшунослик институтининг расмий сайти // tashgiv.uz/institut-haqida/

162. Караганов С. Мировые тенденции – 2015 и российская политика // Россия в глобальной политике. – 2016. – №2 // www.globalaffairs.ru/number/Kontury-peremen-18020

163. Касымов А., Гиясов Б. Экономическая дипломатия на современном этапе // pv.uz/today/ 27.01.07.

164. Князев А. Ряд изменений в Конституции Узбекистана – формирование триумвирата // regnum.ru/news/polit/1778791.html (Душанбе, 17 марта 2014).

165. Концепция тасдиқланди // XXI аср газетасининг расмий сайти // 21asr.uz/o-zlidep-fraktciiasida/kontseptciia-tasdi-landi.html.

166. Маметова М. «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги // www.uza.uz/oz/society/say-arakatlarni-muvofi-lashtirish-y-lida1 29.10.2014.

167. Маметова М. 19 июля 1996 года сошел с конвейера первый узбекский автомобиль // www.12news.uz/news/2015/07/19-июля-1996-года-сошел-с-конвейера-первый-уз/

168. Маметова М. Востребованность узбекского хлопка и текстиля на мировом рынке постоянно растет // Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг расмий сайти // uza.uz/ru/business/vostrebovannost-uzbekskogo-khlopka-i-tekstilya-na-mirovom-ry-15-10-2015?sphrase\_id=1254575 15.10.2015.

169. Маметова М., Шамсиддинов Ё. Узбекистан – стабильный и надежный партнер на мировом хлопковом рынке // Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг расмий сайти // uza.uz/ru/business/uzbekistan-stabilnyu-i-nadezhnyu-partner-na-mirovom-khlopkov-16-10-2015?sphrase\_id=1254564 16.10.2015 19:35

170. Обидов Н. Таджикистан готовит техногенную катастрофу Центрально-Азиатскому региону // Офиц. сайт журнала «Карнавал» // www.journal-karnaval.ru/stranimira/i\_nematzhon-obidov-tadzhikistan-gotovit-tehnogennuyu-katastrofu-tsentralno-aziatskomu-regionu/ 18.02.2015 г.

171. Орол денгизи муаммоси // Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти // mfa.uz/uz/cooperation/ara1/1405/

172. Открыта виртуальная приемная Министра иностранных дел Узбекистана // Информационное агентство УзРепорт // news.uzreport.uz/news\_3\_r\_145971.html

173. Официальный сайт Международной информационной группы «Интерфакс» // www.group.interfax.ru

174. Полюса роста узбекской экономики. Какими им быть? // www.centrasia.ru/newsA.php?st=1298616660).

175. Расширилась локализация, укрепилась кооперация // Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти // mfa.uz/ru/press/news/2015/11/5781/

176. Содиқ Сафоев Сенат раисининг биринчи ўринбосари бўлди // kun.uz/news/2016/12/13/sodik-safoev-senat-raising-birinci-urinbosari-buldi

177. Сотрудничество Республики Узбекистан с международными организациями // www.gov.uz

178. Тешаев А. Локализация и кооперация — важные

тренды экономики. // «Народное слово» газетасининг расмий сайти//narodnoeslovo.uz/index.php/homepage/i-tisodijot/item/5260-

179. ТИВ алоҳида топшириқлар бўйича элчиси тайинланди // Ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти // mfa.uz/uz/press/news/2016/09/8371/

180. Ўзбек-Афғон муносабатлари ҳамда Ўзбекистоннинг Афғонистон Ислом Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тикланишига қўшган ҳиссаси // Халқаро ҳамкорлик // Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти // www.mfa.uz/uz/cooperation/countries/200/

181. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди // Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг расмий сайти // 17.10.2015. // uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-islom-karimov-

182. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги // Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти // mfa.uz/uz/about/subordinate/

183. Ўзбекистон Республикасининг Ўрта, Яқин Шарқ ва Африка давлатлари билан ҳамкорлиги // Халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти // mfa.uz/uz/cooperation/countries/200/

184. Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1990. – № 2527. – 316-модда. // lex.uz

185. Участие делегации Узбекистана в заседании СМД ОБСЕ // Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти // mfa.uz/ru/press/news/2015/12/6122/

186. Черногаев Ю. Мудрость и лукавство восточной дипломатии // anhor.uz/columnists/mudrosty-i-lukavstvo - vostochnoy-diplomatii

187. Ш.М. Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bazharuvchisha-18-10-2016. 18.10.2016

188. Элмуродов М. ШХТнинг УФА саммити // Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги // uza.uz/oz/politics/sh-tning-ufasammiti- 11-07-2015.

**МУНДАРИЖА**

СЎЗБОШИ .....	3
<b>I БОБ.</b>	
<b>ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ ДИПЛОМАТИЯСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>	
1.1-§. Замонавий дипломатияни ўрганишнинг назарий ва концептуал асослари .....	5
1.2-§. Мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатияси тарихини тадқиқ этиш йўналишлари .....	29
Боб бўйича хулоса.....	50
<b>II БОБ.</b>	
<b>МИЛЛИЙ ДИПЛОМАТИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ: ОМИЛЛАР ВА МУАММОЛАР</b>	
2.1-§. Ўзбекистон дипломатиясининг омиллари: ташкилий-ҳуқуқий трендлар.....	52
2.2-§. Миллий дипломатияни кадрлар билан таъминлаш муаммолари.....	75
Боб бўйича хулоса.....	95
<b>III БОБ.</b>	
<b>ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТИ- ДА ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ АСОСИЙ ВЕКТОРЛАРИ</b>	
3.1-§. Ўзбекистон замонавий дипломатиясининг йўналиш ва вазифалари .....	96
3.2-§. Минтақавий муаммолар ечимида Ўзбекистон дипломатиясининг фаолияти.....	126
ХУЛОСА .....	152
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати .....	156

СЎЗ

Ў

1.1

КО

1.2

ТА

БО

1

2

3

4

**Дурбек Сайфуллаев**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ  
ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ  
(1991-2016)**

Мухаррир:  
**Саид Мурад**

Техник мухаррир:  
**Файзулла Азизов**

Дизайнер:  
**Василий Бурцев**

“Muharrir nashriyoti”

Лицензия: АИ № 309. 2017 йил 22 июн.

Теришга 2018 йил 27 январда берилди.

Босишга 2018 йил 20 апрелда рухсат этилди.

Бичими: 84x108 1/32. «PT Serif» гарнитурасида  
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.

5,3 шарт. б.т. 4,9 ҳисоб нашр. таб.

Адади 300 нусха. 92-сон буюртма.

“Мухаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.  
100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20<sup>А</sup>-манзеи,  
Сўгалли ога кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru

С

1  
K  
1  
T  
E

**Дурбек Сайфуллаев**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ  
ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ  
(1991-2016)**

2  
T  
2  
T  
1

Мухаррир:  
**Саид Мурод**

Техник муҳаррир:  
**Файзулла Азизов**

Дизайнер:  
**Василий Бурцев**

“Muharrir nashriyoti”

Лицензия: АИ № 309. 2017 йил 22 июн.

Теришга 2018 йил 27 январда берилди.  
Босишга 2018 йил 20 апрелда рухсат этилди.  
Бичими: 84x108 1/32. «PT Serif» гарнитурасида  
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.  
5,3 шарт. б.т. 4,9 ҳисоб нашр. таб.  
Адади 300 нусха. 92-сон буюртма.

“Мухаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.  
100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20<sup>А</sup>-мавзеи,  
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru